

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

## **ЭТИКА ВА ЭСТЕТИКАНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**2021**

**Шарипов А.З. фалсафа фанлари номзоди,  
доцент**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ЭТИКА ВА ЭСТЕТИКАНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Фалсафа**

Модулнинг ўқув-услугий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:** А.З.Шарипов фалсафа фанлари номзоди, доцент.

**Такризчи:** Б.Б.Намозов фалсафа фанлари номзоди, доцент.

**Ўқув -услугий мажмуа Бухоро давлат университети Илмий  
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган  
(2020 йил “30” декбардаги 9-сонли баённома)**

**МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>11</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>30</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>87</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>93</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>119</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

“Этика ва эстетиканинг назарий асослари” модули ҳозирги кунда мантиқ ва тафаккурни шакллантирувчи фанларни ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, логика илмидаги сўнгги ютуқлар, муаммоларни ўрганиш ва таълим бериш жараёнида замонавий педагогик технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича, ҳамда уларнинг келажакдаги ўрни масалаларини қамрайди.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

«**Этика ва эстетиканинг назарий асослари**» модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларининг бу борада мамлакатимизда ва хорижий давлатларда тўпланган мантиқ илми, уни ўқитишнинг замонавий усулларини ўрганиш, амалда қўллаш, кўникма ва малакаларини шакллантириш.

### «**Этика ва эстетиканинг назарий асослари**» модулнинг вазифалари:

- фалсафа йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- мутахассисларни касбий этикет ва касб эстетикасини оширишнинг замонавий усулларини тадбиқ қилиш;
- Этиканинг долзарб масалалари ва эстетик диднинг шаклланишига оид тамойилларнинг аҳамиятини очиқ бериш;
- фалсафа йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малака ва компетентлигига қўйиладиган талаблар

«**Этика ва эстетиканинг назарий асослари**» модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### Тингловчи:

- этика ва эстетиканинг назарий асосларини;
- этика ва эстетика фанларининг умумназарий масалалари, глобал

муаммолари, таълим, тарбия ва маънавий тараққиётдаги ўрнини;

- этика ва эстетика фанининг асосий тушунчалари, меъёрлари ва тамойилларини;

- педагогик фаолияти соҳасида этика ва эстетиканинг тамойиллари ва қонуниятларини;

миллий ва умуминсоний қадриятлардаги инъикоси, воқеликка ахлоқий ва эстетик муносабатда бўлишнинг замонавий кўринишларини **кўникмаларига эга бўлиши** лозим.

#### **Тингловчи:**

- ахлоқ ва эстетик билимларни ўрганиш орқали кенг мушоҳада юритиш;

- этика ва эстетиканинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;

- глобаллашув жраёнидги ахлоқий эстетик муаммоларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- этиканинг илмий, назарий, тарихий ва прогматик аҳамиятини ҳаётий воқелик ва илмий асосда тушунтириб бериш;

- эстетикага оид манбалардан зарур ва муҳим бўлган маълумотларни ажратиб олиш, уларни изчил тизимга келтириб, талқин қилиш **малакаларига эга бўлиши** лозим;

#### **Тингловчи:**

- этика ва эстетика фанида инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;

- этика ва эстетика фанининг инсонинг жамиятда тутган ўрни, яшашдан мақсад каби масалаларни таҳлил қилиш ва бугунги кун билан таққослаш;

- этика ва эстетиканинг долзарб масалаларига оид замонавий манбалардан фойдалана олиш **компетенцияларига эга бўлиши** лозим.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

«Этика ва эстетиканинг назарий асослари» модули ўқув режадаги бошқа модуллар ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий

боғланган ҳолда педагогларнинг бу соҳа бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар фалсафа ва фалсафий фанларини ўқитишда замонавий усуллар ёрдамида таълим жараёнини ташкил этишда педагогик ёндашув асослари ва бу борадаги илғор тажрибаларни ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўлиш, илмий-тадқиқотда инновацион фаолият ва ишлаб чиқариш фаолияти олиб бориш каби касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модуль бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси		
			Жами	жумладан	
				Назарий машғулот	Амалий машғулот
1	“Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишнинг замонавий усуллари ва услублари.	4	4	2	2
2	XXI асрнинг глобал ахлоқий ва эстетик муаммолари.	2	2	2	2
3	Ахлоқ психологияси.	4	4		2
4	Давлат хизматчилари этикаси ва имижиси.	4	4		2
5	Этикет замонавий ахлоқнинг назарий ва амалий асоси.	2	2	2	2
6	Эстетик англаш.	4	4	2	2
	<b>Жами</b>	<b>20</b>	<b>20</b>	<b>8</b>	<b>12</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1–Мавзу: “Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишнинг замонавий усуллари ва услублари.**

#### **Режа:**

1. Фалсафий фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Сохага оид замонавий педагогик технологиялар ва илғор тажрибалар.
3. “Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишнинг усуллари ва услублари.
4. Ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришнинг тарбиявий воситалари ва йўллари.

### **2–Мавзу: XXI асрнинг глобал ахлоқий ва эстетик муаммолари.**

#### **Режа:**

1. XXI асрнинг глобал муаммолари: фалсафий таҳлил.
2. Ҳозирги давр ахлоқий муаммолари: экологик ахлоқ ва этосфера.
3. Эстетиканинг замонавий муаммолари: нафосат, дид ва санъат.
4. Инсон шахсидаги иллатларнинг пайдо бўлиш оқибатлари унинг жамият ривожига таъсири.

### **3–Мавзу: Этикет замонавий ахлоқнинг назарий ва амалий асоси.**

#### **Режа:**

1. Этикет тушунчаси, мазмуни ва моҳияти.
2. Этикет – амалий ахлоқ сифатида.
3. Этикетни шакллантиришнинг усул ва воситалари.
4. Касбий этикетни шакллантириш – тараққиётни таъминлаш омили сифатида.

### **4-Мавзу: Эстетик англаш.**

#### **Режа:**

1. Эстетик билиш, англаш ва ишлаб чиқариш жараёни.
2. Эстетик англаш тушунчаси ва унинг индивидуал характери.



3. Модернизация жараёнларида эстетик фаолиятнинг кўринишлари.
4. Ёш авлодни эстетик тафаккурини шакллантиришнинг долзарб муаммолари

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1–Мавзу: “Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишнинг замонавий усуллари ва услублари.**

#### **Режа:**

1. Фалсафий фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Сохага оид замонавий педагогик технологиялар ва илғор тажрибалар.
3. “Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишнинг усуллари ва услублари.
4. Ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришнинг тарбиявий воситалари ва йўллари.

### **2–Мавзу: XXI асрнинг глобал ахлоқий ва эстетик муаммолари.**

#### **Режа:**

1. XXI асрнинг глобал муаммолари: фалсафий таҳлил.
2. Ҳозирги давр ахлоқий муаммолари: экологик ахлоқ ва этосфера.
3. Эстетиканинг замонавий муаммолари: нафосат, дид ва санъат.
4. Инсон шахсидаги иллатларнинг пайдо бўлиш оқибатлари унинг жамият ривожига таъсири.

### **3-Мавзу: Ахлоқ психологияси.**

#### **Режа:**

1. Руҳий таҳлил йўналиши ва ғайризўравонлик.
2. Гендер муаммолари.
3. Аёл ва эркакларнинг хулқ-атвори ва мотивацияси.
4. Ахлоқ психологиясининг баркамол шахсни тарбиялашдаги ўрни.

### **4-Мавзу: Давлат хизматчилари этикаси ва имижи.**

**Режа:**

1. Давлат хизматчилари этикаси ва имижи.
2. Касбий одоб ва унинг тамойиллари.
3. Ахлоқий маданият.
4. Касбий эркинлик ва касбий бурчнинг ахлоқий моҳияти.

**5–Мавзу: Этикет замонавий ахлоқнинг назарий ва амалий асоси.****Режа:**

1. Этикет тушунчаси, мазмуни ва моҳияти.
2. Этикет – амалий ахлоқ сифатида.
3. Этикетни шакллантиришнинг усул ва воситалари.
4. Касбий этикетни шакллантириш – тараққиётни таъминлаш омили сифатида.

**6-Мавзу: Эстетик англаш.****Режа:**

1. Эстетик билиш, англаш ва ишлаб чиқариш жараёни.
2. Эстетик англаш тушунчаси ва унинг индивидуал характери.
3. Модернизация жараёнларида эстетик фаолиятнинг кўринишлари.
4. Ёш авлодни эстетик тафаккурини шакллантиришнинг долзарб муаммолари

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида юкори малакали олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилишда, янги педагогик технологияларга алоҳида ўрин ажратилган. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да таъкидланганидек, "Талабаларни ўқитишни янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда жадаллаштириш зарур".

Педагогик технология - бу давр талабидир. Ўқитувчилик фаолияти ишлаб-чиқариш фаолиятининг бир тури бўлгани сабабли, педагогик технологиянинг пайдо бўлиши ҳам шу билан боғлиқдир. Шунинг учун, унга ҳам, ишлаб-чиқариш технологиясидек қуйидаги талаблар қўйилади: лойиҳалаш, бошқарилиш, натижаларга кафолатли эришилиш, тузатувлар киритилиши, тежамкорлик.

Педагогик мақсадларнинг ҳозирги кунда энг кенг тарқалган таксономияси, америкалик педагог олим Б.Блумнинг тизими ҳисобланади. Ўқув мақсадларининг асосий тоифалари, Б.Блум бўйича, қуйидагилар ҳисобланади: билиш; тушуниш; қўллаш; анализ; синтез; баҳолаш

Ўқув фанининг мақсадларини аниқлаштириш, бу таксономия бўйича қуйидаги икки босқичда амалга оширилади:

1. Фаннинг ўқув мақсадларини белгилаш.
  2. Ҳар қайси мавзу, бўлим, модулнинг мақсадларини белгилаш.
- Ўқув мақсадлари тизимини тузиш ва даражалашни жадвал кўринишида тасвир этиш мақсадга мувофиқ бўлади (2.1-жадвал).

**Биринчи босқичда** ҳар бир мавзу (бўлим) бўйича таянч ибораларни алоҳида кўрсатиш лозим.

**Иккинчи босқичда**, ҳар бир таянч иборани, ўрганилиш чуқурлигини ўрнатиш зарур бўлади. Яъни, талаба қайсидир таянч иборани билиш даражасида (ўқув материални эслаб қолиш етарли бўлади), бошқа таянч иборани қўллаш даражасида (аниқ шароитлар учун ўқув материалдан фойдаланиш), айрим таянч ибораларни баҳолаш даражасида (ўқув материалининг у ёки бу қийматини аниқ мақсадига кўра баҳолаши ва бунинг

натижаси ижодий хулоса чиқариши) ва ҳ.к. ўзлаштириши зарур бўлади.

**Учинчи босқичда** ҳар бир ўқув мақсадига эришиш, мезонни ўрнатиш керак бўлади. Яъни, ўқув мақсади шундай ифодаланиши зарурки, унга етиш ёки етмаганлигини адашмасдан аниқлаш мумкин бўлсин.

Ўқув мақсадларининг бундай аниқ турланиши, ўқитиш жараёнини оптимал режалаш ва ўқитишдан кўзланган натижаларга эришиш имкониятини беради.

Ўқув мақсадларига эришилгани ёки ўқитиш натижалари ҳақида фақат ташқи белгилар жавоблар, масалаларни ечиш ва ҳ.к. бўйича хулоса чиқариш мумкин.

Ифодаловчи белгилари тўла ва ишончли ёритилган мақсад, идентификацияланадиган мақсад дейилади. Шунинг учун, ўқитиш вазифасини идентификация қилиш учун, унинг ташқи белгиларини тўла ифодалаш зарур.

### **Илғор педагогик технологиялар асосида дарс жараёнини ташкил қилиш тартиблари**

Ўқув жараёнининг асосий қисми дарс машғулотлари бўлиб, уни қай даражада моҳирона ташкил этилиши пировард натижаларда, яъни талабалар томонидан ўтилган мавзунини қай даражада ўзлаштирилишида ўз ифодасини топади.

#### **Дарс жараёнига тайёргарлик кўриш**

Анъанавий дарсларга тайёргарлик кўришда, одатда, тегишли адабиётларни ўрганиб, дарснинг режаси ва тегишли маъруза матни тайёрланар эди. Илғор педагогик технологиялар асосида дарсга тайёргарлик кўриш анъанавий тайёргарликдан катта фарқ қилади. Яъни, бунда, ўқитувчи тайёргарлик давомида тегишли мавзунинг мақсадини, уни ўтказиш усули ва воситаларини танлаши ёки аниқлаши, намойиш этилиши зарур бўлган тасвирий материалларни тахт қилиб қўйиши, етарли даражада тарқатма материалларни тайёрлаши, ўқув мақсадларига эришганлик даражасини аниқловчи баҳолаш мезонлари ишлаб чиқиши зарур. Ушбу тайёргарлик давомида дарс боришини ифодаловчи лойиҳа ёки бошқача айтганда дарснинг сценарийсини тайёрлаши лозим. Унда дарснинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш назарда тутилади.

### **Дарс жараёнини лойиҳалаш**

Дарс жараёнини лойиҳалаш - дарс давомида ўқитувчи томонидан талабаларга тегишли билим, кўникма, ахборот ёки маълумотларни етказишни тартиблаштиришдир. Бунда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

1. Мавзу ва таянч ибораларнинг ўқув мақсадлари шакллантирилади (Б.Блум таксономияси асосида).
2. Мавзуни ёритиш услуби танланади.
3. Талабаларни фаоллаштирувчи саволлар, топшириқлар, тестлар, масала ёки машқлар тайёрланади.
4. Баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади. Бунда ўқув мақсадларга эришилганлигини аниқловчи белгилар, топшириқларнинг жавобларига мослигини белгилувчи мезонлар келтирилиши мақсадга мувофиқ.
5. Дарс жараёни лойиҳасининг ҳар бир қисмида ўқитувчи ва талабанинг аниқ вазифаси келтирилади.

Фаннинг бир семестр давомида ўқитиладиган қисми учун юқорида зикр этилган бандлар тўла ёритилган услубий ишланма янги педагогик технологияни тегишли фанга қўллашга доир услубий қўлланма ҳисобланади. Бунда тегишли фандан маъруза ва амалий машғулотлар учун алоҳида-алоҳида услубий қўлланма яратиш мақсадга мувофиқдир. Қуйида техник, иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича дарс лойиҳалари намуналари келтирилди.

### **Этика ва эстетика фанларини ўқитиш жараёнида баъзи педагогик технологияларни қўллаш**

**“Этиканинг асосий тушунчалари. Ахлоқий тамойиллар ва меъёрлари” мавзусига “Пинборд” методининг қўлланилиши.**

**Дарс мавзуси:** (семинар) Этиканинг асосий тушунчалари, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлари

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ахлоқнинг моҳияти, тараққиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги ўрни, ахлоқ

тузилмаси тушунчаси: ахлоқий онг ва унда урф одат ва анъаналарнинг ўрни; ахлоқий ҳиссиётнинг ўзига ҳос ҳиссий кечинма эканлиги; ахлоқий муносабатлар ва уларнинг ахлоқий фаолиятга таъсири, Ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов тушунчалари ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг ижтимоий заруриятлиги ҳамда этиканинг асосий мезоний тушунчалари, тамойиллари ва меъёрлари ҳақида маълумотлар бериш .

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Талабаларнинг ахлоқшунослик асосий мезоний тушунчаларини инсон ҳаётидаги ўрнини хис қилиш ҳамда қўллай билиш кўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантиришдан иборат.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, ахлоқ тузилмаси тушунчаси: ахлоқий онг ва унда урф одат ва анъаналарнинг ўрни; ахлоқий ҳиссиётнинг ўзига ҳос ҳиссий кечинма эканлиги; ахлоқий муносабатлар ва уларнинг ахлоқий фаолиятга таъсирини тушунтиришдан иборат.

**Дарсда фойдаланиладиган метод “Пинборд”**

**Дарснинг бориши:**

1. Ташкилий қисм.
2. Талабаларни маъруза машғулотининг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.
3. Маъруза якунида мавзуга оид тушунчалар билан ишлаш

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очилади. Маъруза машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, тараққиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги ўрни, ахлоқ тузилмаси тушунчаси: ахлоқий онг ва унда урф одат ва анъаналарнинг ўрни; ахлоқий ҳиссиётнинг ўзига ҳос ҳиссий кечинма эканлиги; ахлоқий муносабатлар ва уларнинг ахлоқий фаолиятга таъсири, ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов тушунчалари ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг ижтимоий зарурияти ҳақида маълумотлар беради.

**“Пинборд” методи мазмуни.**

Пинборд методи (инглиз тилидаги pin– ёпиштирмак, board – доска) – яъни олинган билимларни доскага мустаҳкамлаш, ёпиштирмак деган маънони англатади. Пинборд методи-вазифаларни ҳал этиш бўйича ғояларни тизимлаштириш ва гуруҳлаштириш ва ягона нуктаи назарни ишлаб чиқиш имконини беради. Методни қуйидагича қўллаш тавсия этилади: талабларни ранги карточкалар ёрдамида кичик гуруҳларга ажратиш ва вазифалар бериш, иложи борича ҳар бир гуруҳга алоҳида вазифалар берилди. Гуруҳлар вазифаларни бажаришлари учун қоғоз тўплами ва ёзишлари учун маркерлар тарқатилади. Берилган вазифани кичик гуруҳ аъзолари келишилган ҳолда қоғозларга ёзиб боради. Гуруҳдан битта иштирокчи ёзади қолган иштирокчилар вазифа жавобларини айтиб туради. Вазифа бажариб бўлгандан кейини магнитлар ёрдамида доскага маҳкамланади ва тақдимот қилинади. Барча кичик гуруҳлар тақдимотидан кейин гуруҳлар билан биргаликда бажарилган вазифалар муҳокама қилинади ҳамда нотўғри жавоблар бўлса олиб ташланади. Ҳар бир гуруҳ тақдимотидан сўнг, олдиндан ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида баҳоланилади.

**“Пинборд” методининг ишланмаси**

Кичик гуруҳларга бериладиган вазифалар :

- 1-гуруҳ: Этиканинг асосий категориялари (қизил рангли карточкалар)
- 2-гуруҳ: Этиканинг тамойиллари ( яшил рангли карточкалар)
- 3-гуруҳ: Этиканинг меъёрлари (сарик рангли карточкалар)

**Этиканинг асосий категориялари:**

- Муҳаббат ва нафрат
- Эзгулик ва ёвузлик
- Яхшилик ва ёмонлик
- Камтарлик
- Бахт
- Ҳаётнинг маъноси

- Виждон
- Номус
- Адолат

#### **Этиканинг меъёрлари:**

- Миллатпарварлик
- Ватанпарварлик
- Эркпарварлик
- Инсонпарварлик
- Меҳмондўстлик
- Меҳнатсеварлик
- Тинчликпарварлик
- Фидойилик
- Зиёлилик

#### **Этиканинг меъёрлари:**

- Ҳалоллик
- Ростгўйлик
- Ҳаёлилик
- Инсофлилик
- Хушфёъллик
- Камтаринлик
- Босиқлик
- Худбинлик
- Шухратпарастлик

**Хулоса:** “Пинборд” методини ўтказиш талабаларга семинар машғулотда этиканинг категориялари, тамойиллари ва меъёрларига оид тушунчаларни ўз ўрнида қўллашда фойда беради.

#### **"Кичик гуруҳларда ишлаш"**

"Кичик гуруҳларга бўлиш" мақсадлари қуйидагилардир : 1- дарс жараёнида янги ўқув материални ўзлаштириш; 2- амалий топшириқларни бажариш; 3- тарбия жараёнида ижтимоий топшириқларни бажариш; 4- дарсдан бўш вақтларини



ташқил этиш; 5-талабаларнинг қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантириш; 6 - шахслараро муносабатларни мустаҳкамлаш.

Гуруҳларда ишлаш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

1. Гуруҳларда машғулоти режалаштириб, талабаларни 4-5 гуруҳга тақсимлаш зарур, ҳар гуруҳда 4 - 6 иштирокчи бўлиши мумкин.

Изоҳ: гуруҳларнинг кўплиги иш натижалари презентацияси ва баҳолаши вақтини чўзиб юборади; гуруҳда талабалар сонининг кўплиги гуруҳ ишида фаол иштирок этиш имкониятини чеклайди.

2. Гуруҳ таркибини ўқитувчи белгилайди. Гуруҳнинг таркиби хилма-хил бўлиши керак. Барча муносабатларда "табақалаштирилган" гуруҳлар тузиш мумкин. Энг зеҳли ва қобилиятли талабалар ҳар бир гуруҳга киритилиб, зеҳни ўткир бўлмаган талабаларни ҳам ҳар бир гуруҳга тақсимлаш мумкин. Иложи борича гуруҳ таркибини тез-тез алмаштиришга ҳаракат қилиш лозим. Талабалар доимо бир таркибда ишлашига йўл қўймаслик керак.

3. Тақсимлашнинг бирдан бир усулини 3-4 марта қўлланганда у зерикарли бўлиб қолади, шунинг учун гуруҳларга тақсимлашнинг қизиқарли усулларини топиш зарур (лотерея, алифбо бўйича, имконият ва қизиқишлар асосида ва бошқалар).

4. Берилган топшириқни бажариш учун гуруҳ доира шаклида ўтиради. Ҳар бир иштирокчи ҳаммани кўрмагунча гуруҳ ишни бошлай олмайди. Улардан бири ёзади ("райтер"), бири қилинган ишни сўзга чиқиб ҳимоя қилади (спикер). Бу роллар ижросини барча гуруҳ аъзолари навбати билан бажаради. Кичик гуруҳ раҳбарларини тез-тез (1-2 ҳафтада, бир ой ёки чорақда бир марта) алмаштириш керак, чунки ҳар қайси талаба ҳам раҳбар, ҳам бўйсунувчи сифатида гуруҳдаги ишларни бажариши лозим.

5. Кичик гуруҳ учун берилган вазифани бажаришга аниқ йўриқлар кўрсатиш ва етарлича вақт бериш зарур.

6. Гуруҳ иши натижаларининг қандай шаклда топширилишини

аниқ тушунтириш ва у ҳақида гуруҳга кимни эълон қилиши керак бўлса, уни олдиндан танлаб қўйиши зарур.

7. Ўқитувчи иш вақтида доимо ҳар бир гуруҳ атрофида юради, чунки уни саволларга жавоб бериш зарурати бўлиши мумкин.

8. Гуруҳларни баҳолаш ва мукофотлаш тизимини ишдан олдин ўйлаб топиш ва тушунтириш керак. Муваффақиятга эришилган гуруҳ-учун албатта мукофот тайёрланади. Қиммат бўлмаса ҳам шундай мукофотлар талабаларни рағбатлантиради. Бажарилган ишлар учун кичик гуруҳларнинг тўпланган баллари махсус стендда кўрсатилади.

Талабаларни кичик гуруҳларга тақсимлаш учун турли усулларни қўллаш мумкин. Масалан:

- ◆ 4 гача санаш;
- ◆ меваларнинг номларига кўра - олма, нок, олхўри, анор;
- ◆ геометрик шакллар номи билан - учбурчак, тўртбурчак, квадрат, айлана ва ҳоказо.

### **“КЕЙС-СТАДИ” МЕТОДИ**

Кейс-стади инглизча case – аниқ вазият, study – таълим сўзларининг бирикувидан ҳосил қилинган бўлиб, аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ижтимоий аҳамиятга эга натижаларга эришишга асосланган таълим методидир.

#### **“КЕЙС-СТАДИ” методини амалга ошириш босқичлари**

- Кейс билан танишув (индивидуал)
- Асосий муаммони (ўқув муаммосини) ажратиб олиш ва ўрганиш (индивидуал ва кичик гуруҳларда)
- Ғоялар йиғиш ва муаммонинг мақбул ечимини танлаш, моделлаштириш (кичик гуруҳларда)
- Кейс ечими учун таклиф этилган ғояларни тақдимоти, таҳлил ва баҳолаш (ўқитувчи ва кичик гуруҳлар)
- Кейс ечими ва тавсиялар. (ўқитувчи, кичик гуруҳлар ва индивидуал)

**“Оила, фуқаролик жамияти ва давлатнинг ахлоқий асослари. шахс ахлоқий тарбияси” мавзусига «Кейс стади» методининг қўлланилиши.**

**Дарс мавзуси:** (амалий машғулот) Оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг фарзанд тарбиясига таъсири, эркак ва аёлнинг ўрни. Оилавий муносабатларга ноанъанавий ёндошувлар: бир жинсли никоҳлар, никоҳсиз оилалар ва уларнинг оқибатлари.

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ахлоқнинг моҳияти, тараққиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги ўрни, оила тушунчаси: оилани шаклланишида урф одат ва анъаналарнинг ўрни, Давлатнинг оила тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни. Давлат томонидан ёш оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишининг ахлоқий аҳамияти ҳақида маълумотлар бериш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, этиканинг мезоний тушунчаларини инсон ҳаётида қўллай билиш кўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантириш, оиланинг муқаддаслиги аҳамиятини тушунтиришдан иборат.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, ахлоқнинг инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги ўрни, оила тушунчаси: оилани шаклланишида урф одат ва анъаналарнинг ўрни, давлатнинг оила тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни, давлат томонидан ёш оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишининг ахлоқий аҳамияти ҳақида маълумотлар бериш.

**Дарсда фойдаланиладиган метод: “Кейс стади”**

**Дарснинг бориши:**

1. Ташкилий қисм.
2. Талабаларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб,

бугунги кунда ахлоқнинг моҳияти, тараққиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги ўрни, оила тушунчаси: оилани шаклланишида урф одат ва анъаналарнинг ўрни, Давлатнинг оила тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни. Давлат томонидан ёш оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишининг ахлоқий аҳамияти ҳақида маълумотлар беради.

### 3. “Кейс стади” методни ўтказиш.

Бу методдан мақсад: ушбу кейснинг асосий манбаи кабинетли, лавҳали бўлиб, ҳаётий вазиятлар асосида баён этилган. Кейснинг асосий объекти шахсга йўналтирилгандир. Бу ташкилий институционал кейс бўлиб, маълумотлар, вазиятлар ва саволлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача, тизимлаштирилган бўлиб, амалий машғулотларга мўлжалланган ўқув мавзу бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс муаммоларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган.

Аудиториядаги талабаларнинг сонидан келиб чиқиб, журналдаги тартиб рақамлари ёки, ўтирган жойдаги инсонларни қизиқишлари, ёки рангли қоғозларини тарқатиб бир хиллиларни ажратиб олиш йўллари билан гуруҳларга ажратиб олинади. Ҳар бир гуруҳга “муаммо” тарқатилади.

#### 1 – вазият:

Ёш оила қураётган келин - куёвга ўз оилавий шифохоналарига тиббий кўриқдан ўтиш учун йўлланма берилди. Куёв туй тараддуди билан вақти йўқлигини вақт қилиб бўлим бошлиғи билан “гаплашиб” маълумотномани бир амаллаб олади. Келин эса барча қоидага кўра кўриқдан ўтади. Бу ёш оила қурувчилар бир – бирларига соғлом эканликларини билдиришди ва уларни ФХДЁ бўлимида қайд этилди. 4 –5 ойлардан сўнг келин оилавий шифохонага қайнонаси билан чиқиб, ҳомиладорлик бўйича рўйхатга қўйилади. Олинган биринчи таҳлиллар келинда захм касали мавжуд эканлигини кўрсатади.

Бундан хабар топган эр ва қайнона келинни “енгил табиат аёл бизнинг хонадонимизга мос келмайди” – деб шармандаларча уйдан хайдаб

юборишади. Бу ёш оилани тиклаб бўладими?

### **2 – вазият:**

Оиладаги аёл раҳбар. Оила юмушларини бажаришга, болалар ўртасидаги муаммоларни ҳал қилишга, турмуш ўртоғининг ҳам кўнглига йўл топа олишга улгурмоқда. Оиладаги эркак ҳам раҳбар. У фақат давлат ишлари билан банд. Аёл ва сиёсат сизнинг муносабатингиз.

### **3 – вазият:**

Шундай вазиятни тасаввур қилинг: Сиз бир оилага кирдингиз. Шу оиладаги мавжуд турмуш тарзини нималар орқали баҳолайсиз? “Соғлом турмуш тарзи мустаҳкам оиланинг гаровидир” деган фикрга қарашларингиз.

### **4 – вазият:**

Янги кўчиб келган қўшнингизни қизи ташқи жиҳатдан ўзининг чиройли одоби ва ахлоқи билан ажраб туради, оиласи ҳам баобрў, хурматга сазовор инсонлар. Маҳаллага келган куёв томоннинг вакиллари сизлардан шу оила ҳақида маълумот беришни сўраб қолди сиз ва бошқа қўшнилар улар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмассизлар сизнинг бу оилага берадиган баҳоингиз.

Шундан сўнг гуруҳдагиларга 10 дақиқа вақт берилади. Улар ўзларининг ораларидан битта тақдимотчини танлаб оладилар ва барча фикрларни жамлашни ўқитувчи сўрайди. Бунда ватман қоғоз ва маркерлардан фойдаланган холда алоҳида ишланади. Вақт тугагач биттадан тақдимот учун 5 дақиқа берилади шу вақт ичида муаммони ечини топишга ҳаракатлар бўлади.

**Хулоса: “Кейс стади”** ни ўтказиш орқали талабалар ўртадаги муносабатлар илиқлашади, фаоллашади, оилавий муносабатларга амалий ёндашилади. Ўқитувчи ўз ўрнида Давлатимизни оила институтига бўлган муносабатини илмий жиҳатдан асослаб беришга эришади.

### **“ДОМИНО” МЕТОДИ**

**“Этиканинг мақсади ва вазифалари. Ахлоқий тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари. Гедонизм ва эвдемонизм тушунчаларининг ахлоқий моҳияти”** мавзусига “Домино” методининг қўлланилиши.

**Дарс мавзуси:** (семинар) Этиканинг мақсади ва вазифалари. Ахлоқий тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари. Гедонизм ва эвдемонизм тушунчаларининг ахлоқий моҳияти.

**Дарснинг таълимий мақсади:** Этика фанининг моҳияти, унинг тадқиқот объекти ҳамда ижтимоий фанлар билан алоқадорлигини тушунтириш; ҳозирги кунда ахлоқнинг замонавий муаммолари ва уларга тааллуқли бўлган тушунчалар ҳақида маълумотлар бериш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Талабаларга этиканинг тадқиқот объекти бўлмиш одоб, хулқ, ахлоқ тушунчаларини моҳиятини батафсил тушунтириб бериш ҳамда ҳозирги кунда инсон асосий фаолиятининг бахтга эришувга интилиши билан боғлиқ бўлган ахлоқшунослик йўналишлари билан таништиришдан иборат.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, ахлоқий тушунчаларини инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини ҳис қилиш ҳамда тўғри қўллай билиш кўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантиришдан иборат.

**Дарсда фойдаланиладиган метод “Домино”**

**Дарснинг бориши:**

1. Ташкилий қисм.
2. Талабаларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб; бугунги кунда этика фанининг аҳамияти, унинг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқадорлиги; ахлоқий тафаккур тараққиёти ҳамда ахлоқнинг замонавий муаммолари ҳақида маълумотлар беради.

**“Домино” методнинг ўтказилиши.**

Бу методдан мақсад бугунги кунда этика фанининг назарий ва амалий аҳамиятини батафсил ёритиб бериш орқали талабаларда одоб, хулқ ва ахлоқ тушунчаларини инсон ҳаётидаги ўрнини ҳис қилиш ҳамда қўллай билиш

кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Гуруҳдаги талабаларнинг сонидан келиб чиқиб 4-5 та кичик гуруҳ шакллантирилади. Кичик гуруҳларга мавзуга оид бўлган саволлар ва саволга жавоблардан иборат карточкалар тарқатилади. "Домино" методни ўтказиш тартиби: кичик гуруҳлар берилган карточкалардаги саволларга тўғри жавобларни топиб тўғри кетма-кетликда жойлаштириши керак бўлади. Кичик гуруҳларнинг вазифалари бир хил бўлади. Бу ерда асосий мақсад қайси гуруҳ берилган саволларга биринчи бўлиб куйиб чиқиши керак тўғри жавоб топади ва тўғри кетма-кетликда жойлаштиради. Карточкаларни жойлаштириш пайтида биттасининг жавоби нотўғри жойлаштирилса барча жавоблар кетма-кетлиги бузилади.

Тайёрланган карточкалар сони жуфт бўлиши талаб этилади ҳамда карточкалар сони жуда кўп бўлмаслиги мақсадга мувофиқ бўлади.

#### “Домино” методнинг ишланмаси

<b>“Этика” фани</b>	ахлоқ ҳақидаги қарашлар тарихини ва бой маънавий меросини ўрганиш асосида замонавий одоб - ахлоқ қоидалари ва уларга амал қилишнинг ижтимоий маънавий аҳамиятини ўрганишдан иборат.
<b>Фанни ўқитишдан мақсад</b>	-ахлоқнинг миллийлик ва умумбашарийлик хусусиятларини таҳлил этиш, замонавий ахлоқий меъёрларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш; - ахлоқий категорияларининг инсон ҳаётидаги белгиловчи ўрнини аниқлаш.
<b>Фаннинг вазифалари</b>	инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида бурилиш ясайдиган даражада муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.
<b>Одоб</b>	оила, жамоа, маҳалла-қўй миқёсида аҳамиятли бўлган, аммо жамият ва инсоният ҳаётига сезиларли

	таъсир кўрсатмайдиган ёқимли инсоний хатти-ҳаракатларнинг мажмуи.
<b>Хулқ</b>	жамият, замон, баъзан умумбашарий аҳамиятга эга, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси, инсоний камолот даражасини белгиловчи маънавий ҳодиса.
<b>Ахлоқ</b>	(греч. <i>Hendone</i> -лаззатланиш) - қадимги давр фалсафий тушунчаларидан бири сифатида кўнгилочарлик, ҳузурланиш маъноларини беради.
<b>Гедонизм</b>	(греч. <i>εὐδαιμονία</i> —барқарорлик, ҳузурбахшлик, бахт) —инсон асосий фаолиятининг бахтга эришувга интилиши билан боғлиқ бўлган ахлоқшунослик йўналишлардан бири саналади.
<b>Эвдемонизм</b>	ҳар иккала фан ҳам бир хил муаммо - ахлоқий мезон муаммосини ҳал этишга қаратилган.
<b>Этика ва диншунослик</b>	иккала фан кишилар хатти-ҳаракати, феъл-атвори ва майл-истакларини ўрганади. Бу ўрганиш икки хил нуқтаи назардан олиб борилади: бири у ёки бу хатти-ҳаракат, феъл-атвор, сабабий асосларнинг руҳий табиати ва шаклланиш шарт-шароитларини очиб беради, иккинчиси эса руҳшунослик тадқиқ этган ҳодисаларнинг ахлоқий аҳамиятини тушунтиради.
<b>Этика ва руҳшунослик</b>	ўз моҳиятига кўра инсонни сийратан баҳолайди, унга мана бу – фазилат, бу эса иллат деб, инсоннинг мавжуд хислатларини таҳлил қилиб кўрсатади.

**Хулоса:** “Домино” методини ўтказиш орқали талабалар фаннинг назарий қисмини чуқур ўзлаштиришга олиб келади. Ўқитувчи ўз ўрнида фаннинг категориал тизимини илмий жиҳатдан асослаб беришга эришади.

### “ЧАРХПАЛАК” МЕТОДИ

Метод талабаларда ўрганилган мавзуларни ёдга олиш, улар юзасидан



мантикий фикрлаш, саволларга мустақил, тўғри жавоб бериш, ўз-ўзини баҳолаш малакаларини шакллантириш, ўқитувчи томонидан қисқа вақтда талаба ларнинг билимларини баҳолаш имкониятини яратади. Унинг мақсади талабаларда мантикий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил, эркин баён қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, индивидуал, жуфтлик, гуруҳ ва жамоада ишлаш, бошқалар фикрини ҳурмат қилиш, мавжуд фикрлар орасидан муҳимини танлаб олиш кўникма, малакаларини ривожлантиришдан иборат.

### **“ЧАРХПАЛАК” методини қўллаш тартиби:**

- Ўқитувчи талабаларни методни қўллаш тартиби билан таништириб, уларни гуруҳларга ажратади.
- Гуруҳларга тарқатмали материаллар ва улар асосида топшириқлар берилади. Топшириқни бажариш учун вақт ҳажми (10-15 дақиқа) белгиланади. Аъзолар гуруҳ таркибида индивидуал равишда тарқатмали материалда кўрсатилган вазифани бажаради.
- Бажарилган ишнинг ўнг бурчагига гуруҳнинг рақами, чап бурчагига эса ўзига тегишли бўлган бирор белгини қўяди.
- Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, тарқатмали материаллар бошқа гуруҳлар билан “Чархпалак айланмаси” йўналишида алмаштирилади.
- Ҳар бир гуруҳ томонидан янги материал мазмуни ўрганилади ва ўзгартирилади.
- Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, тарқатмали материаллар яна бир бор бошқа гуруҳлар билан “Чархпалак айланмаси” йўналишида алмаштирилади. Гуруҳлар ўртасида материалларнинг ўзаро алмаштириш уларнинг сонига кўра такрорланади.
- Гуруҳлар уларнинг ҳар бир аъзоси ўз ечимларини битта қутига йиғади. Материаллар сўнгги бор алмаштирилгандан кейин ҳар бир гуруҳ (ҳар бир талаба) ўзи бажарган ечимни гуруҳ рақами ва ўзига тегишли белги асосида танлаб олади.
- Ҳар бир гуруҳ ва унинг аъзолари ўзларининг ечимларини бошқа гуруҳларнинг ишлари билан таққослаб, таҳлил қилади. Ўқитувчи жамоа

ёрдамида тўғри жавобларни аниқлайди. Таҳлил асосида ҳар бир гуруҳ ва талабаларнинг фаолияти баҳоланади. Бир вақтнинг ўзида талабалар ҳам ўз-ўзини баҳолайди.

- Методдан барча турдаги ўқув машғулотларида, машғулотнинг боши ёки охирида, муайян бўлим (боб) якунида, ўтилган мавзунинг такрорлаш чоғида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга метод талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш, ўрганилган мавзуларнинг талабалар томонидан қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш ва баҳолашда ҳам самарали саналади.

**Санъатнинг келиб чиқиши ва тараққиёти. Санъат ва унинг турлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги мавзусига “Чархпалак” методининг қўлланилиши.**

**Дарс мавзуси(семинар):** Санъатнинг келиб чиқиши ва тараққиёти. Санъат ва унинг турлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги

**Дарснинг таълимий мақсади:** Санъат эстетиканинг объекти сифатида ўзига хос олам. Унда эстетик хусусиятлар бўртиб кўзга ташланади. Шунга кўра, уни нафосатга бурканган ижтимоий ҳодиса дейиш мумкин. Санъат ҳаётни инъикос эттирар экан, инсоннинг ўзини ўзига кўрсатувчи улкан кўзгу вазифасини ўтайди. У инсонни ўргатади, даъват этади, гўзаллаштиради. Бу вазифаларни бажаришда эстетика санъатнинг кўмакчиси, етакчиси ҳисобланади. Эстетика бир томондан, санъатнинг пайдо бўлишидан тортиб, унинг турларию жанрларигача, санъат асарининг ички мурватларидан тортиб, санъаткорнинг ижодкорлик табиатигача бўлган барча жараёнларни ўрганади. Иккинчи томондан, санъат учун умумий қонун-қоидаларни ишлаб чиқади ва татбиқ этади. Учинчи томондан, эса санъат асарини идрок этаётган киши руҳидаги ўзгаришларни нафосат нуқтаи назаридан тадқиқ қилади.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Фуқароларда юксак дид ва идеални шакллантириш эстетик тарбиянинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу вазифанинг залворли юкини аввал ҳам, ҳозир ҳам ва бундан кейин ҳам чинакам санъат, адабиёт ва маърифат кўтаришига шубҳа йўқ. Санъат моҳиятан шахснинг хис-туйғуларига таъсир кўрсатишга қодир бўлган муҳим

восита сифатида инсонни доимо ўзига жалб этиб келганлигини таҳлил қилишдан иборат.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Санъат ва унинг турлари санъатнинг хусусиятлари ва вазифалари, бадиий ижод жараёни, ижодкор ва идрок этувчи ҳамда санъат турларнинг ўзига хос хусусиятларини тафаккур орқали талқин этишда ҳамда турли хил муносабатларни ўрганишда инсонга кўмак берувчи восита эканлигини англаш билан белгиланишини тушунтириб беришдан иборат.

### **Дарсда фойдаланиладиган метод “ Чархпалак ”**

**Дарснинг бориши:**

1. Ташкилий қисм.
2. Талабаларни семинар машғулотининг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очилади. Семинар машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда санъат ва унинг келиб чиқиши, моҳияти, тараққиёти ҳамда эстетика фалсафий фан сифатида барча санъатшунослик фанлари эришган ютуқлардан умумий хулосалар чиқариб, шу хулосалар асосида инсонни гўзаллик орқали ҳақиқатга етиштиришга хизмат қилиши ҳақида маълумотлар беради.

### **“ЧАРХПАЛАК” методининг мавзуга қўлланилиши**

Талабаларни сонидан келиб чиққан ҳолда 4 ёки бешта гуруҳга ажратиш ва қўйидаги жадвални бериш. Кичик гуруҳларда турли хилдаги ручкалар берилади. Бажарилган ишнинг ўнг бурчагига гуруҳнинг рақами, чап бурчагига эса ўзига тегишли бўлган бирор белгини қўяди ва берилган рангли ручкада вазифани бажаради шу асосида гуруҳларни вазифалари бир-биридан ажралиб турилади. Жадвалдаги тушунчаларнинг маъносидан келиб чиқиб хусусиятлар, тамойиллар ва вазифаларга тааллуқлигини ручка билан ажратиш белги қўйиб чиқади.

### **Жонлантирилган маъруза**

Маълумки, маъруза олий ўқув юртларда таълим беришнинг асосий

воситаси (қуроли) ҳисобланади. Яхши тайёрланган ва ташкил этилган, динамик тарзда ўтказилган маъруза: янги информацияни бериши, мураккаб назарий масалаларни тушунтириб системага солиши, муаммони ҳал этиш жараёнида ижодий тафаккурни моделлаштириши, турли ғоялар ўртасидаги боғланишларни таҳлил қилиши ва кўрсатиши, билим олишга интилишни шакллантириши, таълимни давом эттириш учун ташаббус ва мотивацияни келтириб чиқариши мумкин. Бундан ташқари маъруза иқтисодий жиҳатдан ҳам қулайдир. Идеал тарздаги маъруза талабаларни ўқув жараёнига жалб этиши, улар ўртасида ўзаро таъсирни келтириб чиқариши ва қизиқиш уйғотиши керак. Лекин, афсуски, бундай идеал ҳолатга жуда оз маърузалар эриша олади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳатто энг қизиқарли маълумот берувчи маърузалар ҳам 15 - 20 дақиқадан сўнг ўз унумдорлигини йўқотади.

Ҳозирги замон олий таълимнинг талабларини ҳисобга олиб, талабаларда танқидий фикрлашни ривожлантирувчи ва ўрганилаётган материални фаол таҳлил қилишни рағбатлантирувчи янги педагогик технологияларга таянган ҳолда қуйидаги жонлантирилган маъруза вариантини ҳавола қиламиз.

Жонлантирилган маъруза - анъанавий маърузанинг чуқурлаштирилган вариантыдир. Мазкур маърузада фаолиятнинг ҳар хил шакл ва турлари қўлланилади. Жонлантирилган маъруза билим, ўқув ва кўникма ҳамда шахснинг эмоционал-ахлоқий фазилатларини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

### **Маърузани ўтказиш усули:**

1-қадам. Аввалдан маърузани мантиқан тугалланган қисмларга бўлиб чиқинг.

2-қадам. Талабаларга диққатини материалнинг муҳим жиҳатларига жалб этувчи вазифа беринг. Вазифалар турлари:

1. Барча билимларини жамлаш мақсадида "ақлий ҳужум" ўтказинг. (Кичик гуруҳларда) фикрларни ватмонга ёзиб, доскага илиб қўйинг.

2. Жуфтликларда муҳокама қилиш учун савол беринг.

3. Бошламоқчи бўлган маърузага тегишли бўлган атама ва тушунчалар

рўйхатини кўрсатиб, 3 - 4 минутдан сўнг бу термин ва тушунчаларни тахминий талқинини беришни сўранг.

3-қадам. Маъруза материалларини 5 минут давомида баён этинг (10 минутдан ошмасин).

4-қадам. Дастлабки натижаларни хулосалаш, талабалар ўз фикрларини маърузада эшитган ғоялар билан таққослайдилар.

5-қадам. Унча катта бўлмаган вазифалар берилади (кичик гуруҳларда ёки жуфтликларда ишлаш учун).

Вазифалар турлари;

-..... учун нима қилмоқ керак

-..... билан нима бўлади?

-.....да қандай қийинчиликлар келиб чиқиши мумкин ва ҳоказо.

Иккинчи қадамда баён этилган вазифалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Муҳими маърузани давомини тинглаш учун талабаларда қизиқиш ва интилиш пайдо бўлсин.

6-қадам. Маърузани кейинги қисмини 10 - 15 дақиқа баён этиш.

7-қадам. Маърузанинг бу қисми бўйича фикрларини хулосалаш.

Талабалар ўз ғояларини маърузада баён этилган фикрлар билан таққослайдилар.

8-қадам. Якуний вазифа:

1. Талабалар жуфтликларга бўлиниб, маърузанинг муҳим тамойилларига тегишли бўлган саволга жавоб берадилар.

2. Талабалар 10 минутли "эссе" ёзадилар.

3. Улар 5 дақиқада "чиқиш карта"сини тўлдирадилар.

### **Ўқитувчига маслаҳат**

Жуда яхши тайёргарлик кўришингиз, жонлантирилган маъруза (продвинутая лекция) ўтказишининг турли вариантларини қўллаш билишингиз, импровизация қилишга тайёр бўлишингиз лозим.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1–Мавзу: “Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишнинг замонавий усуллари ва услублари.

##### Режа:

1. Фалсафий фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Сохага оид замонавий педагогик технологиялар ва илғор тажрибалар.
3. “Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишнинг усуллари ва услублари.
4. Ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришнинг тарбиявий воситалари ва йўллари.

**Таянч сўзлар:** Этика ва эстетика, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, этика, эстетика, ахлоқ, нафосат, эстетик билим, эстетик таълим, маънавият, этикани ўқитиш, эстетикани ўқитиш, эстетик дунёқараш, ахлоқий ёндошув, категория, гўзаллик, хунуқлик, улуғворлик, фожеавийлик, эстетик объект, муҳаббат, нафрат, адолат, ватанпарварлик, миллатпарварлик, санъат, носанъат объекти, техника эстетикаси, дизайн, спорт эстетикаси, табиат эстетикаси.

Маълумки, таълим тизими барча даврларда ҳам давлат сиёсатининг асосий бўғини ва жамиятнинг манавий камолоти, ертанги келажagini белгилаб беради. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг илк даврларидан бошлаб миллий таълим тизимини ишлаб чиқишга катта урғу берилиб амалда бу борада қонун ва дастурлар қабул қилинди. Ҳорижий давлатлар эътироф этаётган бугунги таълимдаги ютуқларимиз олиб борилаётган амалий Ҳаракатларнинг мевасидир. Миллий таълим тизимининг жорий этилиши ўқувчи-талабаларда фақат маълум фан соҳаси бўйича ўқитиб билим бериш билан чегараланиб қолмай уларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ва эстетик дидини ҳам шакллантиришдан иборат. Уларнинг билими, интилишлари ва имкониятлари биздан беҳад даражада юқори бўлишини, ҳалоллик ва поклик хислатлари, савоб ишларни қилишга интилиб яшашлари ҳаётлари тарзига

айланишини орзу қилади. Зеро, ёшларимизнинг ахлоқий-эстетик камолотида умумбашарий ютуқларни эгаллаш, тарихимиз, маданиятимиз ва буюк аждодларимиз қолдирган мероснинг аҳамиятини тобора чуқурроқ англаш ва уни таҳлил қилиб ҳаётда қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 1997 йил 29-августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг яратилиши ва ҳаётга тадбиқ қилиниши ушбу муҳим соҳада чуқур ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Мамлакатимизда таълим тараққиётининг шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ҳамда маданий эҳтиёжларини таъминлайдиган устувор соҳаси сифатида қонунан белгилаб қўйилди ва асосий эътибор шахснинг камолотига қаратилди.

Глобаллашув даври ўзи билан ижобий янгиликлар билан бирга миллийликка ҳавф солувчи унсурларни ҳам ташиди. Шунинг учун глобаллашув жараёнида ахлоқий-эстетик билимлар ижтимоий-маънавий заруриятга айланиши кузатилмоқда. Чунки ёшларнинг глобаллашув тақдим этаётган кенг имкониятлардан фойдаланишдаги қоидаларни четлаб ўтаётгани ўларни бирмунча миллийликдан бегоналашувига олиб келиши нотўғри йўлларни ўзларида қўллаши ахлоқий-эстетик билимларнинг долзарблигини яна бир бор намоён этади.

Мамлакатдаги таълим-тарбия тарихи ва тараққиёти учун муҳим бўлган асосий воқеа 1997-йил 29-августда қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тизимга янгича руҳ ва йўналиш бағишлади, дея айтиш мумкин. Мақсадли таълим асосида кадр тайёрланиши туфайли таълим тизими 7 босқичга бўлиниб ундаги самарадорлик ва кадрларни касбга йўналтириш мувафақиятли амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда таълим асосида олиб борилувчи тарбия жараёни ҳам самарали амалга оширилмоқда. Чунончи, ўрта махсус таълим тизимида “Одобнома”, “Тасвирий санъат”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси”, “Муסיқа”, “Маънавият асослари”, “Маданиятшунослик”,

“Эстетика” фанлари асосида эстетик ва ахлоқий тарбияни бойитишга эътибор берилмоқда.

Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир. Мазкур тамойил халқнинг ахлоқий-эстетик тарбияси нафақат индивидуал, балки мамлакатнинг савиясини ҳам белгилайди. Шу маънода, мазкур бобда эстетик ва ахлоқий билимлар ўзбекистон таълим тизимининг асоси билан боғлиқ масалалар илмий таҳлил қилинади. Бунинг учун аввало билим нима, унинг моҳияти ва мазмуни нимадан иборат, ундан сўнг эстетик ва ахлоқий билим нима, унинг мазмуни, талқини, зарурияти ва аҳамияти қандай каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтишимиз керак.

“Билим — ижтимоий-тарихий, амалиётда текширилган ва мантиқан тасдиқланган, воқеликнинг билиш жараёнида эришилган натижаси; шу воқеликни инсон онгида тасаввурлар тушунчалар, муҳокама ва назариялар орқали ифодаланган адекват инъикоси. Кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари; воқеликнинг инсон тафаккурида акс этиши. Кундалик тасаввуримизда ниманинг нима эканлигига ишонсак ва бу ишончимиз биз одатланган воқеа ва ҳодисаларга (қоидаларга) зид келмаса бундай ишонч билим ҳисобланади.”<sup>1</sup> Ўз ўрнида билим фанда шакл ва смоҳаларга ҳам бўлиб ўрганилади.

Эстетик билим чуқур ва барқарор эстетик қизиқишларни ҳосил қилиши мумкин. Ўқувчидаги эстетик билим уни эстетик фаол бўлишга, фаолиятини намоён қилишга тайерлайди. Шахс аста-секин теварак-атрофни гўзаллик қонунлари асосида ўзгартиришга, гўзаллик яратишга ҳаракат қилади, чунки инсон гўзалликни нафақат мушоҳада этади, балки уни яратади ҳам. Эстетик жиҳатдан тарбияланган одам ҳаётни гўзал қилишга интилади, эстетик томондан фаол бўлади. Шахснинг эстетик фаоллиги ҳаётда гўзаллик яратишда эгалланган эстетик кўникмаларида: чиройли, бежирим

<sup>1</sup> «Фалсафа комуси» Ўзбекистон 2010 й.



кийинишида, маданий муомаласида, ўзини тута билишида, оила ва ишда эстетик муҳитни яратишида намоён бўлади.

Кузатишларимиз натижасида назарий ва амалий эстетик билимларни эгаллаш асосида ўқувчи-талабаларда қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланди:

- эстетик билимларнинг таркиб топганлиги;
- эстетик маданиятнинг тарбияланганлиги;
- эстетик ва маданий мерос намуналаридан хабардор бўлиш;
- эстетик туйғунинг ривожланганлиги;
- ижтимоий ҳаёт, табиат ва меҳнат гўзалликларини ҳис этиши;
- гўзалликка интилиш эҳтиёжининг ривожланганлиги;
- эстетик идеалнинг шаклланганлиги;
- фикрлаш, фаолият, хатти-ҳаракат ҳамда ташқи кўринишда гўзал бўлишга интилиш.

Ахлоқий билим моҳиятига кўра инсон онгининг жамият билан алоқадорлиги, жамият олдида бурчли эканлиги, ўз хулқ-атворини жамият тараққиёти даражасига боғлиқлигини тушуниши, жамият томонидан тан олинган ахлоқий меъёр, идеал ҳамда талабларни бажаришда масъулиятни ҳис этиши, маънавий-ахлоқий билимларнинг эътиқодга айланиши ва бу эътиқодларнинг тизимлилиги, мустаҳкам маънавий-ахлоқий ҳис-туйғу ва хислатларни шакллантириш, ўқувчи-тадабалар томонидан маънавий-ахлоқий хулқ-атвор жамият аъзоларига бўлган ҳурмат-эътиборни намоён этувчи мезонлардан эканлигининг англаб етилиши, маънавий-ахлоқий одатларнинг шаклланиши ва бошқаларда намоён бўлади.

Бугунги кунга келиб этика ва эстетика фанларининг тадқиқот соҳаси шу қадар кенгайиб бормоқдаки, у деярли барча соҳаларда, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида – тиббиёт эстетикаси ва биоэтика, экология соҳасида – экологик эстетика ва ахлоқий муҳит, техникавий тараққиёт соҳасида – техника эстетикаси (дизайн) ва ахлоқий макон каби соҳаларнинг юзага келгани шулар жумласидандир. Жамиятда маънавиятни юксалтиришни эса “Этика” ва “Эстетика” фанларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зотан,

Президентимизнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида фарзандларимизни миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш доимо долзарб аҳамият касб этиб келганлиги, бу масалага эътибор бермаслик бутун жамият учун жуда қимматга тушиши мумкинлиги алоҳида қайд этилади.

Айтиш мумкинки, эстетика инсоннинг кундалик ҳаётига ғоятда яқин бўлган фан ҳисобланади. Чунки, ҳозирги таҳликали замонада яшаётган ҳар бир одам гўзалликни чуқур ҳис этадиган, уни асрайдиган нафис дид эгаси бўлиши, ҳақиқий бадиий асар билан савияси паст асарни фарқлай олиши, «оммавийчилик санъати»нинг ғайри ахлоқий хусусиятларини рад қила билиши лозим. Шунини хулоса қилган жаҳоннинг классик университетлари таълимда эстетик билимни мустақамлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Жумладан эстетика бўйича Гарвардда (АҚШ) 3 та марказ, 18 та йўналишда (бу йўналишда эстетика соҳасига доир 46 та фан ўқитилади) илмий тадқиқот ҳамда таълимий ишлар олиб борилмоқда. Оксфордда (Англия) “Эстетика” факультети ташкил этилган бўлиб, факультетда шу соҳага доир 66 та, Принстон университетида (АҚШ) “Эстетика” кафедрасида 30 дан ортиқ фан мавжуд. Данияда эса махсус “Эстетика” университети бор. Мазкур университетлар ҳозирги пайтда жаҳон олий таълим муассасаларининг рейтингда кучли ўнталикнинг ичида турибди. Бундан ташқари, Австрия, Канада, Англия, Германия, Греция, Ҳиндистон, Исроил, Эрон, Италия, Нидерландия, Швеция, Шотландия, Норвегия, Шимолий Африка давлатларида “Этика” ва “Эстетика” марказларидан ташқари, олий таълим муассасаларида “Этика” ва “Эстетика” номи билан алоҳида кафедралар фаолият кўрсатади. Жумладан, мамлакатимизда Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий фанлар факультетида “Этика ва эстетика” кафедраси фаолият олиб бормоқда.

### **1.3. Этика ва эстетика фанларини ўқитишга янгича ёндошувлар.**

**Этика фани бугунги кунда:**

1. (Москва давлат университетининг Этика кафедрасида) Фалсафа факультетида жами 48 соат
2. Телевиденининг олий мактаби факультетида – “Этика” фани
3. Политология факультетида – “Сиёсий этика” фани
4. Социология факультетида - “Ишбилармон муомаласи этикаси” фани
5. Олий таржима мактабида - “Таржима ва дипломатик протокол этикаси” фани ўқитилиб келмоқда.

**Кейинги 5 йилда ўқиладиган махсус курслар:**

1. «Античная этика»; «Этика Аристотеля»; "Актуальные проблемы этики", "Негативная этика" (академик РАН, профессор А.А. Гусейнов) - 40 часов
2. "Нормативная этика", "История этики Нового времени", «Философия любви», (профессор Р.Г. Апресян) - 48 часов
3. «Биомедицинская этика»; «Профессиональная этика» (профессор А.Я. Иванюшкин) - 30 часов
4. «Нравственные основания личностного бытия», "Этика глобальных проблем" (профессор А.В. Разин) - 30 часов
5. «Стоическая традиция в этике», "Моральная философия Древнего Рима", "Этика заслуг и этика благодати А. Августина", "Этика Б. Спинозы", "Понятие страха" (доцент А.Г. Гаджикурбанов) - 66 часов
6. "Этика деловых отношений", "Этика бизнеса" (доцент Т.И. Пороховская) - 30 часов
7. «Происхождение морали» (Д.С. Акимова) - 30 часов

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон таълим тизимида ахлоқий ва эстетик билимларнинг ўрнини белгилаш уни оширишда тизимдаги ўзгаришлар қабул қилинган қонун, дастур ва улар асода қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг таркибида ҳам эътибор қаратилган муҳим жиҳат ахлоқий маданиятнинг энг юксак намунасини ўзида жамлаган, эстетик дид, гўзаллик ва нафосатда миллийликни билан бирга замонавийликни уйғун англай ва қўллай биладиган кадрларни тайёрлаш уларни ишлаб чиқариш ва жамиятнинг турли жабҳаларидаги қайноқ нуқталарга етказиш келажакдаги

асосий мақсад ҳисобланади.

### **Назорат саволлари:**

1. Олий таълимда этика ва эстетика фанларининг ўқитилиш ҳолати ҳақидаги фикрингиз.
2. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонун ҳақидаги фикрингиз
3. Бугунги кунда эстетика фанини ўқитилиш ҳолати ҳақидаги фикрингиз.
4. Ахлоқий-эстетик муҳит деганда нималарни тушунасиз? Унинг шахсга қандай алоқадорлиги бор?
5. Таълим тизимининг ахлоқий-эстетик муҳитга таъсири деганда нималарни тушунасиз?
6. Ёшлар тарбиясида миллий маънавий камолотнинг тадрижий ривожига ҳақидаги фикрингиз.
7. Таълим тизимидаги ахлоқий-эстетик фанлар муҳим асос сифатида нималарни айтиб бера оласиз?
8. Илғор педагогик технологиялар асосида дарс жараёнини ташкил қилиш тартибларини изоҳлаб беринг.

### **2–Мавзу: XXI асрнинг глобал ахлоқий ва эстетик муаммолари.**

#### **Режа:**

1. XXI асрнинг глобал муаммолари: фалсафий таҳлил.
2. Ҳозирги давр ахлоқий муаммолари: экологик ахлоқ ва этосфера.
3. Эстетиканинг замонавий муаммолари: нафосат, дид ва санъат.
4. Инсон шахсидаги иллатларнинг пайдо бўлиш оқибатлари унинг жамият ривожига таъсири.

**Таянч иборалар:** Зиёли киши, ахлоқий-эстетик маданият, этикет, имидж, замонавий ахлоқий қоида, меъёр, амалий этика, нутқ маданияти, нотиқлик санъати, касб этикаси, ахлоқий ва эстетик муносабат,

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин дастлабки ўртага ташланган энг долзарб муаммолардан бири маънавият бўлди. Ҳозир ҳам бу муаммо жамиятимизнинг диққат марказида. Зеро, маънавиятсизлик ҳар қандай жамиятни таназзулга олиб бориши шубҳасиздир. Шу боис «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурида миллий ва умуминсоний кадриятларни уйғунлаштириш, ўқувчи шахси асосида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, ўз Ватани ва халқига содиқ фуқароларни шакллантиришга алоҳида аҳамият берилган. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлган Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларда «Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий кадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади»,-деб кўрсатилади<sup>2</sup>.

Дараҳқиқат, инсоният тарихини ахлоқий, маданий, эстетик тараққиётдан айри холда тасаввур этиш мумкин эмас.

«Эстетик маданият» тушунчасига илмий манбаларда турли фикрлар ва таърифлар берилади. Жумладан, «Эстетик маданият - эстетик кадриятлар, уларни яратиш ва истеъмол қилиш усулларининг мажмуи»<sup>3</sup>. Бу таърифда эстетик маданият кадриятлар доирасида олиниб, уни жамиятда таркиб топиши ва ўзлаштирилишига урғу берилади. Бироқ, аслида эстетик маданият шахсни табиатга бўлган интилишлари ва уни ўзлаштиришга қаратилган муносабатларининг маҳсули сифатида вужудга келиб, воқелик гўзаллигидан баҳраманд бўлиш, турли шарт-шароитларда ўз эҳтиёжларига қараб нарса ва ходисаларни ўзгартириш асосида шаклланиб келган.

<sup>2</sup> Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти. 1998. 55-бет

<sup>3</sup> Фалсафа. Қомусий луғат. –Тошкент: Шарқ, 2004. -466 б.

Шуингдек, «Эстетик маданият - бу инсон эҳтиёжларининг мураккаб тизими бўлиб, унда одамзод ҳиссиётлари, малакалари, кўникмалари, билимлари, меъёрлари, маслаклари бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетганлиги»<sup>4</sup>дир. Мазкур таърифда эстетик маданият кўпроқ инсоннинг эҳтиёжларига боғлиқ ҳодиса эканлигига урғу берилган бўлиб, у ижтимоий тараққиёт жараёнида янгилашиб, истеъмол қилиб борилиши назарда тутилади.

Яна бир таърифда, «эстетик маданият инсоннинг маънавий-ҳиссий фаолияти билан боғланган муносабатлар ва қадриятлар тизимини ифодалайди»<sup>5</sup>, дейилади. Бунда эстетик маданият инсоннинг маънавияти ва фалсафий тафаккурининг қадриятлар тизимида шаклланиши асос қилиб олинади.

Бундан ташқари, шахс эстетик маданиятига нисбатан «Эстетик маданият қадриятларини ўзлаштириш, шахсий ва ижтимоий тажрибанинг ўзаро алоқадорлиги негизида амалга ошади, унда шахснинг эстетик дунёқараши, қадриятларга танлаб муносабатда бўлиш малакалари, гўзаллик ва мукамаллик тўғрисидаги тасаввурлари, воқелик, санъат қадриятларини идрок этиш шакллари, эстетика, санъатшунослик тўғрисидаги билимлари муҳим омил ҳисобланади. Шахснинг эстетик маданияти, шундай қилиб, эстетик қадриятларни яратиш, ўзлаштириш ва истеъмол қилиш усулларидан ташкил топади»<sup>6</sup>, деган таърифларда шахс эстетик маданиятига мақсадли ёндошиш ва келажакка эстетик моҳиятни қарама-қаршилиқлар ва мураккаб жараёнлар негизида тўғри йўналтириш<sup>7</sup> сифатида муносабат билдирилади.

Эстетик маданиятга берилган юқоридаги таърифларда бу муаммонинг айрим томонлари, қирралари олинади, аммо унинг туб моҳияти очилмай қолади. Мазкур таърифлар асосида эстетик маданият тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Яъни эстетик маданият бу – муайян ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида кишиларнинг воқеликдаги нарса ва

<sup>4</sup> Umarov E., Karimov R., Mirsaidova M., Oyxov'jayeva G. Estetika asoslari. –Tochkent: Cho'lpon, 2006 -B. 143.

<sup>5</sup> Гулметов Э., Қобилжоннова Т., Эрназаров Ш., Маврулов А. Маданиятшунослик. –Т.: Фан, 2000, -38 б.

<sup>6</sup> Маданиятшунослик асослари. –Тошкент: Фан, 2006. – 84 б.

<sup>7</sup> Пирадов А.В. Эстетическая культура личности. –Ленинград: Знание, 1978. – 6 с.

ходисаларга нисбатан ҳиссий-эмоционал ва завқий муносабатда бўлиб, уларни маънавий-эстетик қадрият сифатида баҳолашининг ифодасидир. Шунингдек, эстетик маданият, инсон ва жамият моддий-маънавий даражаси, ижтимоий-сиёсий омиллар, шахсий, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўз ичига олувчи ижтимоий-тарихий ҳодисадир.

Мазкур таърифлар эстетик маданият тушунчасининг кенг камровли эканлиги, воқеликнинг инсон фаолияти билан чамбарчас боғлиқлиги, ҳар бир завқий муносабат эстетик дунёқарашнинг негизида ривожланиб боришни ўз ичига олади. Бир сўз билан айтганда, эстетик маданият – бу инсон жисмоний ва маънавий камолотининг воқеликка нисбатан завқий муносабатининг ифодасидир.

Эстетик маданиятнинг методологик асослари шахснинг эстетик эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, инсонда завқий муносабатларни шакллантирувчи ҳис-туйғу, малака, кўникма, меъёр ва мезонлар билан узвий алоқадор бўлади. Бу эса, ўз навбатида, шахснинг воқеликни идрок этиши билвосита эстетик ҳиссиётларда намоён бўлиб боришини кўрсатади.

Жамиятда шахс эстетик маданияти турли хил нарса ва ҳодисалар ўртасидаги жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги асосида ривожланади. Бу шахснинг онгида ҳосил бўладиган тасаввур ва фикрлар йиғиндиси эстетик моҳият касб этган қуйидаги қонуниятларда ўз ифодасини топади.

1. Эстетик маданият унсурларининг нотекис ривожланиши;
2. Эстетик маданиятлар тараққиётининг нотекис ривожланиши;
3. Эстетик маданият билан табиий муҳитнинг мутаносиблиги;
4. Маънавий эҳтиёжларнинг эстетик маданият тараққиётига мос равишда ўсиб бориши;
5. Ижтимоий тузум билан эстетик маданиятнинг алоқадорлиги;
6. Шахс эстетик маданиятининг шаклланиш хусусияти;
7. Эстетик маданиятнинг ворисийлик қонунияти;

Табиат ва жамият ривожланиши жараёнида вужудга келадиган эстетик маданиятнинг бу қонуниятлари ижтимоий ҳаётнинг барча

жабҳаларида, айниқса, санъат, ахлоқ, ҳуқуқ, дин, фан ва таълим соҳаларида амал қилиб, маданият назариясининг моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири жамият ривожига алоҳида-алоҳида шаклланиб, шахс дунёқараши ва эстетик онгининг тараққий этишига олиб келади.

Ахлоқ нормалари, ахлоқий етуклик мезонлари маълум бир тарихий даврнинг, шароитларнинг имконияти ва эҳтиёжи билан белгиланади. Ахлоқлилиқ, ахлоқсизликнинг мезонлари ҳар бир муайян даврдаги кишиларнинг хатти – ҳаракатларини конкрет шароитлардан, эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда таъқиқлаш ёки маъқуллашдир. Ахлоқий тақиқлар жамоатчилик фикри, қонунлар турли эътиқодлар асосида белгиланади. Ахлоқий етуклик даражасини ҳам бир шахс эмас, балки жамоатчилик белгилайди. Инсонлар ўртасидаги муносабатларни ахлоқий ёки ғайриахлоқий деб баҳолаш жамият аъзоларининг иймони, эътиқоди, дунёқараши, манфаати даражасига ҳам боғлиқ бўлади.

Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” номли асарида адолатли жамият қуришга қодир бўлган инсонларнинг ахлоқий фазилатларида қуйидаги муҳим сифатлар бўлиши лозимлигини таъкидлайди:

1. Жисмоний саломатлик ва ақлий камолотнинг бирлигини таъминлаш зарур. Бундай одамларнинг барча аъзолари шу даражада мукамал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган барча ишларни осонлик билан бажара олсин.

2. Барча масалани, муҳокама ва мунозарани тезда ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган, сўзловчининг мақсади, айтилган фикрларнинг чинлигини тезда пайқай оладиган бўлсин.

3. Хотираси жуда бақувват бўлсин, кўрган – эшитган, сезган нарсаларининг бирортасини ҳам эсидан чиқармай ёдида сақлаб турадиган бўлсин.

4. Зехни шу даражада ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиш билан бу аломат нимани билдиришини тездан билиб олсин.



5. Сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулохазаларини раво ва равшан баён эта олсин.

6. Билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимини чарчашни билмай осонликча ўзлаштира олсин.

7. Овқатланишда, ичимлик ичишда очкўз бўлмасин, табиати қимор ўйинлари ўйнашдан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканадиган бўлсин.

8. Ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин.

9. Руҳнинг ғурури ва виждонини қадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олийжаноб ишларга ишлатиладиган бўлсин.

10. Дирхам, динор ва шу каби туркумга қарашли буюмларга жирканч билан қарайдиган бўлсин.

11. Ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчиларга хайрихоҳ, адолатсизлик қилиб жабр – зулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин, ўз одамлари ва бошқаларга адолатли бўлсин, гузал ва яхши ҳисобланган барча нарсаларни барчага тақдим этган ҳолда одамларни адолатга тарғиб этадиган, адолатсизлик оқибатларини йўқотадиган, уларга йўл қўймайдиган бўлсин.

Адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб, ўзбилармонликка берилмасин, лекин ҳар қандай адолатсизлик, пасткашлик олдида лафзли бўлсин, ўзи зарур деб топган нарсасини амалга оширишда қатъийлик кўрсатсин, кўркмас, жасур бўлсин, кўрқиш ва ожизликни билмасин.<sup>8</sup>

Гедонизм (греч. *hendonē* — лаззатланиш) — қадимги давр фалсафий тушунчаларидан бири сифатида кўнгилочарлик, ҳузурланиш маъноларини беради. Қадимги давр ахлоқшунослигида гедонизм (ҳузурбахшлик таълимоти) ҳаётнинг маъносини нафақат жисмоний, балки руҳий

<sup>8</sup> Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т.1993. Б.186 – 187.

хузурбахшликдан ҳам иборат деган таълимотни илгари сураб эди. Ҳозирги даврга келиб эса бу тушунча акасарият ҳолда ўзида худбинлик, «нафс қулига айланиш», «бойлик, шухрат кетидан қувиш» каби маъноларини ҳам англатмоқда.

Гедонизм (хузурбахшлик таълимоти)— бу ўзига хос ҳаётга бўлган ёндошув бўлиб, ҳаётда асосий мақсаднинг биринчи поғонасига лаззатланиш ва хузурбахшлик қўйилади. Бундай қарашларнинг ибтидоси қадимги юнон файласуфи Аристипп Киренскийнинг таълимотларига бориб тақалади. Файласуф ахлоқшуносликнинг яхшилик тушунчасига нисбат берар экан, уни хузурбахшлик билан боғлайди. Яъни нима инсонга хузур бахш этса шу яхшиликдир деган хулосага келади. Бундай хулоса ўша даврнинг аксарият олимларининг бу ёндошув кетидан эргашшига ва гедончилар йўналишини пайдо қилишига асос бўлиб хизмат қилди. Шу тариқа ижтимоий тартиблар эркинлик ва ўзини тўлиқ намоён қилишни чеклайдиган шартлар сифатида қарала бошланди.

Йиллар оша бу қадимги тушунча глобал аҳамиятга молик ахлоқий масала сирасига кира бошлади. Дунё миқёсида ҳозирги кунда хузурбахшлик таълимотининг таъсири кун сайин кучайиб бормоқда. Яшашга бўлган интилиш ашёвийлик, моддийлик билан йўғрилиб, инсонларни елкасига янада оғирроқ бўлган юкламани ортмоқда. Натижада замонавийлик «ҳаётдан тўлиқ завқ олиш» шиори остида уни янада ёрқинроқ, чиройли ва дабдабали кунга айлантиришга интилиш кучайди. «Сабр», «шукр», «миннатдорчилик», «келажакка умид» деган тушунчалар нозамонавийлик, нореаллик тарзида қабул қилинмапти. Бунда энг яхши ҳаёт тарзига эга бўлиш энг яхши нарсаларга эга бўлиш билан белгиланади. Қимматбаҳо буюмлар, мазали таомлар, энг яхши моддий таъминот бахтнинг белгиси сифатида намоён бўлар экан, ахлоқий англаш муаммоси бу борада қай даражада муҳим эканлигини белгилайди.

Шу жиҳатдан ҳам, ҳозир ушбу таълимот соғлом ва носоғлом турларига ажрала бошлади. Носоғлом тури нафақат ўзини, балки бошқаларнинг ҳам

хаёти, яъни яшаш тарзига «ҳалақит» беради. Айнан моддий этишмовчилик туфайлигина бошқа инсонларни қадрини, ориятини, иззатини оёқ-ости қилади. Уларни таҳқирлайди. Инсоннинг моҳияти эмас, унинг ташқи кўриниши, у боғланган ва фойдаланаётган нарсаларига бўлган қизиқишнинг кучлилиги, Камю тили билан айтганда объектни сиздан «бегоналашувига» олиб келади. Биз ўзимиз билмаган ҳолда уни нафратига сабаб бўламиз. Унда ўзини, ёки бошқаларни ўлимига интилиш ҳиссини уйғотаемиз.

Амалий этика, сўзнинг кенг маъносида, этика тушунчалари ва назарияларини муайян, мураккаб ва кўпинча жуда драматик вазиятларга татбиқ этиш демакдир. Унга казуистика («casus» - тасодиф сўзидан), яъни чексиз тасодифлар ёки прецедентларни кўриб чиқиш деб қараш ҳам мумкин. Аммо унга янада кенгроқ - чуқур фалсафий маънога эга бўлган ва инсон ҳақида тубдан янгича тасаввурларни шакллантирадиган янги йўналиш деб қараш учун барча асослар мавжуд.

Амалий этика деганда, тор маънода, амалиёт таъсирида юзага келган ва амалий этиканинг алоҳида турлари (сиёсий этика, экоэтика, биоэтика, журналист этикаси ва ш.к.) пайдо бўлишига олиб келган ҳодиса тушунилади. Биоэтика, классик тиббиёт этикасидан фарқ қилувчи янги йўналиш сифатида, XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди ва жадал ривожлана бошлади.

Жамиятдаги ҳар бир инсон якка ҳолда, ташқарида яшамайди. У одамлар орасида ўсади, улғаяди, хаёт кечиради, унинг бутун хаёти ва фаолияти давомида ҳар – ҳил тоифадаги кўплаб инсонлар билан мулоқотда бўлади. Бу инсоннинг кундалик хаётий эҳтиёжларини қондириш заруратидан келиб чиқади.

Жамоа бўлиб яшаш жамиятда қабул қилинган урф – одат, анъана ва қонун – қоидаларга амал қилишни талаб этади. Ана шу жараёнда инсон ва жамият ўртасида юзага келадиган объектив аълоқадорлик, яъни ижтимоий муносабат – хулқ атвор, одоб, хатти – ҳаракат, принцип ва нормаларнинг мажмуаси ахлоқнинг мазмун моҳиятини ташкил этади. Бинобарин, ахлоқнинг манбаи жамият эҳтиёжи ва манфаатларидан иборат.

Амалий этика фани ўз моҳиятига кўра инсонга ташқаридан баҳо беради, унга “бу – фазилат, бу эса иллат”, деб инсоннинг мавжуд хислатларини таҳлил қилиб кўрсатади. Бу фан мавжуд далилларни қиёсий ўрганиб, уларга жамиятда қабул қилинган меъёрлардан келиб чиқиб баҳо беради.

Амалий этика ахлоқнинг келиб чиқиши ва моҳиятини, кишининг жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганади. «Ахлоқ» сўзи арабчадан олинган бўлиб, инсоннинг муомала ва руҳий хусусиятлари мажмуини, феълини, табиатини англатадиган «хулқ» сўзининг кўплик шаклидир. «Ахлоқ» ибораси икки хил маънога эга: умумий тушунча сифатида у фаннинг тадқиқот объектини англатса, муайян тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг энг қамровли қисмини билдиради.

Ахлоқ инсон ва жамият ўртасидаги объектив алоқадорлик туфайли келиб чиқадиган, шахсий ва умумий манфаатларни мувофиқлаштириб туриш асосида ҳар бир шахснинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарадиган, тартибга соладиган муайян хулқ атвор, одоб, хатти-ҳаракат принцип ва нормаларнинг мажмуидир.

Ахлоқни умумий тушунча сифатида олиб, уни доира шаклида акс эттирадиган бўлсак, доиранинг энг кичик қисмини одоб, ундан каттароқ қисмини - хулқ, энг қамровли қисмини ахлоқ эгаллайди.

Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида амалий этиканинг жамият ижтимоий-маънавий ҳаётидаги ўрни. Ватанпарвар, миллатпарвар, ҳалол шахсни – замонавий баркамол инсонни вояга етказиш ва XXI асрда умумжаҳоний миқёсда ахлоқий муҳитни яратишга ҳизмат қилиш амалий этика фанининг энг долзарб вазифаларидан эканлиги ҳақида маълумот бериш.

Амалий этиканинг олдида янги демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этишга киришган мамлакатимиз фуқароларининг, айниқса, ёшларнинг ахлоқий даражасига масъуллиқ ва ҳар томонлама камол топган замон кишиси тарбиясини назарий асослашдек улкан вазифалар турибди. Уларни фақат

кадимий ва ҳар доим замонавий бўлиб келган ахлоққа янгича ёндашувлар асосидагина амалга оширса бўлади.

Янгича ёндашувлардан бири - амалий этикада миллий ғоя ва мустақиллик мафкурасига эътиборни кучайтириш билан боғлиқ. Чунки замонавий комил инсон анъанавий ахлоқий қадриятлар билан йўғрилган янгича мафкурамизни ўзида мужассам этган, миллий ғояни ўз руҳий оламига сингдирган етук шахс бўлмоғи лозим. Унинг қалбида ахлоқ мафкуравийликни ва мафкура ахлоқийликни уйғунлаштирган маънавий ҳодисаларга айланмоғи керак. Чунки мафкура бир ёқлама, маҳдуд, ўта сиёсийлаштирилган ғоялар тизими эмас, у ҳам худди ахлоқ каби, ахлоқ билан ёнма-ён туриб, инсонни юксак маънавий парвозларга даъват этувчи ботиний кучдир.

Инсон маънавиятида бир қатор жиҳатлар ва хусусиятлар мужассам: ҳаё ва андиша, вафо ва садоқат, ҳиммат ва саҳоват, меҳр ва шафқат, виждон ва орият, ўқтамлик ва закийлик, мулойимлик ва камтаринлик каби инсоний фазилатлар маънавиятнинг ахлоқий асоси ҳисобланади. Бу асосларни файласуф Абдулла Шер томонидан талқин этилган ахлоқнинг одоб, хулқ каби маънавий доирада амал қилиши ва «Ахлоқ – жамият, замон, баъзан умумбашарий аҳамиятга эга, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси, инсоний камолот даражасини белгиловчи маънавий ҳодиса»<sup>9</sup>, эканлиги билан изохлаш мумкин.

Ахлоқий қадриятларга риоя қилишни ҳар бир шахс ўзидан бошлаши керак. Энг асосий нарса ахлоқий қадриятларни билиш эмас, балки уларга амал қилишдир. Шахснинг фаолиятига нисбатан ахлоқий баҳони жамоатчилик беради. Зеро, ахлоқлилик – шахс фаолиятининг жамоатчилик белгилаган маънавий мезонларига мос келишидир. Барча ахлоқий хатти-ҳаракатлар таҳлилига маънавий асос бўлган иймон, виждон эса инсон

<sup>9</sup> Абдулла Шер. Ахлоқшунослик /Дарслик. Т. Ўзбекистон Файласуфлари Миллий жамияти, 2010. 6-б.

хаётининг ички рухий қонунидир. Ахлоқ муаммолари таҳлилида инсон кўпроқ шу ички қонунга таяниб иш кўради.

Амалий этика кенг маънода этиканинг алоҳида туридир, чунки у ахлоқ муаммолари ҳақида янгича тушунча беради, мазкур муаммоларга янгича ёндашувларни амалга оширади.

Ҳар бир инсонга тегишли бўлган долзарб муаммоларни тадқиқ қилиш жараёнида этика тамомила бошқа фанга айланиб боради. Одамлар ўртасидаги муносабатларнинг қонунлари, этиканинг муаммолари доираси ўзгарди – эндиликда у ижтимоий ва сиёсий масалалардан ҳам кўра кўпроқ тиббиёт, биология ва экология масалалари билан қизиқмоқда.

#### **2.4. Педагогик фаолиятда нутқ маданияти ва нотиқлик санъатининг зарурияти.**

Яхши муносабат қоидаларига бағишланган кўп жилдли асарида америкалик ёзувчи Алиса Цоун «Ўзингнинг обрўйингни сақла, ўзингдан паст маданиятли кишиларга ўхшама. Эсингда бўлсин, сен ундан либосинг, қадди-қоматинг, ҳатти –ҳаракатинг ва одобинг билан устун бўлишга ҳаракат қил» деб ёзган. Айнан ўз обрўсини сақлашни ҳис этиш туйғуси аҳолига ва сайёҳларга хизмат кўрсатадиган корхоналар ходимларининг ўз бурчларини сифатли адо этишга, истеъмолчиларни алдамасликка, улар билан этикет талабларига кўра хушмуомалалик қилишга, ўзини ёмон йўллардан қайтаришга ва ташқи қиёфасини яхшилашга ҳамда жамиятнинг бошқа талабларига итоат қилишга мажбур қилади. Ахлоқ нормалари ахлоқий муносабатларнинг таркибий қисми ва ахлоқий муносабатларнинг таркибий қисми ва ахлоқий онг шаклларида мавжуд бўлади. Ахлоқ принциплари-умумлашган ахлоқий тушунчалар бўлса, ахлоқий нормалар ахлоқий принципларга риоя қилиш учун қандай ахлоқий хислатлар зарурлигини кўрсатади.

Муаллим ўз билимларини ёшларга узатиб, уларнинг тимсолида ҳаётини узайтиргандек бўлади, олим ўз шогирдлари тимсолида ўз руҳини келажакка кўчирса, маслақдош ҳамкасблари орқали ўз маконини кен-

гайтиришга ҳаракат қилади. Худди шундай, сиёсий арбоб ёки раҳбар ўз ғоя ва фикрларини ҳаётга тадбиқ этиш, ўз ишларини давом эттирадиган маслакдошларни шакллантириш орқали ҳаётда из қолдириб, келажакка ошно бўлишга интилади. Демак, ҳамфикр, маслакдошларни шакллантириш ҳар бир инсонга ўз маънавий, интеллектуал ҳаётининг муддатини узайтириш учун керак.

Инсон маънавий маданиятининг асосий мезони – ахлоқий етуклик ҳисобланади. Ахлоқий етуклик эса ўзида – ҳалоллик, инсофлилик, виждонийлик, саҳоватпешалик, шафқатлилик, меҳрибонлик сингари ахлоқий фазилатларни мужасаам этади. Шундай экан, муомала маданиятининг асосий мезонини яхши ҳулқ ва гузал фазилат уйғунлиги ташкил этади.

Шуни қайд этиш лозимки, инсонни ҳайвондан фарқ қиладиган энг муҳим хусусиятларидан бири, унинг ўзини яшаши, турмуш учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш малакасига эга эканлигидир. Бу малака инсоннинг инсонлараро муомала маданиятида яққол кўзга ташланади.

Муомала шахслараро муносабатнинг шундай кўринишики, унинг ёрдамида одамлар бир-бирлари билан ахлоқий, эстетик, маданий, сиёсий ва рухий жиҳатдан алоқага киришадилар, таъсир ўтказадилар ва таъсирланадилар. Шу боисдан муомала ижтимоий категория сифатида турмушнинг барча соҳаларида қўлланиш моҳиятига кўра бевосита ёки билвосита иштирок этади.

Дастлаб «муомала» ва «алоқа-коммуникация» тушунчаларининг ўхшаш томонларини аниқлаб олиш лозим. Алоқа-коммуникация - ялпи алоқанинг бир тури бўлиб, йўналтирилган алоқа деб юритилади. У моҳиятан маълум бир ҳодиса ҳақидаги маълумотни бошқаларга узатади. Масалан, оммавий воситаларида кўрсатув учун йўналтирилган маълумотларда муомала алоқа-коммуникация воситаси вазифасини бажаради. Бошқача қилиб айтганда, бундай ҳолатда муомала энг аввало субъект-объект муносабати сифатида намоён бўлади.

Муомала жараёни икки тарафлама характерга эга: у ўз моҳиятига кўра ахборот ёки маълумотларни шунчаки узатиш ва қабул қилишга караганда кенгқамровли бўлиб, икки ёки ундан ортиқ инсонларнинг ўзаро таъсирини мураккаб тизими ҳисобланади. Шунга кўра муомала акти бир инсоннинг бошқа инсон(лар) билан муомалага киришиб, унда ўзиникига ўхшаш хусусиятларни топа олиши, уларга муносиб жавоб қайтариши, улар билан ўзаро мулоқотда оптимал даражага эришсагина ўзининг муомала жараёнидаги муносиб ўрнига эга бўлади. Бундай ҳолатда муомала энг аввало, субъект-субъектга муносабати тарзида кўзга ташланади.

Лекин шунини таъкидлаш лозимки, кўпгина илмий-оммабоп адабиётларда муаллифлар «муомала» ва «коммуникация» тушунчаларини синоним тарзида ишлатадилар. Айтиш мумкинки, муомала жараён сифатида тугал натижани объектив эҳтиёжлар, аниқ манфаатлар, мақсадлар, тузилмалар, воситалар, муомала техникаси нуқтаи-назаридан кўриб чиқади. У пайдо бўлгандан бошлаб илмий тавсифланадиган қатор даража ва босқичлардан ўтиб келган.

Шунингдек, муомала ҳамкорлик фаолиятининг муҳим омили эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Муомаланинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳалардаги ҳамкорлиги иккала томоннинг манфаатига асосланади. Шундай бўлган тақдирдагина, мулоқот самарали яқунланиши мумкин. Бу борада мамлакат Президентларининг давлатлараро ҳар томонлама шартномани имзолаш учун олиб борадиган мулоқотлари юқоридаги фикрларга мисол бўлади.

Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, мулоқот жараёнларида ҳамкорларнинг ўзаро мулоқотида умумий манфаатлар кузатилмайди, шу билан бирга бу ҳолат ҳамкорликнинг узилишига ҳам олиб келмайди. Бундай ҳолатни аксарият ҳолларда сиёсий, иқтисодий соҳа вакилларининг ўзаро кузатувчи ва эксперт сифатида иштирок этган учрашувларда кузатилади.

Муомала маданиятида хушфёъллик, хушмуомалалик, ҳаё-иболилик, беозорлик, ширинсўзлик, очиққўнгиллик сингари ахлоқий меъёрлар муҳим



саналади. Биз шулардан айримларини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Хушфёъллик.** Ушбу ахлоқий ҳатти-ҳаракат меъёрийлик нуқтаи-назаридан ғоят муҳим. Чунки ҳар бир жамият даражаси маълум маънода ундаги фуқаролар муомала маданиятининг юксаклиги билан ҳам белгиланади. Зеро, хушфёъл, ширинсухан инсон ўзининг ҳар бир мувоффақиятсизлигига фожеа сифатида қарамайди, алам ёки ғазаб билан ёмон кайфиятини бошқаларга ўтказишга интирмайди. Атрофдаги ахлоқий муҳитни бузмайди. Натижада ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам кўтаринки кайфият, тарли-туман омадсизликларнинг ўткинчилигини англатувчи ҳаётбахш бир умид бағишлайди. Жамият доимо ўшандай одамларни ҳурмат қилади ва улардан ўрнак олишга интилади.

Хушфёъллик, ширинсуханлик қай даражададир кўпроқ ихтиёр билан, кишининг маълум бир инсоний табиатга интилиши билан боғлиқ бўлса, босиқлик, камтарлик, камсуқумлик аксинча, кўпроқ ирода кучи натижасида юзага келади. Зотан инсоннинг ўз ғазабини боса билиши, норозилигини барвақт билдирмаслиги; сўзлагиси, бирор-бир гап билан ўзини кўрсатгиси келиб қолганда ўша истакни тўхтата олиши кучли иродани талаб қилади. Шу боис муомала босиқ, камтарин (етти ўлчаб бир кесиш) тамойили асосида иш кўрган шахслар оқил одамлар саналади ва улар жамиятда ҳам намунавийлик мақомига ноил бўладилар.

**Хушмуомалалик.** Муомаланинг асосий манбаини сўз ташкил этиши барчамизга маълум. Шунингдек, сўз инсоннинг ботинидан чиқиши, инсон ботиндан чиқадиган сўзга эғалик қила олишини ҳам биламиз. Бироқ, ташқарига чиққан сўз инсоннинг ўзини қулга айлантириб қўйишини доим ҳам билавермаймиз. Яъни, оғиздан чиққан яхши-ёмон сўз бевосита инсоннинг рухиятига ўрнашади: яхши сўз билан муомала қилинса – яхшилик топилади, ёмон сўз билан муомала қилинса – ёмонлик.

Хушмуомалалик ижтимоий аҳамиятгига кўра хушфёълликка нисбатан кенгқамровлироқдир. У инсоннинг ҳам ҳатти-ҳаракати, ҳам мулоқоти

натижасида вужудга келади. Хушмуомилалик ўз ичига мулойимлик, муросаи-мадора, охисталик, тагдорлик каби сифатларни қамраб олади.

Шунингдек, хушмуомалалик қатъий тартибга асослаган ахлоқий меъёр ҳисобланади: у ўзгани ранжитмаслик, бировга ёмон сўз айтмаслик, баҳс-мунозарага киришганда муҳолифни ҳурмат қилиш, кўрслик ва чапаниликдан холи бўлиш ҳамда суҳбатлашганда эҳтиросларга берилмасликни талаб этади.

**Ҳаё-иболилик.** Ҳондамир, Восифий ва бошқа замондошларнинг асарларидан биламизки, Навоий ғоят табиати нозик, пок, хушхулқ ва ўта назокатли кишиларни яхши кўрган, ўзи ҳам жуда нозиктабиат инсон сифатида ном қозонган. Шу сабабли у «Маҳбубул кулуб»даги «танбех»ларида ҳаё, беозорлик сифатларига алоҳида урғу бериб таърифлайди. Вафо ва ҳаёни уйғунликда кўрган шоир «вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ» деб таъкидлайди. Демак, бу тушунчалар бир-бирига жуда вобаста. Чунки маърифатли, комил инсонлар ҳаёли ва вафодор кишилардир. Вафосизнинг жабри қанча бўлса, ҳаёсизнинг шаллақилиги, бетга чопарлиги, беандишалиги ҳам шунча озор келтиради; шоир буни ўзи бошидан ўтказган: «Замон аҳли бевофалиғдин кўксумга туганлар ва даврон ҳаёли беҳаёлиғидин бағримда тиканлар... ҳар қайсиға рақам урай десам Айюб сабри анга вафо этмас ва қалам суай десам Нух умрида тамомға этмас». Шоир алам билан ёзган:

*Ё марҳамат ул хайли ситамкорага бергил,*

*Ё сабру таҳаммул мени бечора бергил.*

**Мулойимлик.** Мулойимлик барча мутафаккирлар назарида кишининг мақбул сифатларидан бири, деб эътироф этилади. Муомала маданиятида мулойимлик «хилмли», «юмшоқ табиатли» деган тушунчалар билан бир маънони англатади. Бу тушунча аччиғланмайдиган, эҳтиёткор, сўзини ўйлаб гапирадиган кишиларга нисбатан ишлатилади. Бироқ, мулойимликнинг камчилиги шуки, бундай сифат соҳиблари аксар одамларга ёқмайди.

**Беозорлик.** Инсонларнинг табиатидаги ҳусумат, адоват, ғазаб каби

иллатлар бу каби одамлардан холи. Улар барча масъулиятни ўз зиммаларига олсалар-да бировга ёмонликни раво кўрмайдилар, оғирликларини ўзгаларнинг зиммасига юкламайдилар. Беозор кишилар матонатли бўла туриб, ўзидан ожиз кишиларга қаҳр билан муомала қилмайдилар.

Умуман олганда, ахлоқий меъёрларнинг муомала маданиятидаги кўринишлари талайгина. Биз шулардан айримларигагина тўхталиб ўтдик. Шундай экан, муомалада пировард натижада кўйидагича хулоса чиқариш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз: агар ахлоқшуносликнинг меъзоний тушунчалари бир-бирига боғлиқ бўлса, ахлоқий тамойилларнинг боғлиқлиги янада мустаҳкамроқ- улар биридан иккинчисига ўтиб туриш хусусиятига эга; ахлоқий меъёрлар бир-бири билан шу даражада чамбарчаски, баъзан бирини иккинчисидан аниқ ажратиш қийин, зеро улар хулқ ва одоб доирасидаги ахлоқий амалиётлардир.

Маълумки, ҳар бир талаффуз қилинган жумлада талаффуз қилувчининг рухий-ақлий олами акс этиб туради. Яъни, у сўзни қандай ва қай тарзда кўллай олиши билан суҳбатдошига ўзи мансуб бўлган ички олам, уни қонун-қоидалари ҳақидаги хабар мазмунини ҳам етказди. Аввало, сўзловчи онгида олам ҳақидаги бирор хабар, факт мавжуд бўлади. қаерда товуш образи талаффуз қилинган онгидаги тушунча билан уйғунлашса, ўша ерда кўнгилдагидек мулоқот юзага келади. Аксинча, товуш образи тингловчи онгида бирор тасаввур-тушунчани уйғотмаса бундан мувоффақиятсиз мулоқот юзага келади. Шу боис нутқий мулоқотда сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги муносабат ғоятда муҳим ҳисобланади. Агар сўзловчининг ҳам тингловчининг ҳам сўзи кўча-жаргон сўзлар билан тўлиб-тошган бўлса, фикрини қийналиб, пойма-пой гапирса, талаффузи бўлмаса, бу ҳолатда энг мазмундор суҳбат ҳам ўз моҳиятини йўқотади.

Сўзлашув маданияти ҳар бир тил бирлигини шароитга қараб, йиллар мобайнида қабул қилинган меъёрлар асосида кўллаш санъати ҳисобланади. Масалан, сўрашиш, саломлашиш маданиятини олайлик. Сўрашиш барча халқларнинг муомала маданиятидаги муҳим восита бўлиб, у ҳар бир

халқнинг миллий хусусиятларидан келиб чиққан холда ўзига хос кўринишга эга. Таъкидлаш зарурки, сўрашиш билан саломлашиш айнан бир тушунчалар эмас. Саломлашиш барча халқларда салом бериш одоби қоидаларига асосланади, у фақатгина кўл бериб кўришишдан иборат эмас. Сўрашиш эса сўз, имо-ишора, мимика ва хатти-ҳаракат орқали ҳам амалга ошириладиган жараён бўлиб, у инсон фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олади.

Ўзбекларда нутқий муомала маданиятида жамоа, одамлар билан ҳамжиҳатликда бажариладиган ҳашар, ободонлаштириш ишларида иштирок этаётганларга «Ҳорманглар» дейилади ва улар томонидан «Саломат бўлинг» ёки «Бор бўлинг» деган жавоб қайтарилади. Ҳосил йиғим-терими пайтида хирмон теппасида кўришганда эса «Ҳирмонга барака» дейилади ва улар томонидан «Умрингизга барака» деган жавоб қайтарилади. Мазкур сўрашиш маданиятига эътибор берсангиз, мурожаат оҳанги ҳам, жавоб оҳанги ҳам мантиқийлик, нафосат ҳамда кишига хуш ёқадиган тарзда ифода этилади. Бу сўзларнинг кудрати шундаки, уларни жаҳл устида, ғазаб билан айтсангиз ҳам бировга оғир ботмайди.

Тарихимизга назар солар эканмиз, ўзбек тили ҳам ўтмишда нақадар бой, сўрашиш услублари хилма-хил ва катта эътиборга эга бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, аждодларимиз меҳмонни «Хуш келибсиз, қадамларингизга ҳасанот!» деб кутиб олади. Агар меҳмон азиз, муҳтарам ва орзиқиб кутилган бўлса, у билан сўрашганда ниҳоятда латиф ва соғинч сўзларни ишлатишга ҳаракат қилинган. Эътиборингизни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» номли тарихий романидаги Қутлуғ Туркон оқа хонадонига ташриф буюрган Соҳибқирон Амир Темур ва темурийзодаларни кутиб олиш жараёнидаги сўзлашиш маданиятига қаратмоқчимиз (тагига чизилган сўзларга эътибор беришингизни сўраймиз-*муаллифлар*): «Сароймулкхоним дарвозадан киргани ҳамон:

-Ассалому алейкум, ғамгузорим меҳрибоним эгачим!-дея таъзим бажо айлади ва ўзини қутлуғ Туркон оқанинг қучоғига отди.

Оллоҳга шукр! Оллоҳга шукр! - эгачи ардоқли келинини бағрига

босганча узоқ вақт қўйиб юбормади...

Умаршайх Мирзонинг онаси Тўлун оқа, Мироншоҳ Мирзонинг онаси Менгли бика ва Тоғай Туркон оқалар ним табассум ила мухтарама эгачининг катта хоним билан кўришишаётганини кузатиб турардилар.

-Марҳабо, хонадонимизга хуш келибсизлар! – уйга таклиф этди эгачи қувончи чексиз, меҳмонлар билан кўришиб бўлгач...Маликалар шоҳона безатилган дастурхон атрофига тиз чўкишди. Дуои фотиҳа тортилди.

-Барчангизга подшолик қутлуғ бўлсун, ардоқли келинларим!-деди қутлуғ Туркон оқа қўлларини кўксига қўйиб.

Келинлар ва канизаклар ўринларидан турдиларда тавозе билан эгачига бош эгдилар:

-Ўзингизга ҳам қутлуғ бўлғай, эй бонуйи кубро ҳазрати олиялари!..»<sup>10</sup>

Мазкур мулоқотни сўзлашув маданиятининг ўзига хос намунаси десак муболаға бўлмайди. Зеро, “ғамгузорим”, “меҳрибоним”, “мухтарама”, “ардоқли”, “қўлларини кўксига қўйиб”, “бонуйи кубро” иборалари билан қилинадиган ҳар қандай мурожаат ўзининг нафосати билан киши дилини хушнуд қилади, инсонга хуш ёқади.

Ҳар қандай мулоқотда сўз асосий восита ҳисобланади. Айниқса, бу сўзлашув маданиятида кўпроқ намоён бўлади. Саломлашиш ҳам сўзлашув маданиятининг бир кўриниши сифатида инсон одобининг маҳсулидир. *Саломлашиш* - инсонга нисбатан ҳурмат белгиси бўлиб, у одамлар орасидаги ўзаро муомала муносабатининг бошланиши ҳамда мулоқотнинг дебочасидир. Саломлашиш одобини мазмун-моҳиятига кўра турли халқлар турлича ўзлаштирганлар. Олайлик, Европа халқларида бош кийимни ечиб саломлашиш маданиятлилик белгиси ҳисобланса, Шарқ халқларида қўлни кўксига қўйиб саломлаб бериш ҳурмат белгиси саналади.

Ҳар қандай ахлоқнинг, хулқнинг ва одобнинг меъзонлари даврлар ўтиши билан ўзгариб, такомиллашиб (ёки заифлашиб) боради. Бу жараён муҳит,

<sup>10</sup> Қаранг: Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Тарихий роман. Бирини китоб. Жаҳонгир Мирзо. Т. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2003. 336 б. 174-177 бетлар.

муносабат, анъана ва одат каби башарият томонидан шаклланган омиллар билан боғлиқ. Саломлашиш ҳам бу жараёнлардан холи эмас: у ҳам ўзгаради. Шунини айтиш керакки, саломлашиш фақат сўз билан эмас, балки ҳатти-ҳаракат орқали ҳам амалга оширилади. Бундай ҳолатни бугунги кунда турли хил кўринишлари мавжуд: қўл бериб, кучоқ очиб, ўпишиб, бошни бошга уриб (бу айниқса ўсмир ёшдагилар ўртасида урф бўлиб бормоқда) кўришиб саломлашиш шулар жумласидандир. Бироқ, доимо «Ким биринчи бўлиб саломлашиши керак?», «Қўл бериб сўрашиш қоидалари қандай?», «Саломлашганда қандай мурожаат қилинади?», «Сухбатлашиш қандай қоидаларга асосланади?» деган саволлар кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Қуйида ушбу масалаларга тегишли айрим қоидаларни баён этамиз:

### **Мурожаат қилиш одоби.**

Мурожаат инсондан ахлоқий, эстетик, маданий меъёрларни белигланган қоидалар асосида амалга оширишни талаб қилади. Мурожаат ижтимоий-сиёсий, маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган муносабат тури бўлиб, улар оғзаки ёки ёзма кўринишга эга. Мурожаат инсоннинг қандай тарбия кўрганлигини, ўзгаларга нисбатан ҳурматини, дид-фаросатини, иззат-нафсини билиш мумкин бўлган ахлоқий ҳатти-ҳаракатлар мажмуасидир. Мурожаат қилиб айтилаётган сўзлар нафақат ҳурмат белгиси, балки, мақсадга эришиш воситаси ҳамдир. Мурожаат вазиятга, шароитга, жамоага, муҳитга қараб яқка шахсга ёки жамоага йўналтирилган бўлади. Бироқ, барча мурожаатлар ахлоқ меъёрларига бўйсингандагина ижобий натижа бериши мумкин.

Мурожаат қилиш бир неча турларга бўлинади. Уларни асосан расмий мурожаат ва норасмий мурожаатларга ажратиш мумкин.

*Расмий мурожаатлар* асосан қатъий тартиб ва белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади. Расмий мурожаатлар меҳнат жамоасида раҳбарга, ишлаб чиқариш корхоналарида етакчи мутахассисга, таълим муассасаларида таълим берувчи устозга, ҳарбий ва ҳуқуқ тартибот органларида унвони катта зобитларга, давлат аҳамиятига молик тадбирларда

жинсга қараб ёки барчага расмий мурожаат қилинади. Масалан, «Ҳонимлар ва жаноблар», «Муҳтарам элчи жаноби олийлари», «Ўртоқ бошлиқ ёки ўртоқ командир», «Жаноби директор», «Устоз Музаффар Аҳмедович» ва ҳоказо.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, расмий мурожаатларда фақат сизлаб мурожаат этиш мақсадга мувофиқ. Чунки, «сен» деган мурожаат орадаги муносабатларнинг самарали натижасига салбий таъсир кўрсатади. Одатда замонавий муомала маданиятида 9 ёшдан юридагиларга нисбатан «сиз» деб мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ саналади. «Сен» деб мурожаат этиш эса фақат оилада, яқин қориндошлар, дўстлар орасида айтилиши ўринлидир.

*Норасмий мурожаатлар* расмий мурожаатларга нисбатан кенгроқ ва доимий равишда қўлланилади. Норасмий мурожаатлар асосан кундалик ҳаётда, ўзаро мулоқотда ишлатилади. Мурожаатнинг бу турини умумий маънода яқин инсонларга қилинадиган мурожаатлар, интим мурожаатлар ҳамда номсиз мурожаатларга ажратиш мумкин. Хусусан: *Яқин кишиларга қилинадиган мурожаатларда* ишончлилиқ, дўстона ва самимий муносабат устувор аҳамиятга эга. «Ҳамкасаба», «Оғайни», «Амаки», «Хола», «Келинойи», «Оға» каби мурожаатлар бунга мисолдир.

*Интим мурожаатларда* шахсга нисбатан чиройли, ёқимли, эркалаш маъносидаги сўзлардан фойдаланган холда мурожаат этилади: «Азизим», «Меҳрибоним», «Жоним», «Бегим» каби сўзлардан ўринда ва самарали фойдаланиш зарур. Мурожаатнинг бу тури инсоннинг дидли ва фаросатли эканлигини ҳам белгилайди. Бироқ, ушбу сўзларни бемаврид ишлатиш инсонни бачканаликка олиб келади. Айниқса, «жоним» сўзини барчага нисбатан ишлатиш асло мумкин эмас, бу сўз фақатгина никоҳдан ўтган, ҳаётини бир-бири билан боғлаган кимсларга нисбатан ишлатилса мақсадга мувофиқ.

*Номсиз мурожаатларда* шахсни ким эканлигини яқиндан билиш катта аҳамиятга эга эмас. Бундай мурожаат қисқа мазмунда бўлиб, бирор номаълум объект ёки субъектни аниқлаш, у ҳақда муайян маълумот олиш учун

кўлланилади. Масалан, “Кечирасиз, Нукус кўчасини кўрсатиб юборсангиз?” “Маъзур тутасиз, сизнинг манзилингиз мен борадиган жойдан узоқроқда экан”, “Хонадошингиз сиз ҳақингизда яхши фикрлар билдирди» сингари мурожаатларда шахснинг аниқ исми кўрсатилмасда, у ҳақдаги маълумотлар ва айтиладиган фикрлар тушунарли бўлади.

### Суҳбатлаш одоби.

Суҳбатлашиш муомала маданиятини шакллантиришнинг муҳим воситаларидан бири саналади. Ҳар қандай суҳбат аввало маълумотлар алманишувидир. Суҳбатлашиш орқали инсонлар бир-бирлари билан мулоқотга киришадилар, бир-бирлари ҳақида маълумотга эга бўладилар, бир-бирларини тушуниб борадилар, шу билан бирга муомала маданиятларидаги айрим бўшлиқларни тўлдирадилар. Зеро шоир Чустий таъбири билан айтганда:

*Орттирур меҳрингни ҳардам меҳрибонлар суҳбати,*

*Жонга жон бахш айлагандек, жонажонлар суҳбати.*

*Сира осон бўлмаган мушкул тугунларни ечар,*

*Фикри қилин қирқ ёрувчи нуктадонлар суҳбати*<sup>11</sup>.

Суҳбатлашиш одобида куйидагиларга эътиборга қаратиш мақсадга мувофиқ:

-Суҳбатлашаётган кишиларнинг гапини бўлмаслик лозим. Агар зарурати бўлса албатта узр сўраб мурожаат этиш кишининг маданиятли эканлигини билдиради.

-Суҳбат мавзуи ҳақида етарли маълумотга эга бўлмай туриб суҳбатга асло аралашманг, зеро, оқибатда бемаврид фикрингиз учун уялиб қолишингиз эҳтимоли мавжуд.

-Суҳбатлашаётганларга қарата лукма ташламанг. Бу ўринсиз қилингиз суҳбатлашаётганлардан бирини ранжитиши мумкин.

-Суҳбатдошга оғир ботадиган, уни хафа қиладиган, ноқулай вазиятга солиб қўядиган ҳамда суҳбатдошингиз хоҳламайдиган мавзу бўйича суҳбат

<sup>11</sup> Чустий. Кўнги тилаги. Чуст матлубот жамияти уюшмаси. 1994. 37-бет.



хурманг. Бу борада зеҳнли ва фаросатли бўлиш киши учун доимо мувоффақият олиб келган.

- Суҳбатдошингизни ҳаддан зиёд мактаб юборманг. Ўринсиз мактов дўстона муносабатга путур етказди. Шунингдек, суҳбатлашаётганда “мен”ингизни марказий марказий ўринга қўйманг. Чунки бундай суҳбатлар аксарият холларда зерикарли бўлади.

-Суҳбатдошингизнинг кимлиги, мавқеи, қизиқиши, ижтимоий келиб чиқиши ва ҳоказо шу сингари хусусиятларини аввалдан билишга ҳаракат қилинг. Шунда у билан бўладиган суҳбатингиз мазмунлироқ бўлади.

-Суҳбатдошингизни ҳурмат қилишга ўрганинг, ҳатто уни фикрини сиз нотўғри деб билганингизда ҳам охиригича эшитинг.

- Танимаган ёки энди танишган одамлар билан суҳбатлашишдаги асосий мавзулар албатта спорт ёки сериаллар бўлади. Бироқ, бундай суҳбатларда оилавий масалалар, шахсий ҳаётдаги келишмовчиликлар, иш жойидаги муаммолар ҳақида суҳбатлашиш ўринсиздир. Шунингдек, суҳбатлашаётганлар уч ва ундан ортиқ кишини ташкил қилсада, икки таниш одам бир-бири билан ўзлари билган мавзуда суҳбатлашишлари бошқаларга нисбатан ҳурматсизликни билдиради.

-Суҳбатга қўшилишни истасангиз албатта суҳбат мавзусини, суҳбатлашаётганларнинг кайфиятини ҳисобга олинг. Яхши кайфиятда суҳбатлашаётганларга қўрқинчли, ваҳимали, кўнгилсиз ҳолатлар ҳақида гапирманг. Айниқса, бемор билан суҳбатлашганда жуда эҳтиёткор бўлинг, беморнинг кўнглини яхши, мулойим ҳамда касаллигидан биров бўлсада чалғитувчи сўзларни топиб гапириш мақсадга мувофиқ.

-Суҳбатлашишнинг асоси фақат гапиришдан иборат эмас, балки тинглаш ҳамдир. Аммо, тинглаш фақат эшитиб ўтириши дегани ҳам эмас. Яхши суҳбатдош суҳбатдошининг фикрини тинглайди, гапининг мағзини чақишга ҳаракат қилади., фикрларидан мантиқий хулосалар чиқаради., қўшилмаган тақдирда “Дарҳақиқат, манабу фикрингизда жон бор, бироқ аввалги гапингиз биров муболағали» ёки “Кечирасиз, менимча шу фикрингизни бошқачароқ

ифода этганингизда янада тушунарлироқ бўлар эди», ёки “Фикрингизни бўлганлигим учун узр, лекин мен буни бошқача тасаввур қиламан» ва ҳоказо. Зинҳор “Бўлиши мумкин эмас”, “Гапингиз мутлақо нотўғри”, “Бу ҳақда ҳеч нарсани билмайсиз”, “Сиз айтаётган гапларни ёш бола ҳам билади” деган ибораларни ишлатмангки, бу суҳбатдошингизнинг иззати, нафсониятига тегади.

Суҳбат пайтида ҳадеб соатга қараш, ён-атрофга аланглаш, бошқа бировга пичирлаб гапириш ҳурматсизлик ва маданиятсизлик белгиси саналади. Бу ҳолат суҳбат олиб бораётган кишига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатади. Натижада суҳбат самарасиз яқунланади.

Бугунги воқелик оламнинг кўп ишлари ва ҳақиқатларига янгича қараш, уларни бутун мураккабликларини янгича идрок қилиш ва янгича сиёсий, иқтисодий, маънавий меъзонларда баҳолашни талаб этади.

Миллий маънавиятимиз ва қадриятларимизнинг қайта тикланиши, ўзлигимизни англай бошлаганимиз туфайли бугун ҳар биримизнинг онгимиз, тафаккур таризимизда муҳим ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳаётий ўзгаришлар одамларимиз қалби ва онгига сингиб, уларда келажакка ишонч туйғусини, Ватанга муҳаббат, эркинлик хиссини тарбияламоқда. Мазкур жараёнлар сўзлашув маданиятини такомиллаштиришда, уни янада гузаллаштиришда ҳар бир кишининг масъулиятини талаб этади.

### **Назорат саволлари:**

1. Зиёли кишининг ахлоқий-эстетик маданияти, этикети, имиджи.
2. Замонавий ахлоқий қоидалар ва меъёрлар.
3. Амалий этика масалалари.
4. Педагог фаолиятида нутқ маданияти ва нотиклик санъатининг зарурияти.
5. Касб этикаси.
6. Ахлоқий муносабатларга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар.
7. Эстетик муносабатларга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар.

### 3–Мавзу: Этикет замонавий ахлоқнинг назарий ва амалий асоси.

#### Режа:

1. Этикет тушунчаси, мазмуни ва моҳияти
2. Этикет – амалий ахлоқ сифатида.
3. Этикетни шакллантиришнинг усул ва воситалари
4. Касбий этикетни шакллантириш– тараққиётни таъминлаш омили сифатида

**Таянч иборалар:** Компьютер технологиялари, этика, ахлоқий муҳит, Ахлоқий тарбия, санъат, мусиқа, кино, театр, оммавий маданият, хеппи, комикс, старизм, интернет, китч, эмо, готика, сериаллар, адабиёт, мусиқа, реклама. глобал муаммо, биологик ахлоқ, биоэтика, патернализм, аборт, ўлим жазоси, ксенотрансплантация, трансплонтация, ксенотрансплантат, эвтоназия, клонлаштириш.

**Ахлоқий муҳит.** Амалий этиканинг ҳозирги кунда умумжаҳоний глобал муаммоларни ҳал қилишдек муҳим вазифаси ҳам борки, у ҳақда алоҳида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Бу муаммолардан бири, энг муҳими, сайёрамизда этосфера - ахлоқий муҳит даврини яратиш билан боғлиқ.

Маълумки, юзлаб асрлар мобайнида инсон кичик биологик олам сифатида катта биологик олам ичида, унинг бир парчаси, жонли организмлар подшоси, оқил ва ҳукмрон қисми сифатида яшаб келди. XIX асрнинг охиридан бошлаб, айниқса XX асрда у ўз тафаккур қуввати билан, илмий-техникавий юксалишлар туфайли ана шу биосфера ичида ноосферани - техникавий муҳитни яратди. Мана, ҳозирги кунда, қаранг, эрталабдан кечгача биз ўз техникавий кашфиётларимиз ичида яшаймиз - еймиз, ичамиз, юрамиз, ухлаймиз, уларсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Булар метро, автобус, телевизор, радио, телефон, эскалатор, плейер, лифт, компьютер, поезд, теплоход, газ плиталари, электр асбоблари, заводлар, локаторлар, кимёвий дори-дармонлар ва ҳ.к. Бугун видеотелефонда гаплашар эканмиз, юзлаб чақирим наридаги суҳбатдошимизни кўриш ва у билан гаплашиш учун от-уловда ёки пиёда борадиган бўлсак, неча кунлаб йўл

босишимиз кераклиги ҳақида ўйлаб ўтирмаймиз, тўғрироғи, бу эсимизга ҳам келмайди. Чунки техника бизнинг яшаш муҳитимизга айланиб қолган.

Фақат бугина эмас. Инсон эндиликда ўзи яшаётган бутун бошли сайёрага таъсир кўрсата бошлади. Ер тарихида инсон биринчи марта улкан геологик куч бўлиб майдонга чиқди. Инсоний тафаккур биосферадаги ўзгаришларнинг асосий сабабига айланди. Ноосфера таълимоти асосчиларидан бири буюк рус олими В.И.Вернадский илмий тафаккур ва инсон меҳнати таъсири остида биосфера янги ҳолат бўлмиш ноосферага ўтаётганлигини, бутун геологик давр мобайнида яратилган, ўз мувозанатларида барқарорлашган биосфера инсон илмий тафаккури босими остида тобора кучлироқ ва теранроқ ўзгаришга киришганини таъкидлайди: «Сайёрамиз юзи - биосфера инсон томонидан онгли ва асосан онгсиз равишда кескин кимёвий ўзгаришларга дучор этилмоқда, - деб ёзади у. - Инсон куруқликнинг физикавий ва кимёвий ҳаво қобиғини, унинг барча табиий сувларини ўзгартирмоқда... Ҳозир биз биосферадаги янги геологик эволюцион ўзгаришларни бошдан кечиряпмиз. Биз ноосферага кириб боряпмиз».<sup>12</sup>

Ана шу нуқтадан тафаккур ўзи нима деган муаммо пайдо бўлади. Бу ҳақда В.И.Вернадский шундай мулоҳаза билдиради: «Тафаккур энергиянинг шакли эмас. У қандай қилиб моддий жараёнларни ўзгартира олади? Бу масала ҳанузгача илмий жиҳатдан ечилиши топган эмас»<sup>13</sup>.

Вернадский ҳайратга солган масала ҳозир ҳам ўша-ўша, ҳол этилмаган.

Оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ҳаётга таъсири ҳақида гап кетганда, унинг кучи жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни кўтариб чиқишида, мавжуд муаммоларга жамият аъзолари диққатини жалб қилишида, давлат органлари фаолиятини назорат қилиб боришида кўринади. Шу маънода у халқни ҳокимият билан боғловчи восита-механизм ҳисобланади.

<sup>12</sup> Вернадский В.И. Начало и вечность жизни Москва. Сов. Россия, 1989. С. 186 – 187.

<sup>13</sup> Ўша манба; С.185.

Мамлакатимизда замонавий техник ускуналар, кенг ва чуқур фикрловчи кадрларга эга бўлган, янгича мазмун-моҳият касб этадиган оммавий ахборот воситаларининг фаолияти учун барча шароитлар яратилмоқда: оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий пойдевори барпо этилди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, қонунга мувофиқ иш юритиши, цензурага йўл қўймаслиги (67-модда) алоҳида белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда хусусий оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига ҳам кенг шароит яратилиб, дунёнинг турли мамлакатларидан мустақил равишда ахборотлар олиш имконияти юзага келди.

1996 йилнинг май ойидан бошлаб республикаимизда жаҳондаги йирик компьютер тизими «Интернет» билан алоқа ўрнатиб, ундан энг муҳим янгиликларни қабул қилиб олишнинг йўлга қўйилгани Ўзбекистон ахборот воситалари тарихида улкан янгилик бўлди. «Интернет»нинг 50 миллион абоненти бўлиб, жаҳондаги энг йирик ахборот марказлари унга аъзо бўлишган. У бутун дунё бўйича турли соҳалардаги янгиликлар қабул қилиб олади ҳамда ана шу янгиликларни ўз абонентларига тез ва аниқ етказиб беради. 1996 йил 7 майда эса «Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармон қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиттириш Қўмитаси Ўзтелерадиокомпанияга айлантирилди. Бир сўз билан айтганда, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) мустақилликни мустаҳкамлаш, халққа тезкор ва объектив характердаги ахборотларни етказиб бериш минбарига айланди.

Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий истиқлол мафқурасини халқимиз, аввало ёш авлод онгига сингдиришда алоҳида ўрин тутади. Улар маънавий-маърифий ислохотлар жараёни, бу борадаги муаммоларни, жамият ҳаётининг турли қирраларини тезкорлик билан акс эттирадиган энг самарали воситадир. «Тўртинчи ҳокимият» ҳисобланган ОАВлари турли хил фикрлар, ранг-баранг қараш ва

ёндашувларга кенг йўл очиб бериши, ҳаётимизда юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатини уйғотиши, холислик ва ҳаққоният тамойилларига таяниб фаолият юритиши лозим.

Йирик сиёсатчи, Буюк Британия собиқ Бош вазири Маргарет Тетчер: «Оммавий ахборот воситалари - террорчилар учун кислород вазифасини ўтайди», - деган эди. Бу гапнинг маъзини чаққан одам «оммавий ахборот воситалари террорчилар учун ҳаводек зарур экан», деган хулосага келади. Зеро, уларнинг мақсадлари - ўлдириш эмас, жамоатчиликка кучли таъсир қилишдир. Таассуфки, баъзи оммавий ахборот воситалари ўзлари билмаган ҳолда терроризмнинг бузғунчилик, кўпуровчилик таъсирини янада оширишга «хизмат» қилиб қўядилар. Уларнинг террор оқибатлари ҳақидаги ваҳимали ахборотлари инсонлардаги кўрқувни, даҳшатни, ҳимоясизлик ҳиссини янада кучайтириб юборади. Бу каби ахборотларга қарши бугунги кунда тарғиботни кучайтириш зарурий эҳтиёжга айланмоқда.

Глобаллашув жараёнининг барча ижобий ва муқаррар фазилатларини эътироф этган ҳолда фарзандларимиз тарбиясига янада хушёр бўлишимиз тақозо этилади. Азалий миллий қадриятларимиз, ахлоқий қадриятлар, соф ўзбекона ахлоқий фазилатларини глобаллашув тўғрисида йўқолиб кетмаслиги учун матбуот масъул десак хато қилмаймиз. Ахлоқий тарбия жараёнида ҳар бир воситадан оқилонга фойланиши лозим. Телевидение эса томошабин билан жонли мулоқот, воқеликни ахлоқий-эстетик жиҳатдан кенг қамраб олиши, барча санъат турларида яратилган асарларни экранлаштириш ва экранда кўрсатиш имкони билан бошқа оммавий ахборот воситаларга нисбатан кенг имкониятларга эгадир. Бугун ОАВ жуда қудратли кучга айланди. Баркамол авлодни тарабиялашда айниқса ватанпарварлик руҳидаги кўрсатувларнинг ўрни муҳим. Шу жиҳатдан олганда “Ватанпарвар”, “Шижоат” каби кўрсатувларни алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса телевидениеда ушбу мавзуга бағишланган бир қанча мазмунли реклама роликларининг пайдо бўлганини ҳам ижобий ҳодиса дейиш мумкин.

Оммавий ахборот воситалари хусусан телевидение воқеликни бир

бутун қамраб олади. Ахлоқнинг барча соҳа ва йўналишлари ахлоқий маданият, табиатга ахлоқий муносабат, этикет, ахлоқий тарбия муаммоларига кенг тўхталиб ўтади. Ўзaro инсоний муносабат ва инсонда ўсимликларга, ҳайвонларга, еру сувга муҳаббат ҳиссини тарбиялаш ҳозир кўпроқ ахлоқий муносабат билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Табиатдаги нафосатни англаш, инсондан аввалги қўпол муносабатнинг ўзгаришига ҳам ахлоқий-эстетик, ҳам экологик маданиятнинг юксалишига олиб келади.

Ҳозирда интернетдан нафақат компьютер тармоғи, балки космик алоқа йўлдошлари, радиосигнал, кабел телевидениеси, телефон, уяли алоқа орқали ҳам фойдаланиш мумкин. Биринчи Президент И.Каримов таъкидлаганларидек, “Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмақда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди”<sup>14</sup>. Шундай бўлса-да, интернет бир қатор салбий жиҳатларни келтириб чиқараётганини ҳам доимо ёдда тутиш лозим. Унда ўз-ўзини ўлдиришнинг осон йўллари тарғиб қилувчи 9 мингдан, эротик мазмунга эга 4 мингдан зиёд сайтнинг мавжудлиги ҳам бунинг исботи бўла олади. Мутахассислар мавжуд сайтларнинг тахминан 12 фоизи порнографик характерга эгаллигини, 42 фоиз болалар ва ўсмирлар онлайн порнография таъсирига тушишини қайд этишмоқда. Мавжуд махсус дастурлар интернетдаги порнографиянинг фақат 90 фоизинигина филтрлайди, яъни компьютердан фойдаланувчининг ихтиёридан ташқарида экранда пайдо бўлиши йўлига тўсиқ қўя олади. Демак, қанчалик ҳаракат қилинмасин порнографик мазмунга эга сайтлар интернетдан фойдаланувчиларнинг хоҳиш-истагидан қатъи назар, уларнинг ихтиёрини торта олади.

<sup>14</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Тошкент, “Маънавият”, 2008.-114 б.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларда ахборот олами имкониятларидан оқилона фойдаланиш учун асос бўладиган “ахборот истеъмоли маданияти”ни<sup>15</sup> тарбиялаш ҳаётий-амалий аҳамиятга эга. Уларда бундай маданиятнинг камол топтирилиши миллий қадриятларимизга зид бўлган ҳар қандай ҳодисага селектив ёндашиш кўникмаси шаклланишига ва дунёқарашдаги соғлом барқарорликка замин яратади.

Ҳозирги замон амалий этикасининг муҳим йўналишларидан бири-инсон ҳаётининг энг олий ахлоқий қадрият сифатида қарайди. Шу билан бирга, инсон ҳаётини сақлаб қолиш муаммосини яхшилик ва ёмонликни фарқлашнинг муҳим мезони, деб ҳисоблайди. Ҳозирги зомон фанида Биоэтика этика тирик мавжудотлар, шу билан бирга, инсонга ҳам бўлган муносабатларнинг ахлоқий регулятиви, деб қаралади. Инсоннинг табиат билан узлуксиз алоқасини маънавий таҳлил асосида, табиатни муҳофаза этишда ахлоқий жавобгарлик Биоэтика этиканинг маданий негизини ташкил этади. Биоэтика, социал масалалар билан биргаликда, қадриятлар муаммосини ҳам қамраб олади. Биоэтика мақсадларидан бири – шахсни турли ҳолатларга солиш имкониятларини яратувчи, инсон хатти-харакати, руҳиятини ўзгартириш мумкин бўлган, унинг устидан ўтказилаётган хилма-хил тадқиқотларни чеклаш мезонларини ишлаб чиқади. Биоэтика муаммоларини ишлаб чиқишда файласуфлар, ҳуқуқшунослар социологлар, тиббиёт ходимлари ва социал ахлоқшунослар қатнашмоқда. Биоэтик муаммонинг долзарблашуви, илмий техник тараққиёт, биотехнология, ирсият технологиясини ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, табиий муҳитни мақсадга мувофиқ ва тез ўзгартиришда, инсонга катта қувват берди. Табиий эволюцион жараёнлари учун илгари миллионлаб йиллар керак бўлса, энди инсон бу жараёнларни қисқа вақт ичида амалга ошириши мумкин бўлди. Ирсият технологияси ва биотехнология инсон тақдирига бевосита аралашиб, ирсиятни дастурлаштириш, турли тирик организмлар, ирсият асосида янги организмлар, биологик роботлар яратиш масалаларини кўтариб чиқди.

<sup>15</sup> Ушбу тушунча илмий муомалага У.Кўшаев томонидан киритилган.



Натижада, инсониятнинг ривожланиши, физиологик жихатдан қайта ўқиш имкониятларини, диний таҳлил этиш муаммоларини келтириб чиқарди. Ирсиятга қандай маънавий мезонларга кўра, қайси идеалларга, қайси кадриятларга асосланиб, аралашиб муаммолари Биоэтика этиканинг тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади.

Мазкур ҳодиса сўнгги бир неча ўн йиллик ичида соф табобат муаммосидан ахлоқий муаммога айланди: эндиликда, бировнинг муайян аъзосини бошқа беморга жарроҳлик операцияси йўли билан ўтказиш орқали киши ҳаётини сақлаб қолиш ахлоқий нуқтаи назардан қандай баҳоланади, деган савол кун тартибида долзарб бўлиб турибди.

Биологик ахлоқ деганда, одатда, бизда ҳам, жаҳон ахлоқшунослигида ҳам асосан тиббий ахлоқ, табобат муаммоларига доир ахлоқий ёндашувлар тушунилади, холос. Бу унчалик тўғри эмас. Бизнингча, биологик ахлоқ муаммолари икки йўналишдан иборат: бири - инсонларнинг кичик биологик олам сифатидаги катта биологик оламга бўлган муносабатлари билан боғлиқ «ташқи», иккинчиси - инсонларнинг «ўз-ўзига ва ўзаро муносабатларидаги тиббиёт билан боғлиқ ички» ахлоқий масалалар.

Биз одатда «экологик этика» деганимизда айнан биринчи ҳодисани назарда тутамиз. Икки биологик оламнинг муносабатларини, яъни экологик ахлоқий муаммоларни биологик ахлоқ доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги пайтда экологик ахлоқнинг инсоният учун нақадар муҳимлигини ҳамма билади, лекин ўз билганидан қолмайди – муаммонинг мураккаблиги шунда. Биз юқорида ноосфера, тафаккур борасидаги мулоҳазаларимизда экологик бухроиларнинг баъзи кўринишларига тўхталиб ўтдик. Бироқ, яна ундан ташқари сўнгги пайтларда жаҳон бўйлаб синтетик жисмлар ишлаб чиқаришнинг кенг йўлга қўйилганлиги, ҳайвонот ва айниқса ўсимликларнинг габрид усулида янги турларининг вужудга келтирилиши сингари ҳадислар ҳам экологик аҳамиятга эга. Хўш, улар табиат билан силнгишиб, уйғунлашиб кета оладими, табиат уларни ўзиники қила

биладими? Бунга ҳозир жавоб топиш қийин, эҳтимол кашфиётларимизнинг оқибатлари, юқорида айтиб ўтганимиз - муайян тафаккур билан инсон орасидаги «масофанинг узоқлашиб» бориши натижасида аён бўлар?

Глобаллашув суръатлари ортаётган, халқаро рақобат кучаяётган, ахборот технологиялари жадал ривожланаётган бир пайтда шахс ахлоқига салбий таъсирининг асосий йўналишларини белгилаш «бегоналашув» тушунчасининг мазмунига аниқлик киритишни тақозо этади, албатта. Таассуфки, бу борада ханузга қадар бир тўхтамга келингани йўқ. Бошқача айтадиган бўлсак, ушбу тушунчанинг мазмуни замонларга мутаносиб тарзда, кишилиқ жамиятида тўпланган ижтимоий-гуманитар билимлар ҳажмига мос равишда, мазкур муаммолар хусусида бош қотирган мутафаккир ва мутахассисларнинг дунёқарашларига уйғун ҳолда ўзгариб, бойиб ва тўлишиб борди.

Бегоналашув тўғрисидаги илк қарашлар, ёндашувлар энг қадимги давр файласуфлари бўлмиш Сукрот, Афлотун, Арасту, Демокритнинг инсон ва жамият тўғрисидаги фикрларида учратиш мумкин. Хусусан, Афлотун таълимотига кўра, кишилиқ жамиятининг ва давлат тузумининг бузилишига сабаб, моддий манфаатдорликнинг ҳукмронлик қилиши ва унинг кишилар ахлоқига таъсир этишидир, яна бир юнон мутафаккири Арасту қарашларида бу муаммога ёндашув ўзига хосдир. Арасту антик жамиятнинг назарётчиси бўлганлиги учун бойликка эҳтиёж нуқтаи назаридан қарайди. Бой бўлиш учун бойликка эга бўлиш эмас, балки ундан фойдаланиш демакдир. Ҳақиқий фаровон ҳаёт учун чексиз бойлик зарур эмас. Тўпланган бойлик маълум мақсадга хизмат қилса, бунинг оқибатида давлатга ва оилага фойдали, инсон ҳаётига зарур нарсаларни тўплашни назарда тутди. Бегоналашув тушунчасининг атама сифатида вужудга келиши, XVII-XVIII асрларда “ижтимоий шартнома” тарафдорлари Томас Гоббс, Жон Локк, Пьер Гассенди, Жан Жак Руссо ва бошқалар атрофлича ўрганишди.

Бегоналашуш сабаби шахснинг руҳий ҳолатига боғлиқ деб ҳисоблади. Фейербахнинг бегоналашув концепцияси асосида бегоналашув жараёнида

дин пайдо бўлиши ва инсоннинг ўзидан бегоналашуви бўлади. Файербах тасдиқлашича бегоналашувни енгиш учун инсон ўзи ва худо ўртасидаги ҳақиқий муносабатни билиши керак ва Худо табиатдан аъло бўлиб бошқача эмас, айнан инсон жисми каби бўлади деб ҳисоблаган. Замонавий ғарб фалсафаси тарихида «Европанинг таназзули»асарининг муаллифи сифатида пайдо бўлди. Немис файласуфи «Ғарбнинг ҳалокати» тўғрисидаги асарида мазкур жараённинг ҳақиқатда эҳтимоли борлигини келтириб ўтди. Шпенглер бутун тарихий жараёндан келиб чиққан ҳолда фикр билдирган бўлиб, у бош мақсад сифатида буржуазия жамияти ғоясига ишонишни қўйди. Барча пайдо бўлувчи тақдирлар олдиндан маълум бўлади ва бу тақдир фақатгина бизнинг даврга хос бўлмасдан, бутун тарихий замонларга тегишли бўлган.

Ҳозирги замон цивилизациясининг маънавий-маданий инқирозига бағишланган концепциялар кўпаймоқда. Энг қизиғи, XX аср давомида инсоният цивилизациясининг инқирозга юз тутаяётгани асосан учта эътиборли концепцияда эътироф этилган бўлса,<sup>2</sup> XX асрнинг охириги 10-15 йили ва XXI асрнинг бошида шу фикрни ёқловчи кўплаб асарлар эълон қилинди.<sup>3</sup>

Хўш, илмий тадқиқотларини турли илмий, мафкуравий позициялардан амалга оширган, дунёқарашни ҳам турлича бўлган бу олимларнинг бир-бирига яқин бўлган бундай хулосаларга келишларига сабаб нима?

Бугунги кунда кишилик цивилизациясини титратган муаммолар ҳақиқатан ҳам бағоят жиддий характерга эга. Бу муаммоларни XX асрнинг кейинги 30 йили давомида кишилик цивилизациясида содир бўлган асосий ўзгаришларга мутаносиб равишда бешга бўлиш мумкин.

Бизнинг давримизга келиб, Ғарб олами бутун дунё бўйлаб инфорацион технологияларни тарқатар, бу технологияларни замонавий ишлаб чиқаришнинг муҳим таркибий қисмига айлантирар экан, шу маҳсулот турларининг нархларини ҳам белгилашга муваффақ бўляпти. Бунинг оқибатида эса, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги тафовут янада катталашиб бормоқда.

Инсон бегоналашуви омиллари орасида маънавий таҳдид ўзининг мураккаблиги, ниҳоятда нозиклиги билан ажралиб туради. Чунки, у шахсининг рухий дунёсини издан чиқаришга, уни ўзга, турмуш тарзи, кадриятлар системаси ва ғоялар дунёсига бўйсундиришга, эркинлигини чеклашга қаратилган бўлади.

Шахслараро мулоқот тизими бу ҳолатда умуман олганда заифлашади ва ўзининг фаолиятини тўхтатади. Эгоист ёлғизлик ва ички зиддиятлар ҳолатига тушиб қолади. Бунда жамият индивидуалистик характер касб этади ва емирилиш сари яқинлашади.

Альтруистик хулқ-атвор ҳолатида одам ўз энергиясининг бир қисмини бошқа одамларга беради, шу билан биргаликда ундан миннатдор бўлган бошқа одамлар ҳам унга худди шу тариқа жавоб қайтарадилар. Одам томонидан сарфланган энергия бошқа одамларнинг энергияси ҳисобига тўлдирилади. Натижада шахслараро мулоқот тизими мустаҳкамланади ва ривожланади. Минуслар плюсларга айланади. Ўзаро ҳаракатлар ва такомиллаштиришнинг юқори потенциалига эга бўлган коллективистик тип тизими шаклланади. Буларнинг барчаси шунинг учун ҳам содир бўладики, эгоист-одам ва альтруист-одам фаол тизимлар бўлиб ҳисобланиш билан тизимли боғланишларнинг типи бўйича принципиал фарқ қилади. Бегоналашиш муаммосини одамнинг маънавий-ахлоқий характеристикалари билан боғланишда кўриб чиқишнинг яна бир қонуниятини кўрсатамиз. Альтруист ва эгоист шахсининг ўзининг моҳияти бўйича иккита қутбда жойлашадиган фазилатлари бир қатор ўтувчи характеристикалар орқали аста-секин вужудга келишини кўрсатамиз.

Бунда қарама-қарши бошланишларнинг метафизик ажратилганлиги эмас, балки улар ўртасидаги диалектик ўзаро ўтишлар ўз ўрнига эга бўлади. Бу фикрни бир-бирига қарама-қарши бўлган яхшилик ва ёмонлик фазилатлари мисолида кўриб чиқамиз. Биринчиси – ижобий фазилат бўлиб, иккинчиси – унга қарама-қарши бўлган салбий фазилатдир. Бироқ уларнинг орасида диалектик ўтиш мавжуд, уни бефарқлик деб аташ мумкин.

Яхшиликка қараб боришда шахсларнинг ўтувчи маънавий ҳис туйғулари – кизиқувчанлик, мулоқотга киришишнинг бошланиши, бир-бирига ёқиш истаги ва сўнгра бир-бирига яхшилик қилиш истаги каби ижобий ўзаро ҳаракатлари кучайиб боради. Бефарқликдан ёмонликка қараб боришда ҳам бир қатор маънавий ҳис-туйғулар – бироқ энди бошқа – салбий характердаги ҳис-туйғулар ривожланади. Бу ёқтирмаслик, қизғаниш, ачинмаслик, бир бирига ёмонлик келтириш истаги ва охир-оқибатда бир-бирига ёмонлик қилишдир.

Бошқа маънавий-ахлоқий характеристикалар – адолат ва адолатсизлик, ҳақиқат ва ёлғон ва ҳоказолар ўртасидаги диалектик ўтишларни ҳам худди шу тарзда кузатиш мумкин. Барча ҳолларда тизимли-фалсафий ёндашув позициясидан альтруизм қутби тизимли боғланишларнинг мустаҳкамлигини, эгоизм қутби эса – боғланишларнинг кескин заифлашуви ва узилишини, ўтиш ҳолати эса одамларнинг маънавий-ахлоқий ўзаро ҳаракатларининг беқарорлиги билан тақдим қилинишини ифодалайди. Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, инсоннинг психикаси ва шахслараро муносабатлар жуда динамик тизимли ва тизим-муҳит боғланишлари ва муносабатларини ўзида тақдим қилади. Шахснинг қутбий маънавий типларини абсолютлаштирмаслик лозим.

Шахснинг альтруистик хулқ-атвори, аксинча, мутлақо қонуниятли тарзда бегоналашган муносабатларнинг йўқолишига, ҳамжиҳатлик ва коллективизмнинг мустаҳкамланишига, жамият потенциалининг ўсишига олиб келади. Одамлар ўртасидаги юқорида кўрсатиб ўтилган муносабатлар динамикдир, бунинг оқибатида ҳатто бегоналашишнинг мураккаб вазиятларида ҳам ҳаётнинг ижобий асосларини шакллантириш учун имкониятлар мавжуд бўлади. Ўйлашимизча, юқорида кўрсатилган қонуниятлар бегоналашишнинг антропоижтимоий муаммосида инсон омилини тушунишнинг асосини ташкил қилади.

Маънавий ва ахлоқий фазилатлар, шунингдек жамиятда одамларнинг ўзаро муносабатлари одамнинг маънавий оламининг ривожланиш

даражасини унинг одамлар ва оламга қаратилган маънавий ҳис-туйғуларининг бойлиги орқали характерлайди. Бу ҳис-туйғуларнинг заифлашуви ёки бўлмаслиги, аксинча, шахслараро муносабатларнинг йўқолишига, ижтимоий муносабатларнинг заифлашуви ва емирилишига, одамнинг оламдан бегоналашувига олиб келади. Одамнинг маънавий ва маънавиятга зид бўлган бегоналашган мавжуд бўлишининг бу жараёнлари бадий асарларда яққол намоён бўлади. Бу жиҳатдан рус маданияти муҳим аҳамият касб этади, у одамнинг маънавий кечикмалари ва эзилишларини, унинг ички оламининг ташқи олам билан муносабатлардаги ролини тўлалигича акс эттиради.

### **Назорат саволлари:**

1. Мустақиллик шароитида этика фанининг аҳамияти.
2. Илмий техник тараққиёт натижасида юзага келадиган ахлоқий ва эстетик муаммолар.
3. Интернетнинг ахлоқий-эстетик тафаккурни ўзгаришига таъсири ҳақидаги фикрингиз.
4. Тиббиёт эстетикаси ва биоэтика ҳақида нималарни биласиз?
5. Бегоналашув ва унинг ахлоқий муаммолари ҳақидаги фикрингиз.

### **4-Мавзу: Эстетик англаш.**

#### **Режа:**

1. Эстетик билиш, англаш ва ишлаб чиқариш жараёни
2. Эстетик англаш тушунчаси ва унинг индивидуал характери.
3. Модернизация жараёнларида эстетик фаолиятнинг кўринишлари.
4. Ёш авлодни эстетик тафаккурини шакллантиришнинг долзарб муаммолари

**Таянч иборалар:** Санъат ва носанъат объектлар, санъатнинг турлари, цирк, театр, рақс, кўшиқчилик, рассомчилик, китобот, кино, фото, интернет, ҳайкалтарошлик, телевидение, санъатлари. санъатнинг глобал муаммолари, шахс ахлоқий маданияти, эстетик дид, Санъат, эпос, лирика, драма, архаик

санъат, анънавий санъат, замонавий санъат, хузурбахшлик, маънавият тизими, жанр. Идрок, бадий идрок, эстетик идрок, ҳиссий идрок, ақлий идрок, ният, ғоявий ният, тасаввур, бадий тасаввур, илҳом, илҳом манбаи.

Санъат ва ахлоқнинг бош мавзуи инсон ҳисобланади. Санъат инсоннинг мақсад-манфаатлари, фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғулари, ички кечинмалари нуқтаи назаридан акс эттирса, ахлоқ инсон ижтимоий алоқалари ва муносабатларининг мағзига сингиб кетади. Ҳаётда ахлоқ-одобга алоқадор бўлмаган бирор воқеа-ҳодиса содир бўлмайди. Инсонларнинг ўзаро муносабатлари ва муомалалари ахлоқнинг бевосита объекти бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир ҳақиқий санъат асарида асосий зиддият сифатида эзгулик билан ёвузликнинг кураши акс этади, инсонпарварлик, ҳақиқатгўйлик, тўғрилиқ, адолат, муҳаббат, садоқат сингари фазилатлар тараннум этилади, тақдир, ўлим ва ўлмаслик, ҳаётнинг мазмуни, бахтга эришиш сингари муаммолар ўртага ташланади. Ахлоқий идеал муаммоси эса ҳар бир бадий асарнинг шоҳтомири ҳисобланади.

Ахлоқ ва ахлоқийликсиз юксак бадий асар мавжуд бўлмайди. Барча санъат асарлари учун ахлоқийлик муҳим асос ҳисобланади. Айни пайтда санъат ахлоқийликнинг тарғиботчиси, ахлоқий тарбиянинг энг қулай воситаси сифатида ҳам намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ахлоқий тарбияни мустаҳкамлашда санъат энг муҳим воситалардан бири бўлиб хизмат қилади. Санъат асарларининг тарбиявий кучи шундаки, унда акс эттирилган қаҳрамоннинг қиёфаси ўқувчида ҳаяжон, завқ ва қувонч уйғотади. Масалан, Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романини ўқиганимизда Отабекдаги мардлик, жасурлик, севгига вафодорлик, ота-онага ҳурмат, юртга садоқат каби фазилатларни, Кумушбибидаги ифбатлилик, ширинмуомалалик, қувноқлик, андишалилик, зукколик, сингари инсоний сифатларни инсон қамоли учун кўрк бериб туришини хис этамиз. Шу орқали бадий адабиёт инсоннинг қалбига, унинг руҳиятига, иродасига таъсир қилиб, уни тарбиялайди, ўзлигини чуқур англаб олишига имкон яратади

Асарни эстетик идрок этиш.

ИДРОК: предмет ва ҳодисаларнинг яхлит қиёфасини акс эттириб, у воқеликни инсон сезги аъзоларининг таъсири орқали белгиловчилик ва бошқарувчилик имкониятларини намоён қилади.

БАДИИЙ ИДРОК: ижод жараёнларида намоён бўлиб боради. Агар ижод жараёни тўхтаса, бадиий идрок ҳам тўхтайдди. У ижод жараёнининг баҳолаш мезони ва бу жараёнга кўмак берувчидир.

ЭСТЕТИК ИДРОК : бадиий ижод назариясини тўлақонли англаш ва санъатнинг ижтимоий табиатини очиш имконини беради. Эстетик идрок жараёнларида эстетик масофа омилининг сезиларли ўрни мавжуд. М.: театрда томошабин бир пайтнинг ўзидда ҳам сахна безакларига, ҳам актёрларнинг кийимларига, уларнинг ҳатти-ҳаракатларига синчковлик билан назар ташлайди.

КИНО: Ҳозирги пайтда ёшларнинг калби ва онгини эгаллашга қаратилган жиддий хатарлардан бири “оммавий маданият” номи билан индустриал асосда ишлаб чиқиладиган “санъат” намуналаридир. Бугунги глобаллашув жараёнида барча давлатларда одам савдоси, диний ақидапарастлик, терроризм каби иллатлар кўпайиб бормоқда. Барча давлатларда бунга қарши кураш йўллари ҳар – ҳил бўлиб, бу ўринда кино санъати ҳам ўз ҳиссасини кўшиб келмоқда. Томошабинларни ўзига жалб қила олган “Алданган аёл”, “Тубанлик” фильмлари бунга жавоб бўла олади. Ҳудди шундай “Аросат” фильми ҳам инсонни ўйлашга чақирадиган фильмлар сарасига киради.

ИНТЕРНЕТ: Турли секталар, ноқонуний диний уюшмалар ёшларни экстремизм, терроризм, миссионерликка мойил, жиноят қилишдан қайтмайдиган, гиёҳвандликка осон берилувчан қилиб тарбиялашга уринмоқда.

ТАТУИРОВКА – тери остига ранг юбориб, турли хил шакл ва нақшлар чизиш. Татуировка қилдириш авваллари маҳбусларга хос одат эди. Аслида у турли юқумли касалликларни келтириб чиқариши “оммавий маданият”ни тарқатувчиларга ойдек равшан. Баданга турли хил шаклларни чизиш ва



чиздириш амаллари миллий ўзлигимиз ва урф-одатларимизга зид. На ўзлигимизга ва на динимизга тўғри келадиган, иймонимиз, жисмимизга зарар келтирувчи бундай амалдан биз ўзимизни ва бошқаларни асрамоғимиз лозим.

**ПОСТМОДЕРНИЗМ:** Постмодернизм модернизмдан кейинги деган манони билдиради. Бунда санъаткорлар одатда оммавий жанрларга. Масалан. детектив, комедия, мелодрамаларга мурожаат қилиш, улар воситасида оммани қизиқтирган. уларнинг диққат-эътибор ини тортган сюжет-мазмундан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Айниқса бу ўринда экран, кино, театр имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш алоҳида ўрин тутди. Постмодерн санъатига оид асарларда асосий эътибор бевосита санъатнинг ўзига қаратилади. Хусусан санъатда инсон ўз эркинлиги, ўз ижодий бетакрорлиги, ўз маънавиятини тўла маънода намоён эта оладиган бўлиши керак. Шу маънода санъат нафақат ўз ижодкорнигина эмас, балки шу билан бирга санъатнинг барча мухлисларини ҳам улуғлайди. Постмодернизм тарафдорларининг фикрича, санъат ўзига қайтади. Шу маънода санъатнинг мафтункор қудрати ва унинг ҳаётбахш тасвири ўзини тўла намоён этиб, одамларга қувонч ва шодлик бахш эта олади.

Эстетик идеал ўзига мос гўзаллик, улуғворликни ёки мўъжизавийликни кўпроқ санъатдан топади. Шу туфайли у доимо эркинликни талаб қилади. Аввало санъат асари орқали санъаткор воқеликни ўз идеали призмасидан ўтказиб тасвирлайди, бошқачароқ айтганда, ўз идеалларини санъат воситасида моддийлаштиради: бинога, ҳайкалга, романга, спектаклга, расмга, бадий асарга ва бошқа маънавий ҳодисаларга айлантиради: санъаткор эркин ҳаракат қилади. Биз эса ўз идеалларимизни улардаги образлар орқали танлаймиз, уларни ўзимиз учун маълум муддатга ёки бир умрга намуна қилиб белгилаймиз, бу ҳолатдаги хатти-ҳаракатимиз ҳам эркинлик орқали рўй беради. Яъни, санъат ҳар бир инсонни индивидуал ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, унинг ўз эстетик идеалини образлар воситасида шакллантиради.

**АВАНГАРДИЗМ:** авангардизм XX аср бадий маданиятидаги йўналиш.

У мавжуд меъёр ва анъаналарни рад этиб, янги ифодавий воситаларни янгилик деб қарашдан нарига ўтмайди.

**КУБИЗМ:** Кубизм-XX аср бошларида вужудга келган борлиқни тасвирлашнинг янгича услуби.

**АБСТРАКСИОНИЗМ:** Абстракционизм — лотин тилидан олинган бўлиб, "мавхум" "ноаниқ" деган маънони англатади.

**СЮРРЕАЛИЗМ:** Сюрреализм- ҳаёл ва ҳақиқат орасида бўлган зиддият ва қарама қаршилиқка чек қўйиш.

**ПОП АРТ** -турли реклама, саноатда ишлаб чиқарилган буюмлар уларнинг образли дунёсини ташкил этди.

**АРТЕФАКТ**- жамият маънавий ҳаётининг феноменлари бири.

#### **4.2. Санъатнинг ахлоқий ва эстетик асослари.**

Санъат – эстетик фаолиятнинг ўзига хос тури, сеҳрли маънавий кўзгу. Сеҳри шундаки, санъат асарини идрок этаётган одам унда ҳам шу асарни яратган инсон дунёсини, ҳам ўз дунёсини қадриятлар призмаси орқали кўради; ўзининг қандайлигини ва қаердалигини, ютуқларини ва нуқсонларини, ақлини ва ҳиссиётларини аниқлаштириб олади. Унинг эстетик моҳияти макон ва замондаги воқелик воситасида гўзаллик, улуғворлик, фожеавийлик, кулгилилик, хунуклик, тубанлик в.б. эстетик хусусиятларни инъикос эттириши ҳамда уларни баҳолаши билан белгиланади. Санъат қадриятларнинг қадрланишини ва қадрсизланган қадриятларни кўрсатиб беради, бир одам ёки бир неча одам тимсолида одам билан оламнинг яхлит, умумлашган қиёфасини яратади, уларнинг уйғунлигини таъминлайди. У кишини яшашга ўргатади, гўзалликка даъват этади, маънавий юксалтиради. Шу сабабли инсоният тарихида санъатсиз яшаб ўтилган бирорта ҳам давр йўқ.

#### **Санъатнинг хусусиятлари ва тамойиллари**

**Маъжозийлик хусусияти.** Бошқача қилиб айтганда, нарса-ҳодисалар ёки сўз-ибораларининг кўчма маъноларда, кўп маъноли тарзда қўлланилиши санъатнинг санъатлигини белгилаб беради. Мажозийлик, кенг маънода

олганда, бадий кифа яратиш, умумлаштириш, рамзийлик, ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, истиора, киноя сингари бадий восита ва усулларни ўз ичига олади.

**Демократик хусусияти.** Санъатнинг демократик хусусияти ҳам унинг яшаш шартларидан бири. Бу хусусият энг аввало эркинлик билан боғлиқ. Ижодкор фикр эркинлиги, сўз эркинлиги, ғоя эркинлиги, мавзу эркинлиги, услуб эркинлиги, ранг эркинлиги в.б. ижодий эркинликлар тизимига эга бўлсагина, улардан ўз ўрнида фойдалана олсагина, унинг асарини санъат намунаси деб аташ мумкин. Ижодкорга, сиёсий-мафкуравий зўравонлик қилиш, уни мажбурлаш, кўрқитиш орқали таъсир кўрсатиш каби ходисалар санъат учун ўлим демакдир.

**Ижтимоийлик хусусияти.** Ижтимоийлик ҳам санъатнинг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Ҳар бир санъат асари ўз даврнинг долзарб муаммоларини, етакчи ғояларини, муайян мафкурани кўтариб чиқмаслиги мумкин эмас. Фақат улар гўзаллик, улуғворлик, кулгилилик, эзгулик, идеал каби эстетик ва ахлоқий қадриятлар билан уйғун тарзда идрок этувчига етказиб берилади.

**Тарихийлик хусусияти.** Ҳар бир ҳақиқий санъат асари, вақт нуқтаи назаридан замонавий ёки тарихийлигидан қатъи назар, у – тарих, бадийлаштирилган тарих. Масалан, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари X-XI асрларда яратилган, милодгача ва милоддан кейинги дастлабки даврлардаги Эрон ижтимоий-сиёсий ҳаётидан олиб ёзилган тарих, фақат бадийлаштирилган, умумлаштирилган тарих.

**Миллий ва умумбашарийлик хусусияти.** Бу ўринда биз, эътибор қилсангиз, миллийликни умумбашарийлик билан бирга, ажралмаган ҳолда келтиряпмиз. Гап шундаки, уларни бошқа барча соҳаларда алоҳида-алоҳида олиб қараш мумкин. Фақат санъатда эмас, санъатда улар диалектик яхлитликда намоён бўлади. Яъни ҳақиқий миллий қадриятга айланган бадий асаргина асл умуминсонийликни ва аксинча, ҳақиқий умумбашарий қадриятга айланган асаргина том маънодаги миллийликни ўзида мужассам

этади.

**Оригиналлик (янгилик)-ижодийлик тамойили.** Ҳар бир маънавий ходисада бўлганидек, санъатда ҳам унинг асосини ташкил этадиган, тамал тоши вазифасини ўтайдиган тамойиллар мавжуд. Улардан биринчиси - санъатнинг янгилик (оргиналлик) ёхуд ижодийлик тамойили. Чунки ижод маҳсули, ижод қилиши – кашф этиш, шу кунгача мавжуд бўлмаган нарсани яратиш демакдир.

**Ҳаққонийлик тамойили.** У санъат асарида инъикос этаётган инсон хатти-ҳаракатларининг, илғор ғояларнинг, бадиий усулларнинг, бутун ифодавий-тасвирий воситаларнинг бир-бири билан уйғун, мақсадга мувофиқ тарзда берилишини таъминлайди. Зеро умумийликни – хусусийликда акс эттириш, макон, замон ва инсон яхлитлигини бадиий қиёфаларга кўчириш санъаткор учун энг мураккаб иш.

**Халқчиллик тамойили.** Санъат асари халқ учун яратилади. Лекин халқ дегани, бу – аҳоли эмас, аҳолининг фикрлайдиган, миллий қадриятларга бефарқ қарамайдиган, афкор, тинглай олиш, томоша қила билиш ва ўқиш қобилиятига эга қисми. Асардаги халқчиллик ана шу кўпчиликнинг шодлиғу қайғусини, дардларини, интилишларини, муаммоларини қай даражада тушунарли тарзда ифодалай олиши билан белгиланади.

### **Санъатнинг асосий вазифалари**

Биз имкон қадар таҳлилдан ўтказган санъатнинг хусусиятлари ва тамойиллари маълум маънода унинг асосий вазифаларини ҳам белгилаб беради. Энди ана шу вазифаларни қисқача кўриб ўтишга ҳаракат қиламиз.

**Инсонийлаштириш - санъатнинг долзарб вазифаси.** У санъатнинг деярли барча асосий хусусиятларини ва ўзига хослигини намоён этади. Зеро, ҳар бир санъат асари марказида инсон туради. Инсонийлаштириш вазифасини санъат ҳам бевосита, ҳам билвосита амалга оширади. Бевосита деганимизда, инсоннинг бадиий қиёфалар шаклида инъикос эттирилишини назарда тутамиз. Яъни қаҳрамонларнинг шакли-шамойили, феъл-атвори ва хатти-ҳаракатлари асарда тақдим этилаётган замонавий ёки тарихий

воқеликни инсонийлаштиради, уларда инсон иштирокини таъминлайди. Билвосита инсонийлаштириш эса, биринчидан, санъаткор воситасида рўй беради. Бунда тўғридан-тўғри инсон қиёфаси тасвирланмаган эса-да, асар хужайрасига сингдирилган инсон руҳи уни ичдан нурлантириб, рангинлантириб туради.

**Фориғлантириш - санъатнинг асосий вазифаси.** Фориғлантириш нима эканини, уни дастлаб Арасту санъатга нисбатан қўллаганини биз аввалги боблар орқали яхши биламиз. Қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, санъатнинг бу вазифаси муайян бадиий асарни идрок этиш мобайнида рўй беради. Уни шартли равишда уч қисмга ажратиш мумкин. Даставвал ҳақиқий санъат асари инсон қалбини очади, калит вазифасини ўтайди. Кейин уни тозалайди – поклайдиган маънавий модда вазифасини ўтайди. Ундан сўнг, учинчи галда, очилган ва барча майда, ғаразли, салбий ҳислардан тозаланган қалбни юксак туйғулар, улуғвор интилишлар, буюк орзулар билан тўлдиради, ўзингиз ҳали яхши илғаб етмаган, маънавиятга бўлган ички бир ботиний-руҳий ташналикни қондиради.

**Билимли, маърифатли қилиш - санъатнинг муҳим вазифаси.** Инсонни билимли, маърифатли қилиш ҳам санъатнинг асосий вазифаларидан. Уни, одатда маърифий – эвристик вазифа деб аташади. Ҳар қандай ҳақиқий санъат асари инсонга турли хил билим беради, уни бирваракай кўп соҳалар бўйича маърифатли қилади. М., Жюл Верннинг «Ўн беш ёшли капитан» романини ўқир экансиз, сиз денгиз ҳақида, кемалар, қайиқлар, елканлар, кит ови, Африка қитъасининг ўзига хосликлари у ердаги қабилааларнинг одатлари, кул савдоси в.б. тўғрисида маълумот оласиз. Яъни бир асар орқали бир йўла географик, навигатцион, этнографик, тарихий в.х. илмлардан хабардор бўласиз. Тўғри, бу билимларингиз мазкур фанларни махсус ўрганганлик – мутахассислик даражасида бўлмаса ҳам, лекин сиз бундан буён ўзингизга ва минтақангизга хос бўлмаган ижтимоий ҳодисалар тўғрисида яхшигина маърифатли киши ҳисобланасиз. Агар борди-ю Жюл Верннинг асосий асарларининг барчасини ўқиб чиқсангиз, сиз ҳар қандай

географ олим билан баҳслаша оласиз. Умрида бирор-бир мамлакатга саёҳат қилмаган бу ёзувчининг бадий асарлари унинг кўпгина мамлакатлар география жамиятлари фахрий аъзоси этиб сайланишига, ҳатто ўзининг ҳам географиядан илмий ишлар қилишига сабаб бўлди, кўпдан-кўп олимларнинг илмий кашфиётларига туртки берди.

**Тарбиявийлик - санъат учун устувор вазифа.** Тарбиячи сифатида санъат инсон ҳиссиётларига таъсир қилади, эстетик кечинмалар уйғотади ва шу орқали бизда эзгуликдан ёвузликни фарқлай билиш кўникмасини шакллантиради. Бу жараён икки ёқлама таъсир туфайли рўй беради. Биринчиси – бевосита, иккинчиси – билвосита. Биринчиси – тўғридан-тўғри дидактик усул орқали амалга ошириладиган тарбия. Бунда санъат асарининг ўзи, шакли ва мазмуни билан, бутунисича насиҳат руҳидаги тарбияга қаратилган бўлади. Мисол тариқасида Шайх Саъдийнинг «Гулистон», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббат ул-ҳақойиқ» пандномаларини, Махтумқулининг шеърларини, Эзопнинг масалларини келтириш мумкин. Санъат тарбиявийлигининг иккинчи, билвосита томони реал ҳаёт тажрибаси сифатида асардан идрок этувчи ўзига «юқтирган», яъни қалб призмасидан ўтказиб, ўзи учун зарур деб қабул қилган ахлоқий-эстетик қадриятлар билан боғлиқ. Бунда санъат асари ижтимоийлашган бадиият, ундаги қаҳрамон гоёвий-бадий яхлитлик тарзида тарбиявий рол ўйнайди.

**Ижтимоий алоқачилик (коммуникативлик) фаолияти - санъатнинг ўзига хос вазифаси.** Ҳақиқий санъат асари идрок этувчини муайян маконда ва замонда «бирга олиб юради», биз учун янги бўлган воқелик билан «таништиради», ҳозирги замон одамини бошқа бир замонга, бошқа тарихий воқеалар жойига, бошқа минталететга, бошқа минтақага «олиб боради», М., Шекспирнинг «Ромео ва Жулетта» асари орқали Ўрта асрлар Италиясидаги воқеалар билан боғланамиз. Замонавий санъат асарида ҳам шундай ҳолатни кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, санъат ижодкор ва жамият, ижодкор ва асар, асар ва уни эстетик идрок этувчи орасидаги уч ёқлама алоқани ҳам амалга оширади.

**Ҳузурбахшлик - санъатнинг ижтимоий вазифаси.** Биз юқорида санъатнинг келиб чиқишини ўйин билан боғлаган эдик. Шундай экан, ҳузурбахшлик вазифасини унинг табиий бурчи деб аташ мумкин. Чунки ўйин «бир маза қилиш», бир муддат завққа берилиб, ҳузур олиш учун керак. Санъатда ҳам, у илк бор бунёдга келган пайтидан бошлаб, ҳузурбахшлик асосий вазифа ҳисобланган. Бироқ, тараққиёт давомида инсоннинг, кўполроқ бўлса ҳам, Арасту таъбири билан айтганда, «ижтимоий ҳайвон»лиги устуворлик касб этиб боргани сайин, бу вазифага жуда кўп ҳолларда етарли эътибор берилмайди: ғоявийлик, мафкуравийлик, замонавийлик, долзарблик каби ижтимоий «юк»лар «санъат елкасига» меъеридан ортиқ юкланади. Натижада саъат бундай оғир юк остида эзилиб қолади ва ҳузурбахшлик вазифасини керакли даражада бажара олмайди. Бундан на замон, на мафкура, на ғоя, на санъаткор, на санъат асари фойда кўради. Чунки буларнинг ҳаммаси асарни идрок этувчига ҳузурбахшлик орқали етиб боради. Ҳузурбахшлик йўқолган жойда санъатнинг ўзи йўқолади. У бир марта ўқиладиган, бир марта кўриладиган, бир марта тингланадиган, ғоявийлиги билан бадиийлиги орасида Хитой девори кўтарилган сохталик намунасига айланади. Зеро, ҳузурбахшлик вазифаси санъатнинг ғоявий-бадиий яхлитлигини таъминлаши баробарида уни аждоддан авлодга асраб етказишни ҳам ўз бўйнига олади.

### **Эстетик идрок ва бадиий идрок**

Идрок мазмунан кенгқамровли тушунча бўлиб, мавжуд барча соҳаларга даҳлдор саналади. У нарсаларнинг ўзига хос хусусиятларини тафаккур орқали талқин этишда ҳамда турли хил муносабатларни ўрганишда инсонга кўмак беради. Шунингдек, идрок жараёнининг тўғри шаклланиши ақлий тараққиётнинг асосий омили ҳамдир. Бир сўз билан айтганда, *идрок* нарса-ҳодисаларнинг яхлит қиёфасини акс эттиради, воқеликни инсон сезги аъзоларининг таъсири орқали белгиловчилик ва бошқарувчилик имкониятларини намоён қилади.

Моддий буюмларни идрок этишдан фарқли ўлароқ, *бадиий идрок*

*жараёнлари* ўта талабчанлиги билан ажралиб туради. Негаки, юқорида таъкидланганидек, бадий идрок ижодий жараён билан боғлиқ тарзда намоён бўлиб боради. Мабодо ижод жараёни тўхтаса, бадий идрок ҳам шу онда якун топади. Ёхуд содда қилиб айтганда, китобхон бадий асарни ўқиб тугаллагандан сўнг унинг ушбу мавзуни идрок этишга бўлган кейинги ҳолати ҳам тугалланади.

*Бадий ижодни идрок этиши* моддий нарсаларни идрок этишдан фарқланади. Ҳолбуки, моддий предмет аксарият ҳолларда ўзгармас ва айна пайтда кишида доимо бир хил таассурот қолдиради. Бадий асарни идрок этиш натижасида инсон воқеликка теран кўз билан назар ташлашга, мавжуд муаммоларни нозик туйғулар ёрдамида ҳал этишга ҳаракат қилади. Шунингдек, бадий идрок фавқулодда ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, у ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. Бундай ҳолатни бадий асарни қайта ўқиш жараёнида кузатиш мумкин.

*Эстетик идрок* ҳам бадий идрок сингари назарий ва амалий аҳамиятга молик тушунчадир. Негаки, эстетик идрокни тадқиқ этмай туриб, бадий ижод назариясини тўлақонли тарзда англаб етиш ҳамда санъатнинг ижтимоий табиатини очиб бериш мумкин эмас. Эстетик идрок масаласи тўғридан-тўғри инсон эстетик тарбиясига даҳлдорлиги боис инсон ва жамият, инсон ва давлат, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар ривожиди сезиларли таъсирга эга. Чунки, *эстетик идрокнинг ўзига хос хусусияти* аввало, бадий ижоднинг табиатига ҳамда санъатнинг ижтимоийлик моҳиятига таъсир кўрсатиши билан белгиланади. Иккинчидан, эстетик идрок қонуниятларини тадқиқ қилиш санъат ва бадий ижод мазмуни ва моҳиятини тўлақонли тарзда намоён қилиши учун имконият яратади. Бир сўз билан айтганда, эстетик идрок моҳиятан инсоннинг воқеликни бадий образлар орқали ўзлаштириши билан намоён бўла боради.

Эстетик идрок жараёнларида *эстетик масофа* ва шу сингари бошқа омилларнинг ҳам сезиларли ўрни мавжуд. Маълумки, санъат турларининг барчаси ижодкор ва томошабин нигоҳидан ўтгандагина қадриятга айланади.



Санъат асарларида *рангни идрок этиши* мураккаб жараён ҳисобланади. Бу эса инсондан санъат асарига нисбатан онгли муносабатда бўлишни, ҳаттоки, рангнинг миллийлик хусусиятларига ҳам эътибор беришни талаб этади. Зотан, рангни идрок қила билиш томошабин тасаввурининг асоси сифатида намоён бўлади. Бу эса ўз навбатида санъат асарини тўлалигича идрок этишнинг муҳим таркиби саналади. Бу борадаги фикрларимизни бир оз кенгроқ тарзда баён қилиш мақсадида ҳайкалтарошлик санъатига мурожаат этишни лозим деб топдик.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур боб мобайнида санъат хиллари, турлари ва жанрларини таснифлаштиришдек мураккаб масалаларни баҳоли кудрат кўриб ўтдик. Бизнинг баъзи мулоҳазаларимиз, илмий хулосаларимиз умумжаҳоний илдизга эга бўлган миллий эстетикамизда бу борадаги дастлабки назарий ёндашувлардир. Бироқ уларни мутлақлаштиришдан йироқмиз, асосий мақсад талабалар ва домлаларда мустақил фикрлаш малакасини юксалтиришдан иборат.

#### **4.4. Санъатнинг глобал муаммоларининг шахс ахлоқий маданияти ва эстетик дидига таъсири.**

*Санъат - эстетик тарбиянинг муҳим воситаси.* Бугунги кунда жамиятимизда инсон фаолиятини бошқариб боришдан кўра, ушбу жараённи инсоннинг ўзи ташкил этиши кераклиги бот-бот ўқтирилмоқда. Бу жараёнда санъат моҳиятан шахснинг хис-туйғуларига таъсир кўрсатишга қодир бўлган муҳим восита сифатида инсонни доимо ўзига жалб этиб келган. Санъат инсоннинг эҳтирослар ва туйғулар оламига сингиб бориб уларни йиғлатади, кулдиради, ўйлашга мажбур қилади. Шунинг учун бўлса керак санъат барча даврларда инсонга ҳамроҳ бўлиб келган.

Санъат ўзининг эстетик бисотини тўлалигича намоён қилиши учун ҳам тарбия жараёни билан чамбарчас боғланади. Чунончи, инсон тафаккурини гўзаллаштириш эстетиканинг тадқиқот объекти ҳисобланса, эстетик тарбиянинг предмети эса маънавий дунёни инсон томонидан эстетик англаш билан белгиланади.

Маълумки, фуқароларда юксак дид ва идеални шакллантириш эстетик тарбиянинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу вазифанинг залворли юкини аввал ҳам, ҳозир ҳам ва бундан кейин ҳам чинакам санъат, адабиёт ва маърифат кўтаришига шубҳа йўқ.

Демак, кўриниб турибдики, санъат воқеликка эстетик муносабатнинг кенгқамровли соҳаси бўлиб, у инсонни нафосатли ҳамда бадиий дидини шакллантиришда муҳим восита вазифасини бажаради. Санъатнинг тарбиявий-ғоявий функцияси ҳаёт ҳақиқатларини қайтадан тиклаш орқали намоён бўлади. Эстетик ҳақиқатнинг ўзи эса ҳаётни бадиий ижод қонунлари билан акс эттириши натижасида вужудга келади.

**Информацион технологиялар - эстетик тарбиянинг глобал воситаси.** Бир пайтлар табиий ва техника бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари талабаларига “Сизнинг идеалларингиз асосан қайси соҳаларда акс этади?”, деган саволга уларнинг кўпчилиги санъат, адабиёт ва маърифат соҳасида кўпроқ акс этади, деган жавоб беришгани ҳам фикрларимизни исботлайди.

Статистик маълумотларга кўра, 50 миллионли аудиторияни радио 38 йилда, телевидение 13 йилда, интернет эса бор-йўғи 4 йилда эгаллаб олар экан. Шуниси ҳайратланарлики, 1998 йилда интернетдан 143 миллион киши фойдаланган бўлса, 2001 йилда уларнинг сони 700 миллионга етган. Бугунги кунга келиб эса интернетдан фойдаланаётганлар 1,5 млрддан ошиб кетди. Бу борада уяли телефон хизматини айтмаса ҳам бўлади...

Бироқ, электрон ахборот воситалари қандай хусусиятга эгаки, унинг таъсир доираси бунчалик тез ёйилмоқда? Бу борада мутахассисларнинг фикрига кўра, аввало:

- *нархининг арзонлиги;*
- *асосий маҳсулот – билим, ахборот, мода ва имидж;*
- *янги иқтисодиёт - у ахборотга эга бўлишни хоҳлайдиган одамларга имтиёз багишлайди;*
- *чинакам глобал характерга эга эканлиги.*

Аҳамият берилса, юқорида кўрсатиб ўтилган хусусиятларнинг барчаси ёшларнинг манфаатига, туйғуларига ва дунёқаришига мос келади. Бу хусусиятнинг барчаси биргина интернетда жамлаганлигига эътибор берадиган бўлсак, ёшларнинг эстетик тарбиясидаги ўзгаришга бўладиган таъсир санъат ва адабиётдан кўламлироқ эканлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Табиат - эстетик тарбиянинг зарурий воситасидир. Шунини махсус таъкидлаш керакки, замонавий инсон тарбиясини эстетик жиҳатдан камол топтиришда *оила* қанчалик устувор омил бўлиб ҳисобланса, бу жараёнда табиат ҳам ундан кам аҳамият касб этмайди. Чунки табиат билан онгли тарзда муроса қилмаслик шахсни нафосатли жиҳатдан мукаммал бўлиб етишишига монелик кўрсатади. Шунинг учун инсон ва табиат ўртасидаги муносабат инқироз ва ҳалокат ёқасига келиб қолган ҳозирги вақтда бу муаммони четлаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Техноген цивилизация - эстетик фаолият ва эстетик дидни шакллантиришнинг муҳим омилидир. Илмий-техникавий тараққиётни инсонийлаштириш ва гўзаллаштириш эстетик муаммолардан ҳисобланади. Воқеликка эстетик муносабатлар, миллий ва умумбашарий аҳамиятга эгадир. Эстетик қадриятлар эса – барқарорликни таъминловчи омил ҳисобланар экан, “дунёни гўзаллик кутқаради” шиори глобал аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. “Гўзал муҳитда яшаш олий неъмат” – эстетиканинг бош тамойилидир. Оламни эстетик англашда ахборот ва жамият ахборотлашувининг роли ортиб бормоқда. Ахборот эстетикасининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг сиёсий, бадиий, ижтимоий, ахлоқий, маънавий жараёнлар билан боғлиқлигидадар. Реклама эстетик маълумот олиш воситаси бўлиб бормоқда. Уларнинг турлари ва шакллари ҳилма-хилдир. Реклама эстетикасида миллийлик ва умумбашарийлик намоён бўлиб боради.

Шу ўринда эстетик тарбияга таҳдиднинг учинчи жиҳати ҳақида фикр билдириш ва бу борада алоҳида таъкидлаш шарт бўлган бир неча мулоҳазалар бор. Улар орасида инсоннинг эстетик тарбиясига таъсир

этишнинг психологик жиҳатлари алоҳида аҳамият касб этади. Буни онг ости ҳодисаси орқали изохлаш мумкин.

1. *Сезгилар.* Айтиш мумкинки, мана шу 5 та сезги илғамаган нарсани онг ости илғаш қобилиятига эга. Узлуксиз жараёни туйғулар хотирага узлуксиз ёзади. Аммо биз уларнинг ҳаммасини ажрата олмаймиз. Зеро камалакда миллионлаб, балки чексиз миқдордаги ранг бўлишига қарамай бизлар улардан фақатгина 7 тасинигина ажрата оламиз холос.

2. *Кузатиш.* Бу борада реклама ва унинг эстетик табиатини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шунинг учун ҳам маҳсулот рекламалари одамлар гавжум бўладиган жойлар (бозорлар, кўчалар ва ҳоказо)га ўрнатиладики, бунда бевосита кузатиш муҳим омилга айланиши бежиз эмас. Айни пайтда маҳсулотга бўлган қизиқиш рекламада кўрсатилган шахсга ихлос туфайли ортади.

3. *Ташвиқот.* Онгости ташвиқотга табиий ҳолда эшитилмайдиган овозлар орқали таъсир қилишни киритиш мумкин. Супермаркет, кафе-бар, бозор ҳамда кўнгилочар масканларда қўйиладиган мусиқаларда ҳам ҳаридорларни чорлаш мақсади кўзланади.

4. *Яширин кадр орқали таъсир қилиш.* Инсоннинг онг ости хисларига яширин таъсир қилиш хусусан 25-кадр кўпчилик давлатлар томонидан таъқиб остига олинган. Мутахассисларнинг фикрича бу турдаги ташвиқот ҳар доим ҳам яхши йўлда ишлатилавермасдан, аксар шум ниятли инсонларга қўл келиши мумкин. Мисол учун кино ёки сериалларда, “Агар бир инсонга давомли равишда “Қўшнингни ўлдир!” шаклидаги яширин кадр билан таъсир қилинса, у ҳеч иккиланмасдан қотилликка қўл уриши мумкин эканлигини тиббиёт психологияси исботлаб берди.

Энди икки оғиз сўз “оммавий маданият” ҳақида. Унинг келиб чиқиши, таъсири, таҳдиди борасида мазкур анжуман иштирокчиларининг барчаси хабардор, десам янглишмаган бўламан. Лекин, бир нарсага ғоятда таҳдидли, у ҳам бўлса, оммавий маданият инсонни “қиёфасиз” оқимнинг бир қисмига айлантириб қўйишидадир.

Бу иллат аксарият холларда ҳақиқат, гўзаллик, эзгулик сингари муқаддас тушунчаларни умумистеъмолчилик эҳтиёжи билан боғлаб, истеъмол ва товар сифатида ҳаридоргир бўлишига қаратилган мақсадни тарғиб қилади. Бу эса пировардида “бозор адабиёти”, “бозор санъати” деган маънавиятга таҳдид солувчи ҳодисаларнинг “гуллаб-яшнаши” учун имкон яратади. Бугун турли арзонбаҳо ишқий ёки детектив саргузаштларнинг бозори чакқон. Дидсиз, савиясиз, “миллати”нинг тайини йўқ “бадий” фильмлар ҳам кўпайиб кетган. “Бозор санъати” деганда, биринчи навбатда, анашунақа фильмлар ва байрам саҳналарида қарсиллатиб айтиладиган янгрөк ашулалар эсга тушади.

Хўш “оммавий маданият”нинг иллат сифатида қандай намоён бўлиши мумкин?

1. “Оммавий маданият” намоёндаларининг амаллари ўзлари учун ҳар тарафлама манфаатдорликка асосланган: улар “ноёб санъат” намуналари-ғояларини нафақат тарғиб қилади, балки пуллайди ҳам.
2. Фақат бугунни, яна ҳам аниқроғи ҳозирни кўради ва тан олади.
3. Умуминсоний маданиятни бўйсиндириш ва ўз таъсир доирасига тортиш каби тубан мақсадларни амалга оширишга ҳаракат қилади.
4. У одамзоднинг фикрлашига тиш-тирноғи билан қарши. Андозалашган ахборот-у маҳсулотлар куршовида қолган одамларнинг ўзи ҳам бора-бора бир ўлчамга тушади: ҳамманинг юриш-туриши, ўй-кечинмаси, фикрлаш тарзи, бари бир хил.
5. Шахснинг ижтимоийлашувига имкон бермайди. У воқеа жараёнларга лоқайд, бефарқ авлодни шакллантиради.
6. “Оммавий маданият” ўз навбатида мафкуравий, информацион, иқтисодий қадриятлардан фойдаланган холда “маърифатпараст”лик ғоялари асосида ўзига хос муомала ва мулоқот маданиятини ҳам тарғиб қилади. Буни биз бугунги кунда ёшлар орасида кўришишдаги “бошни бошқа суқиштириш”, имо-ишора, ўзаро мулоқотнинг “куракда турмайдиган сўзлар”га таянилиши орқали кўриб гувоҳи бўлмоқдамиз.

“Оммавий маданият”нинг асл мақсади ҳар куйга солиш мумкин бўлган оломонни шакллантириш бўлгани боис, у маънавий озиқ берадиган, бадий юксак, ўқувчини мушоҳадага ундаб, тасаввур оламини кенгайтишига хизмат қиладиган асарларни яқинига йўлатмайди. Шунинг учун “оммавий маданият” намуналари бадий-эстетик қимматга эга эмас.

#### **Назорат саволлари:**

1. “Оммавий маданият”нинг таълим, тарбия, турмуш тарзи ва кундалик фаолиятга таъсири.
2. Ахлоқий муҳит ва экологик ахлоқ деганда нималарни тушунасиз?
3. Биологик ахлоқ ҳақидаги фикрингиз.
4. Биоэтика масалари хусусида нималарни айта оласиз?
5. Абортни ахлоқсизлик тарзида баҳолаш керакми ё йўқми?

#### IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

##### 1–Мавзу: “Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишнинг замонавий усуллари ва услублари.

###### Режа:

1. Фалсафий фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Сохага оид замонавий педагогик технологиялар ва илғор тажрибалар.
3. “Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишнинг усуллари ва услублари.
4. Ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришнинг тарбиявий воситалари ва йўллари.

**Ишдан мақсад:** Этика ва эстетика фанларини ўрганишда хорижий усуллардан фойдаланиш

**Масаланинг қўйилиши:** Этика ва эстетика фанларини сифат кўрсаткичларини юқори даражага кўтариш.

###### Назорат саволлари:

1. Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислохотларнинг ахлоқий ва эстетик моҳияти.
2. Таълим тизимида “Этика” ва “Эстетика” фанларини ўқитишнинг золзарблиги (умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизими мисолида).
3. Этика ва эстетика фани машғулотларининг дидактик тамойиллари.
4. Этика ва эстетика фани мавзуларига қўлланиладиган илғор педагогик технологиялар. Этика ва эстетика фанини ўқитишнинг интерфаол усуллари.
5. Замонавий дарснинг анъанавий дарсдан фарқли жиҳатлари.
6. Этика ва эстетиканинг назарий мавзуларни ўқитиш самарадорлигини ошириш омиллари.
7. Этика ва эстетика категорияларининг диалектик боғлиқлиги.

##### 2–Мавзу: XXI асрнинг глобал ахлоқий ва эстетик муаммолари.

###### Режа:

1. XXI асрнинг глобал муаммолари: фалсафий таҳлил.

2. Ҳозирги давр ахлоқий муаммолари: экологик ахлоқ ва этосфера.
  3. Эстетиканинг замонавий муаммолари: нафосат, дид ва санъат.
  4. Инсон шахсидаги иллатларнинг пайдо бўлиш оқибатлари унинг жамият ривожига таъсири.
- воситалари ва йўллари ўрганиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришнинг тарбиявий воситалари ва йўллари ўрганиш ва усулларини тавсия қилиш.

#### **Назорат саволлари:**

1. Зиёли кишининг ахлоқий-эстетик маданияти, этикети, имиджи.
2. Замонавий ахлоқий қоидалар ва меъёрлар.
3. Амалий этика масалалари.
4. Педагог фаолиятида нутқ маданияти ва нотиклик санъатининг зарурияти.
5. Касб этикаси.
6. Ахлоқий муносабатларга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар.
7. Эстетик муносабатларга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар.

### **3-Мавзу: Ахлоқ психологияси.**

#### **Режа:**

1. Руҳий таҳлил йўналиши ва ғайризўравонлик.
2. Гендер муаммолари.
3. Аёл ва эркекларнинг хулқ-атвори ва мотивацияси.
4. Ахлоқ психологиясининг баркамол шахсни тарбиялашдаги ўрни.

**Ишдан мақсад:** XXI асрнинг глобал ахлоқий ва эстетик муаммоларини ўрганиш.

**Масаланинг қўйилиши:** ахлоқий ва эстетик муаммоларини бугунги кундаги аҳамиятини хис қилган ҳолда этосферани яхшилаш йўлларини ва усулларини тавсия қилиш.



### **Назорат саволлари:**

1. Илмий техник тараққиёт ва эстетик билимлар интеграцияси.
2. Ахборотлашган жамиятда ахлоқий муаммоларнинг юзага келиши.
3. Ижтимоий тармоқларнинг ахлоқий тафаккурга таъсири.
4. Тиббиёт эстетикасининг турмуш тарзига таъсири.
5. Биоэтика: ижобий ва салбий жиҳатлар.
6. “Оммавий маданият”нинг шахс камолотига салбий таъсири.
7. Этосфера ва экологик ахлоқ.

### **4-Мавзу: Давлат хизматчилари этикаси ва имижи.**

#### **Режа:**

1. Давлат хизматчилари этикаси ва имижи.
2. Касбий одоб ва унинг тамойиллари.
3. Ахлоқий маданият.
4. Касбий эркинлик ва касбий бурчнинг ахлоқий моҳияти.

**Ишдан мақсад:** Давлат хизматчиларининг ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришда этиканинг асосий тушунчалари ва меъёрлари орқали шакллантиришга ўргатиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Давлат хизматчиларининг этикаси ва имижини шакллантиришнинг тарбиявий воситалари ва йўллари ўрганиш ва усулларини тавсия қилиш.

#### **Назорат саволлари:**

1. Давлат хизматчилари қандай фазилатларга эга бўлиши лозим?
2. Давлат хизматчиларининг маданияти ҳақидаги фикрингиз.
3. Мулоқотда нутқий муомала қандай аҳамиятга эга?
4. Мулоқот жараёнида чиройли муомаланинг аҳамияти ҳақида нималарни биласиз?
5. Сўз ва иш бирлигини давлат хизматчиси этикасидаги асосий мезон сифатида баҳолаб беринг.

6. Ходимларнинг руҳияти ва хулқ-атворини тушуниш учун нималарга эътибор бериш лозим?
7. Ўзига ишонч бошқарувчи фазилатининг муҳим мезони сифатида баҳолаб беринг.
8. “Имиж” тушунчаси ва унинг визуал тавсифлари ҳақидаги фикрингиз.
9. Имижни шакллантиришда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳақида нималарни биласиз?
10. Имиж турлари ва уни шакллантириш омиллари ҳақидаги фикрингиз.
11. Имиж ва унинг ўзгариб бориши ҳақида нималарни биласиз?
12. Имижни яратиш воситалари ва усуллари ҳақида нималарни биласиз?

### **5–Мавзу: Этикет замонавий ахлоқнинг назарий ва амалий асоси.**

#### **Режа:**

1. Этикет тушунчаси, мазмуни ва моҳияти.
2. Этикет – амалий ахлоқ сифатида.
3. Этикетни шакллантиришнинг усул ва воситалари.
4. Касбий этикетни шакллантириш – тараққиётни таъминлаш омили сифатида.

**Ишдан мақсад:** Санъатнинг ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришнинг асосий востаси сифатида фойдаланиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Санъатнинг ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришнинг асосий востаси сифатида қўллаб билиш.

#### **Назорат саволлари:**

1. Санъатнинг турлари.
2. Санъатнинг глобал муаммоларининг шахс ахлоқий маданияти ва эстетик дидига таъсири
3. Санъатнинг ахлоқий ва эстетик мазмуни.
4. Носанъат объектлари.
5. Эстетиканинг асосий қонуниятлари.

**6-Мавзу: Эстетик англаш.****Режа:**

1. Эстетик билиш, англаш ва ишлаб чиқариш жараёни
2. Эстетик англаш тушунчаси ва унинг индивидуал характери.
3. Модернизация жараёнларида эстетик фаолиятнинг кўринишлари.
4. Ёш авлодни эстетик тафаккурини шакллантиришнинг долзарб муаммолари.

Этика ва эстетика фанига доир дидактик манбалари ҳақида куйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ:

Мусулмон шарқида этика ва эстетика фанига оид дидактик манбалар

- Абу Наср ал Форобий                      Фозил одамлар шаҳри
- Абу Али Ибн Сино                          Донишнома
- Кайковус                                      Қобуснома
- Саъдий Шерозий                          Гулистон, Бўстон
- Юсуф Хос Хожиб                          Қутадғу билиг
- Аҳмад Югнакий                              Ҳибат ул-ҳақойиқ
- Имом ал-Бухорий                          Ал адаб ал-муфрад
- Абдурахмон Жомий                      Баҳористон, Гулистон
- Алишер Навоий                              Маҳбуб ул қулуб
- Ҳусайн Воиз Кошифий                      Ахлоқи мухсиний;

Дидактиканинг Ғарб тафаккуридаги ривож

- Коменский Я. - «Буюк дидактика».
- Песталоцци ва Дистерверг - доимо предмет ёки фаннинг инсон онгида англаниши жараёнига, предметнинг моҳияти ва мазмунини тушуниш қандай содир бўлишига ва қандай ўзлаштирилишига, шаклланишига катта эътибор берди.
- Гербарт - билиш жараёнининг моҳияти ва манбаларига, босқичларига,

билиш фаолияти билан амалий фаолият ўртасидаги муносабатлар масаласини ўрганди.

### **Назорат саволлари:**

1. Олий таълимда этика ва эстетика фанларининг ўқитилиш ҳолати ҳақидаги фикрингиз.
2. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонун ҳақидаги фикрингиз
3. Бугунги кунда эстетика фанини ўқитилиш ҳолати ҳақидаги фикрингиз.
4. Ахлоқий-эстетик муҳит деганда нималарни тушунасиз? Унинг шахсга қандай алоқадорлиги бор ?
5. Таълим тизимининг ахлоқий-эстетик муҳитга таъсири деганда нималарни тушунасиз?.
6. Ёшлар тарбиясида миллий маънавий камолотнинг тадрижий ривожини ҳақидаги фикрингиз.
7. Таълим тизимидаги ахлоқий-эстетик фанлар муҳим асос сифатида нималарни айтиб бера оласиз?
8. Илғор педагогик технологиялар асосида дарс жараёнини ташкил қилиш тартибларини изоҳлаб беринг.

## V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>АХЛОҚ</b>	<p>(араб. хулқнинг кўплиги; лот. <i>moralis</i> — хулқ-атвор) — ижтимоий онг шаклларида бири, маънавий ҳаёт ҳодисаси, маънавият соҳасига оид тушунча. Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи барқарор, муайян норма ва қоидалар йиғиндиси. А. нормалари кишиларнинг хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топади. Бунда баъзи хатти-ҳаракатлар, хулқ-атворлар А.ий, баъзилари А.сизлик деб баҳоланади. А. ижтимоий онгнинг энг қад. шаклларида биридир. Давр ўзгара борган сари ҳар қандай ҳодиса каби А. ҳам ўзгаради, ривожланиб, такомиллашиб, маънавий маданиятнинг кўринишларидан бирига айланиб боради. А.ни алоҳида фал-ий фан – “Этика” ёки “Ахлоқшунослик” ўрганади.</p>	<p>MORALITY (Arabic: plural of behavior; Latin: <i>moralis</i> - behavior) - one of the forms of social consciousness, a phenomenon of spiritual life, a concept in the field of spirituality. It is a set of stable, specific norms and rules that regulate people's historically structured behavior, attitudes, interactions in social and personal life, as well as their relationships with society. A. norms are reflected in people's behavior. In this case, some actions, behaviors are assessed as A.ий, some as A.sizlik. A. the highest point of social consciousness. is one of the forms. As time goes on, like any event, A.D. also changes, develops, improves, and becomes one of the manifestations of spiritual culture. A. is studied by a separate science - "Ethics" or "Ethics".</p>
<b>АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАР</b>	<p>-инсон хулқ-атвори, юриш-туришидаги энг юксак, ижобий хатти-ҳаракатлар, ўй-фикрлар ва эзгу амаллар мажмуаси: эзгуликка интилиш, яхшилиқ қилиш, иззат-хурматли бўлиш, меҳнатсеварлик, ор-номусли бўлиш, ватанпарварлик, инсонпарварлик,</p>	<p>MORAL VIRTUES - the highest set of positive, positive actions, thoughts and good deeds in human behavior: striving for goodness, doing good, being honorable, diligence, honesty, patriotism,</p>

	саховатлилик, ҳалоллик, покизалик каби хислатларнинг намоён бўлиши	humanity, generosity , the manifestation of qualities such as honesty, purity
<b>АХЛОҚСИЗЛИК</b>	-жамиятда қабул қилинган ахлоқий меъёрлардан четга чиқиш: боқимандалик, ёлғончилик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, ўғрилиқ, ҳасад, ғийбат, тухмат, ватанфурушлиқ, эътиқодсизлик ва шулар каби барча салбий хислатларнинг намоён бўлиши.	IMMORALITY is a deviation from the accepted moral norms in society: dependence, lying, alcoholism, prostitution, theft, jealousy, gossip, slander, patriotism, infidelity and all other negative traits.
<b>АДОЛАТ</b>	— юксак маънавий тушунча бўлиб, унинг Э. ва Ё. ҳамда Я. ва Ё. дан асосий асосий фарқи шундаки, А. нинг ўзи бирор бир қадриятни англамайди, лекин қадриятлар орасидаги нисбатни белгилайди, уларни баҳолаш мақомига эга. Шу боис унда жамиятни тартибга солувчилик хусусияти бор; А. да икки маънавий жиҳат – ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий талаблар мужассамлашган. Уни маълум маънода ахлоқ соҳасидаги миқдор ўлчовчи ҳам дейиш мумкин: у талаб билан тақдирлашни ўлчаб турадиган тарозидир. А. бор жойда ижтимоий жабрга, бебошликка йўл йўқ. Энг оддий, ибтидоий фазилатлар, м., меҳрибонлик, шафқат, мурувват ҳайвонларда ҳам мавжуд, лекин ҳайвонларда улар ўз гуруҳига, энг аввало, ўз зурриётига қаратилган бўлади.	JUSTICE is a high spiritual concept, its E. and Yo. and Ya. and Yo. The main difference from A. does not mean any value in itself, but determines the ratio between the values, has the status of evaluating them. It therefore has the property of regulating society; A. It combines two spiritual aspects - both moral and legal. In a sense, it can also be called a measure of quantity in the realm of ethics: it is a scale that measures reward by demand. A. where there is no social oppression, no tyranny. The simplest, most primitive qualities, m., Kindness, compassion, kindness are also present in animals, but in animals they are directed to their group, first and foremost to their offspring.
<b>ТАРБИЯ</b>	– инсоннинг шахс бўлиб	EDUCATION is one of the

	<p>етишувини таъминлайдиган узлуксиз жараёнларидан бири. Гўзал фазилатлар инсонга хос нарса, фақат унинг мулки эмас. Яхши фазилат жамиятнинг бойлиги, умуминсоний маънога эга. Ижобий фазилатга эга бўлган кишилар жамиятга таъсир қилади, унинг ривожланишини тезлаштиради.</p>	<p>continuous processes that ensure the development of a person as a person. Beautiful qualities are human, not just his property. A good quality is the wealth of a society, it has a universal meaning. People with positive qualities influence society, accelerate its development.</p>
<b>ЭСТЕТИКА</b>	<p>(юн.aisthikos - ҳиссий идрок, сезги) 1) воқеликни ҳиссий таъсирчан, эмоционал ўзлаштириш; 2) эстетик фаолият қонуниятлари тўғрисидаги фан. Эстетика фан сифатида эстетик тафаккур тарихи, эстетиканинг методологик муаммолари ва эстетик тарбия масалаларини ўз ичига олади.</p>	<p>AESTHETICS - (Greek aisthikos - emotional perception, intuition) 1) emotionally affective, emotional assimilation of reality; 2) the science of the laws of aesthetic activity. Aesthetics as a science includes the history of aesthetic thinking, methodological problems of aesthetics and issues of aesthetic education.</p>
<b>ЭСТЕТИК ДИД</b>	<p>- воқеа ҳодисаларнинг эстетик сифатларини идрок этиш ва баҳолаш жараёнида олинадиган қониқиш ёки қониқмаслик туйғуси, эстетик мезон. Эстетик дид инсоннинг фикр мулоҳазалари, хулқ атвори, хатти-ҳаракатлари, моддий ва маънавий ижод маҳсулотларида ўз ифодасини топади</p>	<p>AESTHETIC DID is a sense of satisfaction or dissatisfaction obtained in the process of perceiving and evaluating the aesthetic qualities of events, an aesthetic criterion. Aesthetic taste is reflected in the thoughts, behavior, actions, material and spiritual creations of man.</p>
<b>ЭСТЕТИК АНГЛАШ</b>	<p>- оламни эстетик англаш, дунёга инсон муносабатининг субъектив томони. У ижтимоий онг шаклларида бири сифатида ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, диний,</p>	<p>AESTHETIC UNDERSTANDING - aesthetic perception of the world, the subjective side of human attitude to the world.</p>

	<p>фалсафий англаш каби ижтимоий ҳодисалар билан бир қаторда туради. Эстетик англаш маънавий руҳий воқеа-ҳодисалар мажмуи бўлиб, улар ижтимоий ҳаёт заминиде вужудга келадиган эстетик ҳис, эстетик дид, фикр, орзу қилиш назарий қисмини англатади.</p>	<p>It is one of the social forms, along with social phenomena such as moral, political, legal, religious, philosophical. Aesthetic understanding is a set of spiritual and spiritual events, which represent the theoretical part of the aesthetic feeling, aesthetic taste, thought, dream, which arises in the social life.</p>
<b>АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАР</b>	<p>-инсон хулқ-атвори, юриш-туришидаги энг юксак, ижобий ҳатти-ҳаракатлар, ўй-фикрлар ва эзгу амаллар мажмуаси: эзгуликка интилиш, яхшилиқ қилиш, иззат-ҳурматли бўлиш, меҳнатсеварлик, ор-номусли бўлиш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, саховатлилик, ҳалоллик, покизалиқ каби хислатларнинг намоён бўлиши</p>	<p>MORAL VIRTUES - the highest set of positive, positive actions, thoughts and good deeds in human behavior: striving for goodness, doing good, being honorable, diligence, honesty, patriotism, humanity, generosity, the manifestation of qualities such as honesty, purity</p>
<b>АХЛОҚСИЗЛИК</b>	<p>-жамиятда қабул қилинган ахлоқий меъёрлардан четга чиқиш: боқимандалик, ёлғончилик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, ўғрилиқ, ҳасад, ғийбат, тухмат, ватанфурушлиқ, эътиқодсизлик ва шулар каби барча салбий хислатларнинг намоён бўлиши.</p>	<p>IMMORALITY is a deviation from the accepted moral norms in society: dependence, lying, alcoholism, prostitution, theft, jealousy, gossip, slander, patriotism, infidelity and all other negative traits.</p>
<b>БАХТ</b>	<p>- маънавий ахлоқий тушунча. Киши ўз фаолияти натижаларидан ҳаётда қўлга киритилган ютуқларидан тўла қониқиш, яшаш тарзидан мамнунлик, муайян мақсадга етганлик, орзу-умиднинг ушалиши, беармонлик ҳолати</p>	<p>HAPPINESS is a spiritual moral concept. Man is manifested in the results of his activity as a state of complete satisfaction with the achievements of life, satisfaction with the way of</p>



	<p>сифатида намоён бўлади. Бахт нисбий тушунча, мутлоқ бахт йўқ. Бахтни қандай маънода тушунишнинг шахсинг ижтимоий ўрнига, билими, ёши, дунёқарашига боғлиқ. Бахт ҳақидаги кишиларнинг тасаввурлари ижтимоий тузим ва ундаги ижтимоий муносабатлар мажмуаси б-н узвий боғлиқ.</p>	<p>life, achievement of a certain goal, fulfillment of dreams and hopes, a state of inertia. Happiness is a relative concept, there is no absolute happiness. How to understand happiness depends on a person's social status, education, age, worldview. People's perceptions of happiness are inextricably linked to the social system and the complex of social relations within it.</p>
<p><b>ВИЖДОН</b></p>	<p>— маънавиятдаги таъсир доираси ниҳоятда кенг тушунчалардан бири. В. – З. Фройд таъбири б-н айтганда, ало мен, мен устидан назорат ўрнатиб, уни бошқариб турувчи иккинчи бир, юқори даражадаги мен. Агар уят ҳисси инсоннинг ташқи, жамиятга боғлиқлигидан келиб чиқса, В. унинг ички ўз-ўзига боғлиқлигини намоён этади. Бу ички боғлиқлик ташқи боғлиқликка нисбатан теран ва доимийдир: уят маълум бир вақт ичида одамнинг ўз ножўя ҳаракати туфайли юзага келган ўнғайсизлиги бўлса, В. азоби, бу оддий ўнғайсизлик эмас, балки қалбдаги, одамдаги одамийликка эътиқоднинг фарёди, талаби; уни қондирмас экансиз, ҳеч қачон азоб тўхтамайди.</p>	<p>CONSCIENCE is one of the most broad concepts in the sphere of influence in spirituality. V. - Z. In Freud's interpretation, alo, I am the second one, the higher I, who controls it and directs it. If the feeling of shame stems from a person's external, social dependence, V. demonstrates its internal self-dependence. This internal connection is deeper and more permanent than the external connection: if shame is an inconvenience caused by a person's own inappropriate behavior over a period of time, V. suffering is not a mere inconvenience, but a cry, a demand of faith in humanity in the heart, in man; unless you satisfy it, the suffering will never stop.</p>

<p><b>КАСБИЙ ОДОБ</b></p>	<p>- жамият томонидан қабул қилинган ахлоқ қоидаларини кишиларнинг ихтисосларига нисбатан амалда татбиқ қилувчи аниқ касбий бурч, шаън, орномус, кадр-қиммат каби хатти-ҳаракатларнинг мажмуи, умумий ахлоқнинг кишилар касб-коридаги ўзига хос кўринишидир. Одоб (араб. адаб сўзининг кўплиги) – жамиятда эътироф этилган хулқ нормаси. Шахс маънавий ҳаётининг ташқи жиҳатини ифодалайди ва ўзгалар б-н муносабат (оила, меҳнат жамоаси, турли маросимлар)да намоён бўлади. Одоб негизида ахлоқнинг баъзи тамойил ва меъёрлари, шунингдек, мақсадга мувофиқлик ва гўзаллик (эстетика) талаблари ётади. Одоб кишининг жамоат орасида ўзини қандай тутиши, одамлар б-н қай йўсинда муомала қилиши, ўз турмуши, бўш вақтини қандай ташкил этиши, инсон ташқи қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига тегишли қоидалар (масалан, шарм-ҳаё, камтарлик, хушмуомалалик кабилар)ни ўз ичига олади</p>	<p><b>PROFESSIONAL ETHICS</b> is a set of actions, such as a clear professional duty, honor, dignity, dignity, which implements the rules of ethics accepted by society in relation to people's specialties, a specific manifestation of general morality in people's professions. Etiquette (Arabic plural of adab) is a socially accepted norm of behavior. The person represents the external aspect of the spiritual life and is manifested in the b-n relationship of others (family, work community, various rituals). At the heart of etiquette are some principles and norms of morality, as well as the requirements of purposefulness and beauty (aesthetics). Etiquette includes rules about how a person should behave in public, how he or she should behave in public, how he or she should organize his or her life and leisure, and how a person should look (for example, modesty, humility, politeness, etc.).</p>
<p><b>МУОМАЛА МАДАНИЯТИ</b></p>	<p>-инсонлар, халқлар, миллат ва элатлар, қавмлар орасида ўзаро маънавий алоқа, саломлашув, сўзлашув, келишув ва бошқа</p>	<p><b>CULTURE OF COMMUNICATION</b> - spiritual interaction between people, peoples, nations and</p>

	<p>инсоний муносабатлардир. Мухим алоқа воситаси-М.м. икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг ўзаро суҳбатини, муносабатини кўрсатувчи омил. М.м. нафақат кишилар орасидаги алоқа воситаси, балки шу б-н бирга дунёнинг, оламнинг маънавий инструменти ҳамдир. Сизнинг қандай шахс эканингизни, ўзаро мулоқотда ўз ифодасини топади.</p>	<p>peoples, peoples, greetings, speech, agreement and other human relations. An important means of communication — M.m. a factor that indicates the interaction of two or more people. M.m. it is not only a means of communication between people, but also a spiritual instrument of the world, the universe. What kind of person you are is reflected in the interaction.</p>
<p><b>ТАРБИЯ</b></p>	<p>– инсоннинг шахс бўлиб етишувини таъминлайдиган узлуксиз жараёнларидан бири. Гўзал фазилатлар инсонга хос нарса, фақат унинг мулки эмас. Яхши фазилат жамиятнинг бойлиги, умуминсоний маънога эга. Ижобий фазилатга эга бўлган кишилар жамиятга таъсир қилади, унинг ривожланишини тезлаштиради. Инсон боласи ҳам бу ёруғ оламга шунчаки келмайди. Ҳазрат Навоий таъбирича, инсон оламга камолотга эришиш учун келади. Инсон тўғри тарбия топмаса, унинг хатти-ҳаракатлари жамиятга зарар келтиради.</p>	<p>EDUCATION is one of the continuous processes that ensure the development of a person as a person. Beautiful qualities are human, not just his property. A good quality is the wealth of a society, it has a universal meaning. People with positive qualities influence society, accelerate its development. According to Hazrat Navoi, man does not come to this world of light just to reach perfection. When left unmanaged, they can be left astray and lose the right path.</p>
<p><b>ҲАСАД</b></p>	<p>- ўзида йўқ бўлган нарсанинг бошқаларда бўлишини истамаслик, ўзгаларнинг ютуқлари ва муваффақиятларини кўра олмаслик. Ҳасад туйғуси мавжуд бўлган одам бошқаларнинг яхши турмуш</p>	<p>JEALOUSY is not wanting what is not in oneself to be in others, not being able to see the achievements and successes of others. A person with a sense of envy is in a difficult position because of</p>

	<p>кечиришидан, ўқишда, меҳнат фаолиятида эришган ютуқларидан қийин аҳволга тушади. Ҳасад турли оламшумул динларда қораланади. Масалан христиан динида ҳасад еттита гуноҳи кабиралардан бири ҳисобланади. Чунки бу динда айтилишича, ҳасад қилиш худо томонидан ўрнатилган тартибдан норозиликни билдиради.</p>	<p>the good lives of others, their achievements in education and work. Envy is condemned in various world religions. In Christianity, for example, jealousy is one of the seven great sins. Because it is said in this religion that jealousy is dissatisfaction with the order established by God.</p>
<b>ЭТИКЕТ</b>	<p>- тақаллуфнинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишининг кўзини қувонтирадиган муносабат ҳодисасидир.</p> <p>Этикетнинг қамрови кенг, у маълум маънода халқаро миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ўз ичига олади. У кўпроқ инсоннинг ташқи маданиятини, ўзаро муносабатлардаги ўзни тутиш қонун-қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Муомала одобида инсон ўз муносабатларига ижодий ёндошса, яъни бир ҳолатда бир неча муомала қилиш имконига эга бўлса, этикет муайян ҳолат учун фақат бир хил қоидалаштириб қўйилган хатти-ҳаракатни тақазо этади.</p>	<p>ETHICS is a phenomenon of positive, pleasing to the eye as a rule of etiquette developed down to the smallest detail. The scope of etiquette is wide, it includes, in a sense, internationally accepted rules of conduct. It more manages the external culture of man, the fulfillment of the rules of behavior in relationships. In etiquette, if a person takes a creative approach to their relationship, that is, is able to do more than one treatment in a situation, etiquette requires only the same regulated behavior for a particular situation.</p>
<b>ГУМАНИЗМ</b>	<p>– Гуманизм (лотинча-инсоний), инсонни улуғловчи диний-фалсафий таъминот, “Ғарб” тимсолидаги, замонавий индустриал-технологик тараққиётнинг умум фалсафий ва</p>	<p>HUMANISM - Humanism (Latin-human), a religious-philosophical provision glorifying man, was the general philosophical and methodological principle of</p>

	<p>метадологик принципи бўлган. “Гуманизм”нинг умум қабул қилинган аниқ бир таърифи йўқ. Гуманизм деганда инсонийликка, инсон шахсини қобилиятларининг максимал ривожланиши учун, шунингдек инсонга лойиқ ҳаёт шароитини яратиш тушинилади.</p>	<p>modern industrial-technological development in the form of "the West". There is no universally accepted definition of "humanism." Humanism means humanity, the maximum development of human abilities, as well as the creation of decent living conditions for man.</p>
